R 496
1967/6

# ГУЛИСТОН

№ 6

Экз. № 6

1967





Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

R 496

*Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети журнали*

# ГУЛИСТОН

№ 6 1967 июнь

Экз. № 6

## УШБУ СОН

### мазмуни

**Доҳийга нишон**

**Изида гул унган**

**Олтин водий**

**Можорлар юртида**

**Сеҳрли бармоқлар**

**Берлиндаги „ўзбек“**

**Саҳарлар... Бевалар...**

**Тупроқдаги тарих**

**Табиат оламида**

**Житомирский айблайди**

**Темур тузуклари**

### *МУАЛЛИФЛАРИМИЗ*

*Собир Абдулла, Ғайратий, Акмал Пўлат, Алихон Соғуний, Иброҳим Ғофуров, Карим Маҳмудов, Ҳамид Нурий, Рустам Раҳмон, Т. Очилбеков.*

*Юсуп Рўзиматов, Одил Абдураҳмонов, Тўшпўлат Ҳамид, Шавкат Каримов, Эсоной Содиқова, Худойберди Тўхтабоев, С. Саҳобиддинов.*

Жами 64 муаллиф қатнашган

*Ойлик ижтимоий-сиёсий адабий-бадиий безакли журнал*

## *ЗАРВАРАҚЛАРДА*

*1-бет — Революция куйчилари. Рассом В. А. Фадеев асари.*
*Г. Графкин фоторепродукцияси.*

*2-бет — Тошкент жамоли.*
*Г. Графкин фотоси.*

## КЕЛАСИ СОН

**мазмуни**

**Ленинга хатлар**

**„Ҳужум“ ҳужжатлари**

**Улуғ йўл**

**Сурхон дафтари**

**Табиатдан ҳангама**

**Очеркнинг давоми**

**Тил одоби**

**Ўргимчак уяси**

**Тоҳир-Зуҳра қабри**

Ўзбекистон Компартияси
Марказий Комитетининг
Бирлашган нашриёти

**гулистон ахбороти**

## Қалам соҳиблари анжумани

СССР ёзувчиларининг тўртинчи Бутуниттифоқ съезди кўп миллатли совет адабиёти ҳаётида катта воқеа бўлди. Съезд адабиётнинг коммунистик қурилишдаги роли ва аҳамияти масаласини пухта муҳокама қилди.

Суратда: съездда қатнашган Ўзбекистон ёзувчилари делегацияси Москвадаги «Номаълум солдат қабри»га гулчамбар қўймоқда.

И. Душкин фотоси
(ТАСС — УзТАГ)





## Белоруссия—Ўзбекистон

Қардош Белоруссия тупроғида бўлиб ўтган Ўзбекистон адабиёти ва санъати декадаси икки меҳнаткаш халқ дилини дилига ҳамоҳанг қилди. Бу жажжи суратларда сиз белорус дўстларимизнинг ўзбек диёри санъаткорларини иссиқ кутиб олганликларини, туз-нон билан пешвоз чиққанликларини кўриб турибсиз. Уларнинг шу ҳолатларини УзТАГ фотомухбири И. Душкин расмга туширган.






## Зокир Ҳусайн—Ҳиндистон президенти

Ҳиндистон Миллий конгресси партиясининг атоқли арбоби Зокир Ҳусайн Республика президенти қилиб сайланди. Ҳинд матбуоти, радио ва телевидениеси Ҳиндистон мустақиллиги ва равнақи йўлида жонбозлик кўрсатган ана шу кекса давлат арбобининг ҳаёти ва фаолияти ҳақида кўп хабарлар тарқатмоқда.

Зокир Ҳусайн 1897 йил 8 февраль куни Ҳайдарободда туғилган. Алигарҳ университетини тамомлаган. Давлат маҳкамаларида турли лавозимларда ишлаган.

Зокир Ҳусайн Жавоҳарлал Нерунинг содиқ сафдоши ва давлат ишларида ҳамфикри эди. Унинг Совет Иттифоқи билан дўстлашиш борасидаги хизматлари катта.

СУРАТДА: ўзбек студентлари Зокир Ҳусайн ҳузурида.

ТВ УзССР
Ж ___

**гулистон ахбороти**



Узбекистонда Венгрия маданияти декадаси. Сирдарё театрининг санъаткорлари венгер куйчиси Атилла Добош билан чақчақлашмоқдалар.

В. Лейзерович фотоси
(УзТАГ).

## Муборак!

Коммунистик маъмурчилик дастурхонига ноз-неъматлар тўкаётган илғор хўжаликлар — колхозлар, совхозлар кўксига ҳам олий нишон тақилмоқда.

Яқинда СССР Олий Совети Президиумининг Фармонига мувофиқ Ленин ордени билан 134, Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан 178 хўжалик, корхона ва ташкилот мукофотланди.

Андижон областидаги «Савай», Сурхондарё областидаги «Ҳазорбоғ», Пахтаорол районидаги «Пахтаорол», Тошкент областидаги «Узбекистон ССР бешйиллиги» совхозлари, Фарғона область Поп районидаги Ленин номли, Сирдарё область Жиззах районидаги «Москва» колхозлари байроғида Ленин нишони порлайди.

Андижон область Ленин районидаги «Правда Востока», Хоразм область Ҳазорасп районидаги Нариманов номли, Қорақалпоғистон АССР Тўрткўл районидаги Максим Горький номли колхозлар, шунингдек, «Нурота» давлат наслчилик заводи, Қўйлиқ механика заводи ва бир қанча ташкилотлар Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан тақдирланди.

Азамат колхозлар, совхозлар, заводлар, байроғингиздаги олий нишон муборак!



# Хоразм ордени— ЛЕНИНГА

*Хоразм меҳнаткашлари 1920 йил 2 февралда хонлик тузумидан абадий халос бўлдилар.*

*Хоразм Халқ Совет Республикасининг икки йиллиги муносабати билан машҳур инқилобчи ва меҳнат қаҳрамонларига тақдим қилиш учун Меҳнат ордени таъсис этилди. 1922 йил 4 февралда биринчи орден билан жаҳон пролетариатининг доҳийси В. И. Ленин мукофотланди.*

*ХХСР Марказий Ижроия Комитетининг РСФСР Халқ Комиссарлари Совети раиси В. И. Ленинга ёзган хатида шундай дейилган:*

*«Қадрли ўртоқ! Биз Совет Хоразмида тинч қурилиш ишларига киришганлигимизни Сизга хурсандчилик билан маълум қиламиз. Биз Сизнинг маслаҳатларингизга амал қилиб, эски чор ҳукумати атайлаб кучайтириб келган туркманлар билан ўзбеклар ўртасидаги низони тугатиш учун ва Хоразмнинг ҳамма халқларини ягона қардош оилага жипслаштириш учун қўлимиздан келган ҳамма ишни қилмоқдамиз.*

*Биз Сизнинг маслаҳатларингизга кўра деҳқонларимизнинг ҳаётини яхшилашга киришдик. Сизнинг сўзларингиз ҳар биримизнинг қалбимиздан чуқур жой олади. Биз ўз саноатимизни ташкил этишга киришдик. Хоразмнинг эски мустамлакачилик сиёсати саноатни ривожлантиришга йўл қўймас эди. Бу соҳада ҳам Сизнинг янги иқтисодий сиёсатда белгиланган кўрсатмаларингизга амал қилмоқдамиз. Хоразм инқилобининг икки йиллигини нишонлаб, биз меҳнат қаҳрамонларига бериш учун Меҳнат ордени таъсис этдик. Сиз қадрли ва севимли устозимиздан Марказий Ижроия Комитетнинг қарорига мувофиқ ана шу орденни олишни ва Шарқда кўп асрлик қулликдан озод бўлган меҳнат рамзи сифатида тақиб юришингизни сўраймиз».*

*Шунингдек, ушбу орден билан М. И. Калинин, Чичерин, А. Маҳмудов, А. Ҳожиев, Х. Сайдашева, В. Отажонова каби Хоразмда Совет ҳокимияти ғалабаси учун курашда алоҳида ўрнак кўрсатган кишилар мукофотланган.*

*Юсуп РЎЗИМАТОВ,*
*Хоразм тарих-революция музейининг Совет даври бўлими мудири.*

Дов-дарахтлар барг ёзган, тоғу даралаpга яшил гилам тўшалган, ҳатто томларнинг бўғотларида лолақизғалдоқ ўзини кўз-кўз қилган ажиб бир паллада кишининг кайфияти ўзгача — енгил тортади. Баҳор деганича бор — дилни яшартади. Ҳар кимни ўз қучоғига чорлайди, ширин хаёллар сари етаклайди. Ёшни келажак истаклари, қарини ўтмиш хотиралари томон бошлайди.

Юриб бораётган йўли ўттизинчи йилларда тўқай эди. Қалин қамишлар орасидан ўтиб бўлмасди. «Анави дўнгликда Тиловолдининг чайласи бор эди, бола-чақаси билан турарди. Ўшанда (қачон эди? Икки йилдан кейин эди чамаси) йўл очгандик. Кимлар ўтмади ундан. Раҳматли Ота ҳам икки-уч дафъа юрган бу йўлдан. Бошида тулки телпак, эгнида қизил қашқар чопон, оёғида ағдарма этик.. Бирам кичик кўнгил, бирам одамохун эдики... Ҳали-ҳали кўзимдан нари бўлмайди...».

Асакадаги маҳаллимиз.

Отанинг Жўра мингбошининг данғиллама уйига тушгани бир зумда Ниёзботир аҳлига маълум бўлди. Зум ўтмай: «Ҳамма ширкат идорасига борсин, Охунбобоев ваъз айтади» деб хабар қилишди.

Жўра мингбошининг мусодара бўлган катта ҳовлиси яхтак-чопон кийган ялангтўш деҳқонларга лиқ тўлди, шундоққина қоқ ерга чордона қурганлар ҳаммаси «Ўзбекистон оқсоқоли нима деркин?» деб қизиқсиниб ўтиришарди. Ота бўлса айвондаги чорпояда уч-тўртта киши билан бамайлихотир чой хўплаб, алланарсаларни ҳикоя қилиб, чақчақлашиб ўтирарди.

Танирмикин? Эсида бормикинман? Ахир, қанча йил ўтди!.. Йўқ, унутмабди. Таниди. Хўпламоқчи бўлган чойини ичмай, унга тикилди. Сўнг ўзига, фақат ўзига ярашган мулойимлик билан кулимсираб:

— Ҳорманг, Жумабой! Қани, бу ёққа,— деди қўзғалиб.

«Таниди!..» — дерди Жумабой ўзича қувониб Отанинг қўлини маҳкам қисаркан.

Ота йигит маҳалида Ниёзботирда ғишт қуйиб юрган, ўшанда ўспирин Жумабой билан танишиб, улфатчилик қилган эди...

Охунбобоев ўтирган жойида халойиққа юзланди. Яқинроқдаги деҳқонлардан ҳол-аҳвол сўради. Битта-иккитаси: «Еримиз қамроқ. Агар ҳукумат ер берса айтган пахтасини беришга қодирмиз» дегандай гап қилди. Чамаси Ота суҳбат маромини шу мазмунга олиб келди.

Кейин ўрнидан қўзғалиб, ҳаммага эшиттириб гапирди:

— Асаканинг азалдан донги чиққан. Яхши деҳқони кўпу ери озроқ. Мана, Хоразмда, Сурхондарё деган жойимизда, Озарбайжонда қанча-қанча ерлар бўш ётибди. У ерларда ҳам одамлар бор, лекин пахтанинг тилини сизларчалик билишмайди. Ўша ёқларга борсанглар бола-чақаларингиз билан, юртни Асакага ўхшатиб обод қилсанглар, одамларига деҳқончиликни ўргатсанглар. Қани, асакалик азаматлар, нима дейсизлар?!



# ИЗИДА ГУЛ УНГАН

Ота ўтирганларга разм солиб турарди. Унинг тийрак кўзлари Жумабойга тушди.

— Жумабой, хўш, сиз нима дейсиз?

У кўзларини яширди. Уйга толди: нима десин? Асакадан кетадими? Жон Асакадан-а? Қариндош-уруғларни ташлаб-а?.. Ота саза қиляпти. Йўқ, десинми? Ҳурматли кишининг сазасини синдирсинми? Ишонганидан, умид қилганидан унинг номини тилга олди-ку? «Йигит кишининг сазаси сингунча... Бораман! Майли, эл нима бўлса, мен ҳам шу! Бораман!»

Жумабой бошини кўтарди:

— Бўпти, бораман.

Нари-бери гапдан бошланган суҳбат муҳим давлат масаласини ҳал этмоқда эди. Мажлис бошланишини кутиб ўтирган одамлар уни тамом бўлганидагина пайқаб қолишди...

Йўлдош Охунбобоев Ниёзботирликларни қўзғаб қўйгандан кейиноқ бошқа қишлоқларга, Андижон, Наманган атрофларидаги деҳқонлар ҳузурига борди. У Ниёзботир деҳқонларини байроқ қилиб олди:

— Мана, Ниёзботирдан юз уйлик деҳқон Сурхондарёга жўнаяпти. Сизлар-чи?!

Ҳаш-паш дегунча яна беш юз хўжалик Хоразм, Озарбайжон, Сурхондарё тарафларга отланишди.

Ота янги жойларга кўчганларни унутмади. Уларни кўргани, ҳол-аҳвол сўрагани Сариосиёга келди. Капаларда меҳмон бўлди. Рост гап, маҳаллий партия, совет ташкилотларининг раҳбарлари асакаликларни кўнгилдагидай кутиб олишмапти. Улар қиш ичи қамиш чайлаларда ўтирибди. На йўл, на ариқ очилибди. Хайрият, Жумабой атрофига ҳамқишлоқларини тўплаб, Обизаранг сойидан ариқ очибди.

Бу аҳволни кўриб, таъби бузилган Йўлдош Ота Сариосиёда катта йиғин чақирди.

— Уйламангларки, булар Асакада ер-сув тегмаганидан келган деб. Бу жойларни Асакадай боғ-роғ қилгани келган.

Йиғиндан кейиноқ асакаликларни хонадонларга кўчиришди.

Кўп ўтмай, ҳозир Жумабой ота оҳиста юриб бораётган шу катта йўл очилди. Кейинги сафар Ота мана шу йўлдан «фарғоналиклар колхози»га меҳмон бўлиб келди.

«Манави боғлар, анави пахтазорлар, рўпарадаги тутзорлар, колхоз ерининг ўртасидан кесиб ўтган катта ариқ Охунбобоевни кўрган, унинг шарофати билан бўлган... У кишининг қадами етган жой обод бўлмасдан қолмасди. Агар у киши Ниёзботирдаги йиғинда «Жумабой, хўш, сиз нима дейсиз?» деб юрагига қўл солмаганида, мендек бир бечора одам шундай мартабага эришармидим?..»

Жумабой ота ихчам қайчиланган соқолини чимдилаб, ўзи бош туриб очган катта йўлдан бораркан, ўтмиш кунларни ўйлар, бундан аллақандай хуш баҳра оларди. Ҳа, у бу ерда обрў-эътибор қозонди. Бола-чақали бўлди, уларни уйладди-жойлади. Узоқ йил «фарғоналиклар колхози»га («Янги рўзғор» колхозини шундай деб аташарди) раис бўлди. СССР Олий Совети депутатлигига сайланди... Мана, қарилик етди. Пенсияда.

Яшаган умридан рози. Пенсияга чиққанидан кейин колхозчилар кўплашиб қуриб берган уйда кампири Олия опа билан невараларини овутиб юрибди. Зериккандa далага чиқади, қадрдонлари билан кўришади, гоҳо ғайрати қўзиганда уларнинг ёнига кириб, кетмон чопади... Раислигида ҳам шунақа эди.

* * *

Ота ер очишга, канал-ариқ қазишга ўч одам эди. Қаерда ер очилса, қаерда ариқ чиқарилса ўша жойда иш боши эди. Уруш бошланганда Қоратоғ канали битмаган эди. Тез орада битиб кетадиган иш уч йилга чўзилди. Ота фурсат топса шу ёққа келарди. Каналнинг у бошидан бу бошига пиёда юриб, «Ҳормабор бўл» қилиб, одамларнинг руҳини кўтарарди. Бу орада ўзбек делегациясига бош бўлиб фронтга борди. Урушдан қайтиб, яна Қоратоғ каналидан хабар олгани келди. Фронтда кўрганларини гапирганида, ҳар сафар:

— Биз боргандан кейин душманни йигирма чақирим орқага суриб кетишди, азаматлар!— деб завқланарди. Чунки бу ҳужумни ўзбек делегацияси ҳурматига эришилган катта ғалаба деб биларди.

Ўшанда каналда ўн беш кун туриб қолди. Жумабой акага гоҳо ҳасрат қилиб қоларди:

— Жуда ошхўр эдим, Жумабой. Мана энди еёлмайман. Ошқозоним касал...

Жумабой ака унга товуқ шўрва пишириб берарди. Ҳамма вақт таомни мақтаб ўтириб ерди.

Ўзбекистон оқсоқолининг оғир бетобликда ҳам эл-юрт иши деб кеча-кундуз далада, иссиқ-совуқда юргани Жумабой акада меҳр оширарди, нима қилиб бўлса ҳам Отанинг аҳволини енгиллатгиси, кайфиятини кўтаргиси келарди. Бу, хушомаддан йироқ бўлган меҳрибонлик, давр синовидан ўтган дўстлик эди.

Жумабой ота Пирназаров Ўзбекистон оқсоқоли хотирасини дилига бунчалар яқин олиб юрганининг боиси ҳам шудир балки? Отанинг ўлмаслиги ҳам шундадир? Бунга унинг қадамлари изидан униган гуллар гувоҳлик бериб турибди.

Рустам РАҲМОН.

# Кўргилигингни унутма

## Муҳаррир минбари

Бордию, йўлда кетаётганингизда иззатини билмаган, ҳаддидан ошган бирон сурбет рўпарангиздан чиқса-да: «бу жойларда фақат мен юришим керак, менга тобе бўлишинг шарт, акс ҳолда адабингни бериб қўяман» деб дағдаға қилса. Бу ҳам етмагандек, қўққисдан лунжингизга мушт туширса сиз бўлсангиз бу беадабнинг қўлини қайириб, юмшоқ жойига бир тепсангиз-у, кўзлари ярқ очилиб: «жон ака, билмабман, тавба қилдим, иккинчи бу номаъқулчиликни қилмайман» деса, сиз унинг гапини гап билиб, қўйиб юборсангиз-у, нарироқ етмасингиздан яна рўпарангиздан чиқиб, ҳеч нарсадан-ҳеч нарса йўқ: «кунингни кўрсатиб қўяман, сен менинг қўлимни қайиргансан-а!» деб, телбалик қилиб қолса — қай ҳолатга тушардингиз.

Эҳтимол, бу ўхшатиш у қадар жоиз эмасдир-у, аммо бугун америка корчалонлари қутуртираётган Ғарбий Германия аламзадалари ўзларини ана шу хил сурбетлардек тутмоқдалар. Улар тинчгина, урушжанжалсиз ҳаёт кечиришни эзгу ниятим деб билган Совет Иттифоқига яна хуруж қилаяпти. Ажаб, икки бор тепки еган каллакесар безорилар ўтган кунларини бунчалар тез эсидан чиқарган бўлсалар-а?!

Йўқ, жаноб аламзадалар, бас етар! Қанчадан-қанча келинларни тул қолдирдингиз, қанчадан-қанча ота-оналарни мотамсаро қилдингиз, қанчадан-қанча гўдакларни ота-она дийдоридан маҳрум этдингиз. Сиз ўйлаган авом халқ йўқ энди. Жаҳонда ўз тақдир-қисматига эгалик қила оладиган тинчликсевар забардаст куч бор энди! Ёғ босган кўзларингизни мошдек очиб қўядиган социалистик ҳамкорлик уюшмаси мавжуд энди!

Йўқ! Фашизм ўтмайди!

Карлова Варида бир қанча коммунистик ва ишчи партиялари конференциясида Европа хавфсизлик масалаларининг кенг муҳокама қилингани бежиз эмас. Бу конференция қабул қилган Баёнот, шубҳасиз, америка урушқоқларининг ҳамда Ғарбий Германия аламзадаларининг шаштини қайтаради, дамини кесади. Ундаги ҳаракат йўлланмаси халқларга тинчлик учун курашнинг аниқ истиқболини кўрсатиб берди.

Европада тинчлик бўлар экан, жаҳонда уруш бўлмайди дейишга катта асос бор. Агар разил НАТО ҳарбий уюшмаси тугатилар экан, Бонн ҳукумати Германия Демократик Республикасини ютиб юборишдан, Германияни 1937 йилги чегаралар доирасида қайта тиклашдек иштаҳасидан тийилар экан, Мюнхен битимлари қонунсизлигини тан олиб, Ғарбий Берлин Германия Федератив Республикасига қарашли деган игвогарликни тўхтатар экан ва, ниҳоят, ядро қуролига қўл чўзишдан ошкора бош тортар экан — Европада албатта тинчлик барқарор бўлади.

Иккинчи томон — Совет Иттифоқи бошлиқ социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда турли мамлакатлардаги коммунистлар эса урушнинг олдини олиш учун азалдан курашиб келаётгани жаҳон афкор оммасига сир эмас. Бу нарса Европа коммунистик ва ишчи партияларининг Баёнотида яна бир бор таъкидланди:

«Биз, коммунистлар, турли миллий шароитларда иш олиб бориб, коллектив хавфсизлик системасини қуриш учун, агрессия қилишнинг ҳар қандай имкониятига йўл қўймайдиган ҳамда Европага ва бутун дунёга мустаҳкам тинчликни таъминлаб берадиган муносабатларни давлатлар ўртасида ўрнатиш учун куч ва ғайратимизни аямаймиз».



# Ер-сувислоҳоти

Унутилмас йиллар гувоҳи

*Камбағал деҳқон, чорикорнинг инқилобгача бўлган қисмати таърифланган асарларни кўп ўқигансиз. Меҳнаткаш деҳқоннинг ер-сув ислоҳотини қанчалар қувониб севиниб кутиб олганлари табиийдир. Ахир, ерга, сувга эгалик қилиш унинг асрий эзгу тилаги эмасмиди?!*

*1925 йилнинг 2 декабрида Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Комитетининг Фавқулодда сессияси декрет қабул қилди. Унга «Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси чегарасидаги ҳамма ер, ўрмон, сув ва ер ости бойликлари кимнинг ихтиёрида эканлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг давлат мулки»га айланганлиги айтилган эди. Декрет меҳнаткаш деҳқонларнинг ўзлари ҳайдаб-экиб келаётган ерларини ўзларининг ихтиёрида қолдирди.*

*Республика партия ва ҳукумати жойларда ер-сув ислоҳоти ўтказишга умумдавлат иши деб қаради. Бу иш аввало бир қадар тайёргарлик кўрган Фарғона, Тошкент, Самарқанд областларида бошланди.*

*Меҳнаткаш халқ ислоҳотни зўр шодиёналик билан улуғ байрамлар сингари нишонлади. Ислоҳот ўтказувчи вакилларнинг келишини эшитган қишлоқ камбағаллари қизил байроқ кўтаришиб, билакларига, дўппиларига, кўкракларига, ҳатто отларининг ёлига, арава шотиларига қизил тақиб келардилар.*

*Уйчи районидан уч минг чорикор, батрак, ўрта деҳқон ер-сув ислоҳоти вакиллари билан Совет ҳокимиятига миннатдорлик изҳор қилгани Наманган шаҳрига бордилар.*

*Сиз кўриб турган биринчи суратда Ўзбекистон Марказий Ижроия Комитети раиси Йўлдош Охунбобоев Чортоқ районига бориб, ер-сув олган деҳқонлар билан суҳбатлашаётган пайтини кўриб турибсиз. Иккинчи суратда эса, мажлисдан кейин Охунбобоев ўзи бош туриб, деҳқонларга мол-улов, асбоб-ускуналар тақсимлаб беряпти.*

**ҒАЙРАТИЙ**

## *ЮРАК БУ*

Қўлингни кўксимга қўйгин бир нафас,
Совуқ назар билан тортинма зинҳор.
Юрак бу, шишанинг синиғи эмас,
Қўлингни кесмайди қўрқмагил, эй ёр.

Яқин кел, бир йўла тинглагин розим,
Йўл берма, ўртага тушмасин ҳижрон.
Не дейди, қулоқ сол мунгли овозин,
Саркаш қиз, дунёда айрилиқ ёмон.

## *ИНТИЗОРЛИК*

Интизорлик на қадар оғир,
Лекин унинг ўзга гашти бор.
Куйиб-ёниш, бу қисмат тақдир,
Муҳаббатинг доим менга ёр.

Қуёш қанча турса-да узоқ,
Жон бахш этар ҳар тонг ғунчага.
Нари бўлсанг ҳавфим йўқ асло,
Тушажакдир назаринг тарқоқ,
Хазин юрак — ўт тугунчага!

## *РУБОИЙЛАР*

Мақсадга элтгувчи озод бир дунё
Тузмакни истарди Хайём доимо.
Эзгулик асридир ўша орзулар,
Биз уни ер узра айладик барпо.

* * *

Сайр этсам чаманда ниҳоли ҳамроҳ,
Не ниҳол, ой каби висолинг ҳамроҳ.
Ёлғиз деб ўйлама, ҳаттоки тунлар
Бедорман тонггача, хаёлинг ҳамроҳ.

* * *

Суратим олибсан, ой юзли жонон,
Маҳорат зеҳнингга қойил юрт-жаҳон.
Кўрганлар демасин фақат сурат деб,
Набўлгай бахш этсанг ҳарорат ва жон!

* * *

Боғ, чаман хазон деб қайғурма зинҳор,
Куз фаслин иши бу, ҳар йили такрор.
Уч-тўрт кун сабр қил моҳир табиат,
Чорасин кўрадур юбориб баҳор.

* * *

Яхши ўқимасанг ҳаёт китобин,
Синчиклаб билмасанг ҳар битта бобин,
Қоқилиб қоласан ҳар бир қадамда,
На учун туғилдинг, топгил жавобин!



Бу ажиб диёрга энди уч йўл билан борилади: Ховос, Бекобод орқали темир йўлдан, автомобилда Қурама тоғларидан, ниҳоят, ҳаво йўлидан бориш мумкин. Бир маҳаллар савдогарлар, саёҳатчилар соябон аравага тушиб, Марғилондан Тошкентгача бир ҳафтада аранг етиб боришарканлар. Мана энди Фарғонага борар бўлсангиз, бор-йўғи ўттиз минут учасиз. Гарчи ҳаво йўли бугунликда энг қулай, энг яқин, энг гаштли саёҳат бўлса-да, самолётда учиб, кўп нарсани — ҳаётимиз янгиликларини пайқаш қийин. Поездда ҳам қисман шундай. Яхшиси, йўл-йўлакай ўткинчи машиналарга қўл кўтариб, у бекатдан бу бекатга етиш, колхоз-совхозлардаги, шаҳар-қишлоқлардаги танишбилишлар билан, нотаниш яхшилар билан суҳбатлашиб ўтиш, қўйиндафтарни янги номлар, жонли рақамлар, ажойиб мисоллар билан тўлдириш учун автомобиль йўлини танладим.


Ҳамид
НУРИЙ

*„Гулистон“ махсус мухбири.*


Тошкентдан чиқиб, Оҳангарон орқали Камшик довонига етиб боргунча кўрган, билган нарсаларнинг ўзини қоғозга туширадиган бўлсак яхшигина китобча бўлади. Аммо, бу сафар хотирасида гўзал Фарғона водийси қиёфасини, унинг ўтмиши ва ҳозирини қаламга олмоқни ният қилганимиз учун дафтарнинг бу саҳифаларини кейин очамиз.

Камшик довони сиртида бир зум тўхтаб, тоғлар ён бағрида ўсиб ётган арчаларга, кўм-кўк майсазорларга, уларда яйраб ўтлаётган

ши топилмаса керак. Аввало, водийдаги серҳосил, сертармоқ хўжаликлар билан, қолаверса, бир неча машъаллари билан машҳур. Ҳеч бўлмаганда Ленин номли колхозга тушиб ўтишим, унинг раиси Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Аҳмаджон Одилов билан бу йилги мўлжали тўғрисида суҳбатлашиб олишим керак. Сўнгра... Мелиқўзи Умрзоқов, Мамажон ота Тошматов қабрларини зиёрат қилмай кетиш яхши эмас. Бу икки сиймо Ўзбекистонда пахтачилик ривожига катта улуш қўшиб кетди. Мўлиқўзи ҳатто қирққа кирмай, Мамажон ота тўқсонни кўзлаб вафот этди. Бири пахтачиликни механизациялаш жарчиси эди, иккинчиси эса пахтакорлик касбини улуғлаб яшади, шунча қариса ҳам кетмонини қўймади, кетмон тутиб жон берди. Бундай захматкаш, меҳнаткаш улуғ пахтакорлар қабри тепасида бош эгиб, ҳурматини бажо келтирмай бўладими?!

мишзор, шўрхок ерлардир. Бу азим чўл айниқса урушдан кейин тез суръатлар билан ўзлаштирилаяпти. Янгидан ташкил этилган Ёзёвон, Задарё, Бўз районлари Марказий Фарғона чўллари чегарасини тобора қисиб келяпти. Ҳар йили неча юзлаб коммунистлар, комсомоллар, бўз ерларни обод қилгани қадрдон жойларини тарк этиб келмоқдалар. СССР Олий Советининг депутати, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Манноп Жалолов ўз коммунистик меҳнат бригадаси аъзолари билан Сарижўгэ бўзига кўчиб келганидан кейин чўлқуварлар сафи айниқса кенгайиб кетди.

Фарғона водийсининг обод ерлари адирлар этагида юрдик. Дарҳақиқат, водий атрофини майин тупроқли адирлар ўраб турибди. Бу адирларда баҳор пайтларида кўм-кўк гиёҳ униб чиқади, ранг-баранг гуллар битади. Ёз кириши билан сарғайиб, қовжираб қолади. Бир маҳаллар бу адирларни ўтлоқдан, унча-мунча буғдой, арпа ўстиришдан бошқага ярамайди дейишарди. Аммо у халқ учун улгуржи фойда етказадиган бойликларни кўксида яшириб ётган экан. Водийнинг қоқ ўртасидаги Фарғона ва Олтиариқ нефтни қайта тозалаш заводлари бугун мана шу «қақроқ» дейилган адирлар қаъридан сўриб олинаётган нефть булоқларидан ҳаракатга келаётир. Чимён, Шимолий Сўх, Полвонтош, Хўжаобод, Бўстон, Жанубий Оламушук нефть конлари ана шу адирлар бағри-

# ОЛТИН ВОДИЙ




кўй-қўзиларга тўйиб-тўйиб боққач, яна отланамиз. Енгил машина бизни тоғ йўлидан Фарғона водийси сари бошлаб кетади. Жилғалардан оқиб тушаётган шўх сойларнинг кўприкларини, яккам-дуккам уйли қишлоқларни, йўллар рўпарасидан туртиб чиққан тоғ-тошларни ортда қолдириб, кенг ялангликка етамиз. Гарчи бу жойлар кафтдек текис бўлса-да, нимагадир, Пунгон адирлари дейилади. Қани энди рўпарада кумуш тасмадек кўндаланг ётган азим Сирдарёдан улкан қувурлар орқали сув келтирилсаю, бу қақроқ ерлар об-ҳаётга тўйдирилса!

**ПУНГОН.** Сирдарё устига ташланган пўлат кўприкдан ўтиб, бир нечта қум барханларини орқада қолдирсангиз, кўҳна Қўқон шаҳрига кириб борасиз. Ҳа, энди шунақа. Бироқ, яқин ўтмишда, кўприк йўқ маҳалида одамлар дарё кечишарди, сурма кемага навбат кутишарди. Мавлоно Муқимий Оқ жарга сургун қилингачда худди шу атрофда «паромчи» бўлиб ишлаган, Сирдарё устига кўприк қурилишини орзу қилган эди. Мана ўша кўприк! Дарёнинг иккала соҳили бирам ободки, ҳар қандай шошқалоқ йўловчи ҳам бир пас тўхтамай ўтолмайди.

Мени Қўқон, у ердаги дўст-ёронлар меҳри тортиб турса-да, ҳозирча у ёққа боришдан ўзимни тияман. Чапга, Поп — Чуст — Наманган йўлига буриламан. Чунки саёҳатим режаси шундай.

Фарғонанинг Поп районини эшитмаган ки-

Машина равон йўлда қанчалар елиб югурмасин, манзиллар ораси олис. Бундай пайтларда уй-хаёлга эрк берасан, киши.

**ФАРҒОНА.** Ажойиб диёр, кўплар унинг таърифини қилиб кўрган, бироқ ҳеч бири буни удда қилолмаган чамаси. Узбекистонни — жаннат ўлка дейишади. Айни пайтда халқимиз орасида яхши бир нақл ҳам юради.

— Фарғонада бўлганмисан?
— Йўқ.
— Демак, Узбекистонни кўрмабсан...

* * *

Машина ям-яшил баргларни, йўл четларида қатор тизилган обод уйларни, ипак қуртига шапалоқ баргларини зудлик билан тайёрлаётган тут сафларини орқада қолдириб боради. Қанча юрилмасин, далалардан, қишлоқлардан, боғ-роғлардан ариб кетолмайсан. Фарғона шундай гавжум, обод диёр. Уни чор тарафдан қорли тоғлар ўраб туради, ғарбида тўққиз километр кенгликдаги Ленинобод оралиги очиқ, холос. Водийга фазо бўшлиғидан қарасангиз, худди бодом данагига ўхшайди. Ғарбдан Шарққа томон уч юз километрга, энининг энг кенг жойи 140 километрга етади. Майдони ҳам чакки эмас: Бельгия ёки Нидерландия мамлакатларидан бир ярим баравардан ҳам каттароқ. Водийнинг шаҳар, қишлоқлари асосан дарё, сой бўйларига, тоғ, адир этакларига жойлашган. Қорақалпоқ чўли деб номланган Марказий Фарғона ерлари эса захкаш, қа-

га санчилган нефть булоқларидан минг-минг тонна «қора олтин» оляпти. Бугина эмас, пахтакорлар ҳам адирларга ҳужум бошлаган: йирик насос станциялари қуриб, 100—200—300 метр баландликка сув чиқариб, неча юзлаб адирларни боғ-бўстонга, пахтазорларга айлантирдилар.

Фарғонани Урта Осиё дурдонаси дейишларининг сабаби бор. Бу ерда пахта, ипак, мевачевадан бошқа бойликлари ҳам беҳисоб. Айниқса ер ости бойликлари ҳадсиз. Олимлар, геологлар бу сирли сандиқни тамомила очиб улгирганларича йўқ ҳали. Қизилқия, Тошкўмир, Кўкёнгоқ, Даргомир кўмирлари, Андижон газии, Чимён нефти, қанча-қанча бошқа конлар водий ҳаётида муҳим ўрин тутади. Иссиқ, шифобахш ер ости сувларини айтмайсизми? Фарғона шаҳридан 35 километр жануби-ғарбда, денгиз сатҳидан 700 метр баландликда Чимён курорти меҳнаткашларга хизмат қиляпти. Унинг шифобахш сувлари таркиби машҳур Мацеста сувидан қолишмайди. «Чортоқ» санаторийсини ким билмайди?! Унинг таърифини эшитган сибирлик, украиналик, қозоғистонлик шифоталаб кишилар келишаётгани, бу ердан соғайиб қайтаётгани сир эмас.

Водийнинг ажойиб хусусиятлари бу билангина тугамайди. Унинг дарё-сойлари, қулай об-ҳавоси битмас-туганмас бойликдир. Бу ерга Сибирнинг, Арктиканинг совуқ ҳавоси тоғлар ҳалқасини ошиб ўтолмайди, нам ҳаво ҳам эркин киролмайди.

Ихчам тақриз

# Бир шеърни ўқиб...

Бизда шеърий тўпламларга ёки катта ҳажмдаги қалин китобларга тақриз ёзиш анъана тусига кириб қолган бўлса-да, адабий ҳаётимизда воқеа даражасига кўтарса арзийдиган кичик асарлар хусусида алоҳида фикр юритиш афсуски кенгроқ йўлга қўйилмаяпти.

Бизнингча, кичик ҳажмдаги ҳикоя, шеър устида тақриз ёзиш бадиий адабиёт мухлислари, жумладан ёш ижодкорларни конкретликка ўргатади ва ёзувчи ижодий лабораториясининг ич-ичига олиб киради.

Ушбу ихчам мақолада Асқад Мухторнинг «Ўзбекистон маданияти» газетасининг ўтган йили 2 ноябрь сонида босилган «Мен пахтакорман» шеъри ҳақида фикр юритмоқчимиз.

Шеър 40 йўл ёки атиги ўн банддан иборат бўлишига қарамай, бунда пахтакорнинг тарихи, фикри, ўй ҳам ниятлари мантиқан ўзаро мослашганлиги, ёки поэтик мазмун билан поэтик форманинг чамбарчаслиги асарнинг таъсир кучини оширган.

Дастлабки мисраларда «Жаҳондаги кўп тожлар сўлиб, чириб кетган»лиги, пахтакорнинг эса, ўттиз асрлик меҳнат тожи борлиги фахрланиб тилга олинади:

**Бир замонда ерга тушган биринчи чигит**
**Кафтимда, нафасим тафтида тирик.**
**Ҳар тонгда қуёшга зор, интизорман,**
**Мен пахтакорман.**

Олдинги икки мисра юқоридаги фикр билан чамбар боғланиб ва уни тўлдириб келяпти.

Чигитни пахтакорнинг «кафтида, нафаси тафтида» тириклиги қимматли поэтик образдир.

Иккинчи, учинчи бандда пахтакор ва пахтанинг тарихий ўтмиши давом эттирилади, мураккаб ижод психологиясини очиб бориб, пахтакор сулолаcи илиқ кўз ёш томчисидан бошланганлиги, қадимий тупроқдан бўлган зуваласига қатлам-қатлам ғўза чириндиси сингганлиги, бироқ у инсонларнинг ризқ-рўзида, чархи доволнинг ғилдирашида борлиги, минг йилларнинг қўшиғини оддий ариқларнинг қўшиғида қуруқ эътироф этмайди. Мана:

**Тўғонга босилган Тўхтасин — бобом...**
**Йўлим кўп азоблик, армонлик эди.**
**Қашшоқ бўлсам ҳамки, ниятим фақат**
**Маъмурлик, эзгулик, омонлик эди.**
**Тақдиримдан доим миннатдорман,**
**Мен пахтакорман.**

«Тўхтасин бобо»нинг тўғонга босилганлиги, феодал ҳаётдаги кескин зиддиятлар, сув танқислиги, сув учун бўлган курашларда не-не одамларнинг қурбон бўлганлиги ўқувчи кўз олдида гавдаланади. Бир мисра қанча маъно кашф этади!

**Ойдинда туғилиб, шабнамда чайилган,**
**Жўякда чинқириб ўсган боламан,**
**Дарс ўрнига, лой кечиб, қор кечиб**
**Пахта терганимни эсга оламан.**

Ҳа, ҳаётда худди шундай. Баъзан дарс ўрнига лой кечиб, қор кечиб пахта терамиз. Порох тутуни осмонимизни булғатмаса бўлгани!

Бироқ, пахтакорнинг келажакка ишончи катта.

**Неажаб, химия, кибернетика**
**Бағрига олса-ю, қутлуғ касбимни**
**Бошқариш пультида ўтирсам мен ҳам**
**Галстукни боғлаб, кийиб костюмни...**
**Ажаб хаёлпараст бир бахтиёрман,**
**Мен пахтакорман.**

Бу шеър шоир Асқад Мухторнинг лиризм билан романтик руҳ чатишиб кетган, фалсафий мулоҳазаларга бой поэтик бисотидан намунадир.

**Тошпўлат ҲАМИД.**

гулистон сайёҳи

# Можорлар юртида

## Балатон

*Эрта тонгда Веспремдан йўлга чиқдик. Икки томон яшил дарахтлар билан қопланган. Атроф сокин. Кўп ўтмай улкан денгиз соҳилига чиқдик.*

*— Бу машҳур Балатон кўли,— деди ҳамроҳим.— Уни халқимиз ардоқлаб «Венгрия денгизи» дейди.*

*Дарҳақиқат, тинч мовий кўлнинг чеки кўринмайди. Узоқ-узоқларда елканлар кўзга ташланади. Соҳилнинг чап томонидан борарканмиз, паст-баланд тоғлар бағрини қайин, арча сингари ям-яшил дарахтлар, буталар яшнатиб турибди. Шу қуюқ дарахтзорлар орасидан миллий-замонавий услубда тикланган икки-уч қаватли кўркам бинолар мўралаб, ажиб манзара касб этади. Енгил шаббода чаман-чаман очилган гулу гулнорларнинг муаттар ҳиди билан димоғимизни чоғ этади. Кўйингки мўъжизакор табиатнинг бутун латофати гўё шу Балатонда мужассамланган.*

*Оҳиста тўлқинланиб турган мовий денгизга қуёш нурини таратганда бу ерларда сайр этиш, тўйиб-тўйиб соф ҳавода нафас олишнинг гаштига не етсин! Денгизда виқор билан сайр этувчи оққушлар қанотлари билан сув тўлқинини бир зум чайқаб ҳазиллашадилар-да, сўнг қанот қоқиб парвоз этадилар. «Оққушлар, оққушлар! Сизлар олтин кўлни хашаротлардан тозалайсиз, ўз ёқимли қилиқларингиз билан одамларни хушнуд этасиз. Бу каттакон кўлнинг беозор қўриқчисидай елиб юрасиз. Офарин сизга, офарин!»*

*Кемада Балатонкенеше соҳилига боргунимизча шу оққушлар «рақси»ни ҳузур қилиб кузатиб бордик.*

*Балатонкенеше манзараси ниҳоятда гўзал, жозибали. Унинг уч томони чексиздек туюлувчи узумзорлар билан қопланган. Тўртинчи томони кўлга туташади. Неча асрлар муқаддам тикланган бинолар, католиклар бутхонасининг азим қомати шаҳарчага алоҳида кўрк бахш этиб турибди. Бу ер ниҳоятда гавжум. Кўл соҳилини томоша қилиб юриб, сувга қармоқ ташлаганича миқ этмай ўтирган балиқчи ёнига келдик. У билан саломлашдик.*

*— Бир ёғи ишқивозлик, бир ёғи ота касбимиз. Бўш қолсам қармоқни оламану шу ерга келаман. Насибага яраша илиниб туради, ишқилиб. Анави пақирга қаранг-а, ғўштдор балиқдан учтаси ётибди. Ҳар бири икки кило келар чамаси,— деди кекса балиқчи мийиғида кулиб.*

Бултур май ойида тоғлардаги қорлар тез эриб, Олой тизма тоғлари бошидаги Яшилкўл нураб кетдию, 7—8 метр қалинликдаги сув тўлқини йўлда учраган дов-дарахтларни, уй-анжомларни, тош-тупроқларни юлқиб-ялаб водий томон шиддат билан ёпирилиб келди. Қанча-қанча хўжаликлар шикаст тортди, тошқин темир йўл изларини кўпориб ташлади, экскаваторларни чирпирак қилиб оқизди. Бироқ, офат қанчалик даҳшатли ва аёвсиз бўлмасин, одамлар табиатдан устун келдилар.

Бу орада Сирдарё тошди. Андижон областининг Балиқчи, Наманган, Задарё каби бир қанча районларидаги минг-минг гектар экинларни сув босди.

Бу шикастлар одамларнинг ғайрати, дўстларнинг ҳиммати билан тез фурсатда тузатиб олинди. Буни республикамиз давлатга топширган тўрт миллион тоннали улкан хирмони билан исботлади.

Водийда дарёлар кўп. Бироқ улар қанча кўп бўлмасин деҳқоннинг экинлари, боғбоннинг боғ-роғларини суғоришга сув етказиб беролмайди. Шунда халқ ўз кучи, иродаси билан сунъий дарёлар қазиб олди. Катта Фарғона канали, Жанубий Фарғона канали, Шимолий Фарғона канали.

Мана энди булар ҳам камлик қилиб қолди. Партия ва ҳукуматимиз таклифи билан энг серсув Марказий Фарғона канали қурилляпти. Катта Фарғона канали халқнинг кўл кучи билан 45 кунда очилган эди, Марказий Фарғона канали эса фақат техника, механизмлар билан қазиляпти. Гарчи бундаги иш кўлами аввалгиларидан неча баравар кўп бўлсада, унинг шов-шуви қулоққа чалинаётганича йўқ. Лекин бир-икки йил орасида бу улкан иншоотнинг қуриб битказилгани тўғрисидаги хушхабарнинг гувоҳи бўламиз, албатта.

* * *

Поп орқада қолди.

Яна йўлдаман. Фарғонанинг ўтмиш хотиралари билан бандман. Сирдарё соҳили бўйлаб боряпман.

Балки мен бораётган шу жойлардан бир маҳаллар Катта ипак йўли ўтгандир? Балки босқинчи мўғуллар қарши ҳаёт-мамот жанги бўлгандир? Хаёлларим тарих йўлларидек қадим ўтмишга чўзилади.

Фарғона қадимда ҳам ётлар назарига тушган. Милоддан олдинги IV—II асрларда водийда йирик давлатлар мавжудлигига хитойлик сайёҳлар гувоҳлик берадилар. Бу ўлкада етмиштача катта-кичик шаҳар бўлган. Унинг пойтахти — Эрши шаҳри эди. Даван подшолиги (хитойлар Фарғонани шундай атаганлар) пойтахтининг вайроналари Андижон областидаги Марҳамат қишлоғи ёнидадир. Уни маҳаллий халқ Мингтепа дейди. Милоддан олдинги иккинчи асрда Фарғона водийсига икки бор келган хитой сайёҳи Чжан Цяннинг ёзишича, Даван подшолиги халқи деҳқончилик билан машғул бўлиб, асосан буғдой, шоли, беда ўстирган, токзорлари бўлган. Даван мамлакати айниқса оқ тусдаги дулдул отлари билан шуҳрат қозонган.

Водийнинг «Буюк ипак йўли»да жойлашган кўҳна шаҳарлари — Марғинон (Марғилон), Кент (Конибодом), Сўх, Риштон, Қубо (Кува), Уш эди. Эски манбаларда Андукан (Андижон), Косон, Ахсикент, Узган тилга олинади.

Ҳа, Фарғонамиз қадимда ҳам машҳур эди, айниқса ҳозир унинг довруғи оламга таралган. Унинг Андижон, Фарғона, Уш областлари байроғида Ленин орденлари порлаб турибди. Бу мўътабар нишон азамат халқнинг ҳалол, сидқидил меҳнатига берилган юқори баҳодир.

* * *

Кенг, текис асфальт йўлнинг чап томонидаги баланд тепаликлардан Чуст шаҳрининг оппоқ бинолари, азим чинорлари кўринди. Дам ўтмай, машина чапга бурилиб, тепаликка тирмашди.

Чустда ҳам борадиган жойлар, учрашадиган кишилар кўп. Бироқ, ҳаммасига етиб улгуролмайман. Кўпдан бери Чуст дўппидўзлари ҳузурида бўлишни кўнглимга тугиб юрган эдим. Яхшиси, фабрикага бора қолай.

Ҳа, энди бадиий каштa тикиш фабрикаси дейилади. Яқингача ҳам артель эди. Дўппи тикиш Чуст аёлларининг она касби, момо насби. Бу ерда қўлига игна тутиб, дўппига гул чатмаган хотин-қизни тополмайсиз. Бошқа жойларда оналар ёш қизларига илк бор идиш-товоқ ювишни, уй супуришни ўргатсалар, Чустда игна ушлашни, дўппи тикишни машқ қилдирадилар. Бу, табиийдир, албатта. Чунки Чуст дўпписининг таърифини бутун элга таратиш учун моҳир дўппидўз бўлиш керак. Чустлик оналар, янгалар, сингиллар, тиккан дўппилар-

Бирдан сув юзидаги пўкак қалқиди. Балиқчи чаққонлик билан қармоқни тортди. Яна бир ўлжа илиниби. Жонвор жон талвасасида типирчилар, ўзини у ёқ-бу ёққа отарди, бироқ эпчил балиқчи чангалидан қутулолмаслигини билди шекилли, жимиб қолди.

— Мана,— деди балиқчи бизга қараб,— бу сазан... Балиқ овлаш гашти бошқача. Қармоқни қўлга ташлаб, пўкакка тикилиб бир дам ўтиринг-а, асабингиз юмшайди, ўзингизни қувноқ, бардам ҳис этасиз.

Тағин кўл қирғоғи бўйлаб сайр қиламиз. Олис-олислардан оқиста жимирлашиб келган тўлқин қирғоққа урилади, кўпикланиб яна тинади.

Узоқларга нигоҳ ташлайман. Ҳўв анави тепалик бағрида электр чироқлари липиллайди. Бу сон-саноқсиз чироқлар шуъласи кўл тубида акс этади. Денгиз тун либосига бурканиб. ором олади гўё.

Балатон! Балатон! Бунчалар гўзал! Довруғи оламга таралган бу шифобахш жой тасвирга сиғмайди.

Дунай орти ўлкаси марказига жойлашган Балатон кўли бир ёқдан Дунай дарёси, иккинчи ёқдан Дравай, учинчи ёқдан Альпани шаҳарларигача чўзилган. Балатонга Будапештдан қарийб юз километр юриб етилади. Кўлнинг сатҳи 59 минг 500 гектар. Уни айланиб чиқиш учун 596 километр йўл босиш керак. Кўлнинг чуқурлиги тўрт километр, саёз жойи беш юз метр. Зала дарёси, булоқлар, каналлар, ер ости сувлари кўлни ҳамиша лиммо-лим тўлдириб туради.

Балатоннинг иқлими ёқимли, шифобахш. Май ойининг ўрталаридан бошлаб, то октябрь ўрталаригача қадар қуёш бу ерда ўз сахий нурини таратиб туради, ҳарорат 25 даража атрофида бўлади. Кўл сувининг ҳарорати ҳам тахминан шунча. Октябрнинг охирларида бир қадар совуқ тушиб қолган кезларда ҳам кўлда бемалол чўмилиш мумкин. Чунки сувнинг тафти ҳавонинг тафтига қараганда 5—6 даража фарқ қилади. Сув таркибидаги турли маъдан моддалар анчагина касалликларга даво экан.

Балатон кўли ҳақида дилбар қўшиқлар тўқилгани бежиз эмас экан.

## Тагор ўтқазган арғувон

Эртаси Балатоннинг ўнг соҳилидан юрдик. Венгриянинг машҳур шифохоналари шу тарафга жойлашган. Сал олдинроқ ҳамроҳим Аламир Балатонфюредни роса таърифлаган эди. Айтганича бор экан. Шохлари чирмашиб кетган қулоч етмас азм дарахтлар (булардан баъзилари 2000 яшар экан) кенг ва равон йўлга офтоб нурини туширмайди. Соҳилдаги роҳатижон хиёбонларда кексаю ёш сайр этади. Атрофда ранго-ранг гуллар товланади, муаттар бўйини димоғингизга уфуради. Чапдаги тоғ ён бағирларида кўркам бинолар қад кўтарган. Булар ҳаммаси шу ернинг табиатига монанд.

Балатонфюред шифобахшлиги билан дунёга машҳур. Ер тубидан отилиб чиқаётган илиқ табиий сув икки юз йилдан бери юрак касалликларини даволаб келади.

Улуғ ҳинд адиби Рабиндранат Тагор 1926 йилнинг кузида даволаниш учун бу ерга келган. Даволаниб, соғайиб, юртига қайтаётганида шифохона қаршисидаги хиёбонга бир туп арғувон кўчатини ёдгорлик қилиб ўтқазган. Шу кўчат қаршисида туриб, шеър ёзган экан:

О, ниҳол!
Бу дунёни этганимда тарк,
Ҳар баҳорда сен ёзурсан барг.
Кўк япроғинг йўловчиларга:
«У ҳаётни севиб ўтди» деб,
Қисматимдан беради хабар.

Мана, Тагор ўтқазган ниҳол бўй чўзиб, вояга етибди. Унинг бақувват шохларида гуллар ҳиди анқиб турибди. Ғуж-ғуж асаларилар бу дарахт гулларидан шарбат йиғарди. Бу азим дарахтнинг қуюқ япроқлари. Тагор ҳайкалига соя ташлаб турибди. Ҳайкал остига улуғ адиб тўқиган бояги ҳароратли мисралар олтин ҳарфлар билан битиб қўйилган. Бу ердан ўтган ҳам, кетган ҳам ҳинд нафосати юлдузининг пок хотирасини эъзозлаб, унинг иккала ёдгорлиги олдида бир дақиқа бош эгади, шоир қалбидан отилиб чиққан ўша мисраларни такрор-такрор ўқийди.

Тагор ўтқазган дарахт ёнига буюк мутафаккир вафотидан кейин ҳайкал ўрнатилган. Балатонликлар эрк ва бахт куйчиси хотираси ҳурмати бу сўлим соҳилни Рабиндранат Тагор номи билан аташган.

Мен шу дарахт, шу ҳайкал олдида туриб, дарҳақиқат, ўлмасларга ўлим йўқ экан, деб кўнглимдан ўтказдим-да, қўлимдаги гулдастани оҳиста шоир ҳайкали пойига қўйдим.

Одил АБДУРАҲМОНОВ
журналист

---

# ОЛТИН ВОДИЙ



Олтин водийнинг чеварларига ҳавасингиз келади. Т. Сатторова ана шундай донгдор опаларимиздан бири. СССР Олий Совети депутати Андижон область, Балиқчи районидаги «Пахтакор» колхозида коммунистик меҳнат бригадаси бошлиғи.

С. Безносов фотоси.

га Урта Осиёда, Закавказьеда, Москва, Ленинградда, ҳатто қардош мамлакатларда ҳам талаб зўр. Рисолатхон Мирзараҳимова, Файзинисо Шарипова сингари дўппидўзлар иши халқаро кўргазмаларга қўйилиб мукофотларга сазовор бўлган.

* * *

Тарихчилар қўлидаги маълумотларга қараганда, Наманган 1643 йилдан бери шаҳар аталади. Унгача Ахсикентда ҳунармандчилик ривож топган бўлиб, тахминан 1620 йилларда қаттиқ зилзила (8—9 зарб атрофида) оқибатида ҳунар аҳли бошқа макон қурган.

Наманганда инқилобий зилзилалар ҳам бўлган. 1916 йил 11 июль куни Курашхона майдонида мардикор олинишига қарши чиққан бегуноҳ одамлардан анчасининг ёстиғи қуритилган. Золимларга қарши чиққан намойишчиларнинг ўққа тутилиши халқ қаҳр-ғазабини оширган. Чоризм жаллодлари халқни қўрқитиш учун тўп оғзини халойиққа қаратадилар. Шунда довюрак оналардан бири:

— Қонхўрлар, боламни урушга жўнатгунча мени от!— деб тўпга миниб олади.

Водийнинг кўпчилик шаҳарларидаги сингари Наманганда камбағаллар, рус инқилобчилари таъсирида бўлган илғор зиёлилар Улуғ Октябрь инқилобини кенг қучоқ очиб кутиб олишган.

Наманган ўлкани ўрганиш музейида бу ҳақда жуда кўп ҳужжатлар, ёдгорликлар, тарихий эсдаликлар бор.

Комбриг Синицин кўчасидан бораверишда босмахонага кўзингиз тушади. Ҳозир бунда бир неча газета, турли дарсликлар, рисолалар чоп қилинади.

Мана шу босмахона асосчиси Исоқжон Тўра Жунайдуллахўжа ўғли (1862—1937) арабча, форсча, бошқа бир қанча тилларни мукаммал билувчи олим киши бўлган «Исҳоқия» деб номланган бу литография 1909 йилда Тўрақўрғонда очилиб, орадан уч йил ўтгач, Наманганга кўчирилади. Босмахона эгаси Ҳиндистон, Афғонистон, Ҳинди-хитойга саёҳат қилган. Ибрат тахаллуси билан машҳур бу шоир ўзи билган тилларни ўрганишга ёрдам берадиган қиёсий луғат тузган. Шунингдек, «Жамиул хутут», «Мезону замон», «Тарихи Фарғона» деган илмий асарлар ёзган.

Узбекистонда фотография тарихи билан қи-



Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач А. Иброҳимов.

зиқувчи ўртоқлар Ибратнинг 1902 йиллардаёқ фотосурат ола бошлаганини, дурустгина суратқаш бўлганини билиб қўйганлари яхши.

Бобохон Улуғхон ўғли Нодим (1843—1908), шунингдек Файзихон тўра (Мажнун), Партов сингари шоирлар Наманганда ўтганлар. Сўфизода, Рафиқ Мўмин каби қалам соҳибларининг ижоди, адабий мероси ўрганилаётганини табриклаш керак.

Наманган педагогика институти Улуғ Ватан урушининг энг оғир пайтида очилган эди. Бугун йирик билим ўчоқларидан бири. Наманганда бундан ташқари қишлоқ хўжалик техникуми, тўқимачилик техникуми, медицина билим юрти, музика билим юрти бор.

Утмишда 140 дан ортиқ кўкнорхона, қаландархона, масжиддан бошқа «бойлиги» бўлмаган бир шаҳарнинг бугунги қиёфаси таҳсинга лойиқ.

КПСС XXIII съезди тарихий Директиваларида Наманган ҳам тилга олинган. Бу ерда сунъий толадан шоҳи ва костюмбоп газламалар ишлаб чиқарадиган катта комбинат қурилаяпти. У шу беш йилликда қуриб битказилади. Бу азамат ишхона тобора қаддини ростламоқда. Яқинда дастлабки урчуқлар ишлатиб, синаб кўрилди. Иттифоқда энг замонавий корхоналардан бири бўладиган бу комбинат Наманган довруғини янада оширади. Наманган газламаси Улуғ Октябрнинг 50 йиллиги нишонланаётган кунларда харидорларга етиб боради.

Қисқа вақтда Наманганда янги консерва, химия машиналари, трансформатор, электр техника заводлари, уйсозлик комбинати, Маданият саройи, янги автоматлаштирилган телефон станцияси, парҳез таомлар комбинати, жуда кўп маданий-маиший бинолар қурилади. Зилзиладан офат кўрган Тошкент аҳолисига пойтахтда уй қуриб беришдан ташқари Наманганнинг ўзида энг хушҳаво жойда тикланган кўп қаватли шинам бино тошкентликларга туҳфа қилинди. Буни бинокорлар сардори Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Абдуллажон Воҳидовнинг моҳир шогирдлари қурдилар. Чиндан ҳам Наманган Узбекистондаги, Урта Осиёдаги энг гўзал, сердарахт, серсоя, сергул шаҳардир.

Наманганнинг таърифи бу билан адо бўлмайди. Наманган — маданият ва истироҳат боғининг директори, гуллар ошиғи Ҳошимжон Нурматов яқинда Ленин ордени билан мукофотланди. Унинг айтишига қараганда, шаҳарда жами 2 миллион тупдан ортиқ атиргул ўстириляпти. Шундан ўн минг тупи истироҳат боғида.

Турфа гуллардан «Хуш келибсиз!», «Боғимизга марҳамат!» деб ёзган уста шу ерда. Ленин суратини Узбекистонда биринчи бўлиб турли гуллардан ясаган киши шу ерда. У — Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган агроном Абдуқаҳҳор ота Жалиловдир. Бу табаррук одам Наманган шаҳар, Қўқон кўчасидаги 2-уйда яшайди. Гул мафтуни етмиш тўртга қадам қўйди.

Гулнинг хосияти зўр: одамларга гўзаллик туйғусини, қалбида завқ-шавқни оширади. Инсон — гўзаллик, гул ошиғи. Гул — сиҳат-саломатлик йўлдоши. Узбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач Саиджон Маҳмудов айрим беморларни гулзорларда сайр қилдириб, гулга термилтириб қўйиб, гул ҳидлатиб даволагани ҳақида рисола ёзмоқчи.

Наманганлик Зоҳидулла Тўқмуллинов «Гул ишқибозларига» деган рисоласининг дебочасига вафотидан сал илгарироқ бундай деб ёзганди:

— Мен болалик чоғимданоқ гулга меҳр қўйганман. Мана ёшим тўқсонга етди, гулга меҳрим йиллар оша боягидек қайноқ, жўшқинлигича қолмоқда.

Машҳур гулчи Абдуқаҳҳор Жалилов гул ишқибозларини, кўпайтириб, савобли иш қиляпти. Унинг Ҳайдар Каримов, Нуриддин Ҳамдамов, Солижон Носиров, Абдуқодир Розиқов, Абдусаттор Эгамбердиев сингари кўплаб шогирдлари ўз касбининг моҳир усталари бўлиб олишди.

Хизмат кўрсатган агрономнинг фарзандлари ҳам гулчиликка — ота касбига ихлос қўйишган. Масалан, Пўлатжон Тошкентдаги Ленин комсомоли истироҳат боғида гулчи, Қозоқжон — Наманган химия заводининг гулчиси.

Наманган боғида келаси йил катта тантана бўлади. Бу ерда ўсаётган умри боқий чинорларнинг юз йиллик тўйи ўтказилади. Бу асрий чинорларни 1868 йилда Зарифбоғбон Латифбой ўғли ўтқазган. Истироҳат боғи ходимлари буни кўзга кўринарли жойга ёзиб қўйиб, яхши иш қилишган.

Қанийди ҳамма ҳам ҳаётлик чоғида ўз номини шу она тупроқ сийнасига асло ўчмас ҳал — чинорлардан, боғлардан, кўпдан-кўп дарахтлардан ёзиб, ажиб бир ҳайкал ўтқазиб кетса!..

* * *

Навбат Андижонга!

Салом, Андижон! Орденли область пойтахти! Илгари Сойгузар деб номланган чоғгина чорраҳани энди «Строммаш» дейишади. Чунки бу ерда маҳсулоти неча ўнлаб чет эл давлатларига маълум бўлган машинасозлик заводи бор. Унинг дизель-насосларига ҳамма ерда талаб катта. Корхонанинг Қобилжон Мўминов сингари азаматлари пўлат, чўян қуйиш санъатини пухта эгаллаб олганлар. Шунинг учун ҳам водийдаги бошқа корхоналар ўзлари ишлатадиган пўлат, чўян қуйилмасини шу ердан олишади. Завод аҳли узоқ йиллардан бери шахар корхоналарининг байроқдори бўлиб келади.

Андижонга Хартум адирликларидан қарасангиз, бутун бир шаҳар чуқур қозон ичида қоврилаётгандай туюлади. Дарҳақиқат, унинг шарқи-жануби адир ерлар, ғарб ва шимол томони текис экинзорлар, боғ-роғлар. Денгиз сатҳидан 400 метр баландликдаги адирлар насослар билан суғорилади. Бу жойларда пахта, узум, мевали дарахтлар ўсади. Айниқса ёзнинг жазирама иссиғида адирлар сиртидаги тол сосясида, тош ҳовузлар бўйида ўтирсангиз, кўкрагингизга муздек шабада гир-гир келиб урилади. Шунда миришкор деҳқоннинг, боғбоннинг санъатига, дидига қойил бўласиз.

Андижоннинг қачон пайдо бўлганини тарихчилар аниқ айтиб беролганларича йўқ. Аммо нозик дидли Заҳириддин Муҳаммад Бобир салтанатининг дастлабки даврида Андижон Фарғона пойтахти бўлганлиги маълум.

Бу ўринда бир фикрни ўртага қўймоқчиман. Наманганда Машраб, Андижонда Бобир, Қўқонда Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Нодира, Маҳзуна каби классик шоир, адиблар яшаб ўтганлар. Афсуски, туғилган юртларида уларга ҳайкал ўрнатилмаган. Улкани ўрганиш музейларида бу улуғ зотларга тегишинча жойлар ажратилмаган.

Андижонда кўрганларимнинг ҳаммасини батафсил ёзишга имконим йўқ. Фақат у аҳолисининг кўплиги жиҳатидан Узбекистонда Тошкент ва Самарқанддан кейин учинчи ўринда туришини, областнинг энг шарқий чегараси — Кампирровотда улкан сув омбори жадал суръат билан қурилаётганини, Андижонда тўртта олий ўқув юрти неча минглаб ёшларга таълим бераётганини эслатиш билан кифояланаман.

# ОЛТИН

* * *

Саёҳатим давом этади.

Йўл-йўлакай Асакада тўхтаб, Фарғона тажриба зонал станциясига кираман. Бу ерда пахтанинг янги навлари яратилади. Ҳозир Урта Осиё ва Закавказьенинг аксар районларида ўстирилаётган «Ф—108», «Ф—149», «Ф—152» пахта навлари мана шу станцияда кашф этилган. Унинг кашфиётчи олимлари янги-янги пахта навларини яратиш устида сабот билан меҳнат қилишяпти.

Асаканинг янги номи — Ленинск. Бу навқирон шаҳарнинг бунёд этилганига бу йил роппа-рост ўттиз йил тўляпти. Бу гўзал шаҳар хоналари Узбекистонда биринчи бўлиб газлаштирилган. Бир нечта саноат корхонаси, адир ён бағридаги машҳур истироҳат боғи бор.

Бу диёр донғини таратган — унинг яхши одамлари. Зокиржон Собиров «Правда Востока» колхозининг раиси, Узбекистон ССР Олий Советининг депутати, олий маълумотли агроном. У билан ҳар галгидек пахта хусусида суҳбатлашдик.

Кейинги пайтларда Ленин, Андижон, Наманган район хўжаликларида ғўзалар оқ палак касаллигига кўпроқ чалиняпти. Бунинг сабаби — бу районлардаги ерларда узоқ йиллардан бери (50—80 йил) пахта ўстирилиб, тупроқ қатламлари ниҳоятда чарчаганлигидир. Оқ палак (вилт) тушган ерларда бир-икки йил бошқа экин ўстирилса тупроқ хийла дам олиб қолаётгани тажрибадан маълум.

* * *

Марғилон.

Марғилон атласи. Марғилон луччаги. Марғилон турпи.

Марғилон атласининг таърифига қалам ожиз. Унинг рагно-ранг безаги аёлларимиз ҳуснига-ҳусн қўшади. Марғилон атласини «Атлас» фирмасининг қўли гул косиблари тўқишади. Улар бултурнинг ўзидагина салкам 6 миллион метр турли атлас тўқиб беришди. Бу йил бундан ҳам кўпаяди.

Фирма директори хонасида ўтирганимда бир воқеанинг гувоҳи бўлдим. Шунда «наҳотки, бўзчи белбоққа ёлчимас деган нақл тўғри бўлса?» деб қолдим. Чунки, фирма хотин-қизлари узундан-узоқ рўйхат тузишиб, директорга илтимос билан киришган эди. Қаранг-а, ўзлари тўқиган атласдан бир кийимликдан сотиб олиб киймоқчи бўлишибди-ю, аммо бунинг иложини қилишолмабди.

Бу гапни шунчаки кулги учун айтаётганим йўқ. Ростдан ҳам шундай бўлди. Марғилонда Марғилон атласини сотадиган биронта магазин йўқлиги тўғрисида газеталар ҳам ёзишди. Бу ҳақда республика Маҳаллий саноат министрлиги бирон фикр айтса яхши бўларди.

* * *

Фарғона, Марғилон — Йўлдош Охунбобоев, Усмон Юсупов, Ҳамроқул Турсунқулов ватани. Бу ерда уларнинг номи билан боғланган қанчадан-қанча мўътабар манзиллар бор. 1929 йилда Йўлдош ота Марғилоннинг шундоқ ёнгинасида тузган кичик колхоз бугун кўп тармоқли Ленин номли хўжаликка айланган. Унга Йўлдош отанинг ўғли Каримберди Охунбобоев раислик қиляпти.

Усмон Юсупов номидаги Катта Фарғона каналига яна бир табаррук одам — Бузрукхўжа Усмонхўжаев дарғалик қиляпти. Узбекистонда Эшон ака номи билан машҳур бу одам узоқ йиллардан бери узлуксиз республика Олий Советига депутат бўлиб сайланади. Эшон аканинг катта ўғли — Эркинжон — Социалистик

# ВОДИЙ

Меҳнат Қаҳрамони, «Большевик» колхозининг раиси. Яна бир фарзанди Инъомжон — Сирдарё область партия комитетининг секретари.

Фарғона йўлидан боряпман.

...1942 йилнинг жазирама ёз фаслида бу йўлдан тизза бўйи тупроқ кечиб, талабалик давримда орттирган бойлигим — оғир китоблар жойланган чамадонни орқалаб, Марғилонга пиёда борганим боягидек эсимда. Мана ҳозир кафтдек текис шу йўлдан енгил машиналар ғизиллаб, гўё қанот пайдо қилгандай учиб бормоқда. Фарғона янги қурилишлари, янги муаззам корхоналари билан Марғилонга туташиб кетди. Марғилон билан Фарғона орасида яна бир шаҳарча қад кўтарди. Бу — Фарғона нефтни қайта ишлаш корхонаси ишчилари шаҳарчасидир.

Фарғонадан Қўқонга ўтдим. Қўқон аҳли шуаросининг бугунги вакили шоир Чархийга ҳамсуҳбат бўлдим.

Хатни гул даражасига чиройли ёзадиган, бағоят камтар, заҳматкаш домла Чархий Муқимий, Фурқат мактабининг содиқ, муносиб шогирдларидан. Устодлар хотирасини муқаддас сақлашни шу кишидан ўрганса арзийди. СССР Ёзувчилар союзининг аъзоси, бир неча шеърий тўпламларнинг муаллифи шоир Чархий Муқимий ҳужрасини келажак авлодлар учун кўз корачиғидай сақлаб келмоқда.

Ғафур Ғулом номли адабиёт музейида бўлдим. Бу ерда Солижон Йўлдошев, Нодиржон Мадаминов, Фотима Ҳусайновага ўхшаш адабиёт мухлислари билан танишдим. Улар ҳам шу музей ходимлари.

Камтар, ўз ишига ихлосманд бу кишилар ўтмиш адабий меросимизга доир китоблар, қўлёзмалар, эсдаликларни олтин зарраларини йиққандек қунт билан тўпламоқдалар.

Чархий домла жон бахш ғазаллар муаллифи Фурқатнинг ҳозир ҳаёт жиянлари билан таништирди. Зокиржон Холмуҳаммад ўғлининг синглиси Туҳфанисонинг ўғли Умаржон Азимов ҳозир 60 ёшда, шу адабиёт музейида ишлайди.

Фурқатнинг катта опаси Зебинисо Холматованинг ўғли Толибжон Исомов 65 ёшда, пенсионер. Зебинисодан кичиги Шарофатойнинг ўғли Назиржон Алиев —75 ёшда, пенсионер, Чархий домланинг айтишига қараганда, Назиржон ака Қўқоннинг пешқадам зиёлиларидан, ўттизинчи йилларда фаол мухбир бўлган. Баҳринисо Холматовадан уч набира бор экан. Фурқатнинг Мирзараҳим деган укаси ҳам бўлган. Унинг қизи Оминахон Йўлдошева 55 ёшда.

Қўқон боғларини, суперфосфат заводи, пайпоқ-тўқув комбинати, «Большевик» заводи сингари машҳур корхоналарини бориб кўрдим.

Ҳамма ерда Совет кишилари улуғ айём — Инқилобнинг 50 йиллиги нафасини ҳис этган ҳолда меҳнат қиляпти.

Қўқон — тарихий жой. Шу билан бирга у ўз ноз-неъматлари билан ҳам машҳур бўлган. Қўқон жўхорисининг таърифи зўр. Баҳор кезларида жийдазорлар яқинидан ўтсангиз, муаттар ҳид димоғингизни ёрарди. Мана энди булар таърифдагина қолди, холос.

Жўхори гўжа ахтариб бир неча ошхонага кирдим. Аммо ҳеч қаерда топмадим. Суриштирсам, Қўқон атрофидаги илгари жўхоризорлар йўқ энди дейишади. Хўш, нега? Нега энди ариқ бўйларида, йўл ёқаларида беозор ўсиб ётган жийда дарахтлар беаёв кесиб ташланди? Бунга кимлар жавоб айтади, билмадим.

Гўзал Фарғона водийси бўйлаб қилаётган сафарим қариди. Кўрганларим, эшитганларим тасаввуримга сиғмайди. Афсуски, буларнинг ҳаммасини ушбу сатрларга жойлай олмадим.



Риштон лаганлари дейишнинг ўзиёқ кўз ўнгингизга турфа гулларни келтиради. Халқ санъати жонсиз сополни ҳам «гапиртиради».

В. Димитриев фотоси.

*Акмал ПУЛАТ*

## СОЧМАСА ГУЛ АТРИНИ...

*Қўкда сузса тўлиной, юзда доғи бор деманг,*
*Ер агар дил очмаса дилбару дилдор деманг.*
*Сочмаса гул атрини ҳеч қачон баҳор деманг,*
*Бевафо кўз сузса ҳам, кўзлари хумор деманг*
*Жонга жонин тикса асло ани ёр деманг.*
*Асл ошиқ тортмасин севгилин ҳижронини,*
*Ҳеч рақиб бузолмасин аҳд ила паймонини.*
*Айрилиқ оташда куйдирмасин жонини,*
*Ғам-аламга солмасин ўз ширин жонини*
*Ер агар дил очмаса дилбару дилдор деманг.*
*Сохта ошиқ кирмасин ҳеч муҳаббат боғига,*
*Аҳдсизлар зор бўлсин она ер гулзорига,*
*Жони куйсин, етмасин юз кўришнинг чоғига.*
*Таъна тегсин тўхтамай тош юрак ҳар ёғига.*
*Сочмаса гул атрини ҳеч қачон баҳор деманг.*
*Қўкда сузса тўлиной, юзда доғи бор деманг,*
*Ер агар дил очмаса дилбару дилдор деманг.*
*Сочмаса гул атрини ҳеч қачон баҳор деманг,*
*Бевафо кўз сузса ҳам кўзлари хумор деманг,*
*Дўстларим Акмал сўзин асти сиз озор деманг.*

## Қиз қўшиги

*Қайдан тўқнаштирди унга йўлимни,*
*Баҳорга ўхшатди қўлда гулимни.*
*Қадди-басти кетмас хаёлимдан ҳеч,*
*Йигит дегани ҳам шунча сўлимми.*
*Муҳаббат оташи шундаймикин ё,*
*Ёш қалбим каптардек ўйнайди гўё.*
*Ўз-ўзимга яна ўзинг бос деймак,*
*Ҳовлиқма, ишқ қийин, сирли бир дунё.*
*Севгимикин юраккинам ром этган,*
*Бағримни ўтида ёндириб кетган?*
*Вой ўлмасам, тушимми ёки ўнгим,*
*Ишқ китобин, айтинг, ўзи ким битган?*

# Сеҳрли бармоқ





*— Келинглар, келинглар,— деди Қосим ака ётган ерида стулларни кўрсатиб.*

*Биз ўтирдик.*

*Қосим ака ўрнидан ярим туриб, ёстиғини орқасига қўйиб олди.*

*Суҳбатлашдик.*

*— Биламан, менинг ишларим ҳали санъат даражасида эмас,— деди кулимсираб.— Лекин ишлайман...*

*Шол бўлиб, ўн йиллар давомида каравотдан туролмай ётган киши нима ҳал қилолади? Яна бу одам ишларини санъат даражасига кўтаришни орзу қиляпти. Балки бу шунчаки гапдир? Унинг ишлари чинакам санъатнинг ўзи бўлса-чи?*

*Бундан йигирма саккиз йил олдин Қосимжон тўртинчи синфда ўқир эди. Тенгқурларидан фарқ қилмас эди. Ўшалардек бардам-бақувват, қувноқ бола эди. Кунларнинг бирида Қосимжон йиқилиб тушди, оёғи синди. Етиб қолди. Дори-дармон қилдилар—кор қилмади. Боланинг аъзойи-бадани шишиб кетди. Уни шифохонага ётқиздилар. Қосимжоннинг дарди мушкул бир касалликка айланган, уни қандай даволашга докторлар ҳам гаранг эди. Қосимжоннинг синган оёғи битдию аммо қайтиб ўрнидан турмади. Докторлар ҳарчанд уриниб, боланинг бир қўлинигина ишлатадиган қилолдилар.*

*Бир куни онаси Рисолат опа бир қути пластилин узатиб:*

*— Ма, укаларингга қўғирчоқ ясаб бер,— деди.*

*Эртасига уни кўргани келганлар ҳайрон қолишди. Тумбочка устида чиройли, ростмана қўғирчоқлар турарди. Қосимжон укаларини бирам қувонтирдики!*

*Биринчи муваффақиятдан руҳланган Қосимжон пластилиндан турли-туман ўйинчоқлар ясайдиган бўлди. Аста-секин боланинг қўли ўрганиб борди. Мактабдошлари ҳам, ота-онаси ҳам уни бу ғалати ишга — ҳайкалтарошликка даъват этдилар.*

*Орадан бир йил ўтмай, Қосимжон дуб-дуруст ҳайкалтарош бўлиб қолди.*

*— Буни қаранглар-а,— деб ҳикоя қилади Қосим ака.— Дунёга келиб, ҳали бирон мустақил иш қилмаган эдим. Бу кичкина иш менга лаззат бера бошлади. Бора-бора ҳаётимни бусиз тасаввур қилолмайдиган бўлдим... Оқибат, мен ҳам жамият учун, одамлар учун керакли эканимни билдим. Ҳаётда ўз ўрнимни топдим.*

*Боланинг истеъдоди яқин атрофга ёйилди. Бу овоза рассомлар союзига етиб борди. Таниқли ҳайкалтарош Филип Иванович Грушченко Қосимни ўзига шогирд қилиб олди.*

---

# БЕРЛИНДА „ЎЗ

Берлиндаги Карл Маркс хиёбонини кезиб юрувдик. Қорачадан келган, истараси иссиқ, бўйчан аёл истиқболимиз сари одимлади.

— Қадамларингизга ҳасанот, хуш келибсизлар!

Европанинг қоқ ўртасида ўз она тилимизда ширинсуханлик билан қилинган илтифот чеҳраларимизга табассум ҳадя этди. Қўл беришиб сўраша кетдик.

— Тошкент, тошкентликлар омонми? Ўзбекистондан нима янгиликлар келтирдингиз? Профессор Ғуломов бардаммилар? Пушкин институтидан кимларни танийсиз? Томдан тараша тушгандек саволлар бераяпман, айбга буюрмайсизлар. Чуст дўппили йигитлар, атлас кийган қизларни кўрсам, ҳаяжонданми, билмадим, саволларим пойма-пой чиқаверади. Аввало, танишиб олайлик, фрау Дорес Шульц — ўзбекчасига Дилором. Ҳа. Ҳа. Дилором опа дея қолинглар. Гумбальдт университетида ўзбек тилидан дарс бераман.

— Ўзбек тилидан дарс бераман дедингизми?— қизиқдик.

— Ҳа ажабланманг. Университетимиз филологлари қўшимча мутахассислик сифатида бирон Шарқ тилини ўрганишлари керак. Шогирдларим ёзувчи Абдулла Қодирий, Ойбек асарларини асли нусхасидан ўқийдиган бўлишган.

Бизни ўзига ром қилиб олган суҳбатдошимиз иштиёқ билан сўзлар, биз эса берилиб тинглардик.

— Ўзбекистон, ўзбек тили ҳақида гапираётибман-у, ўзбекчилик ёдимдан кўтарилаёзибди. Юртингизнинг шаҳру қишлоқларида бўлиб, кўпгина хонадонларнинг меҳмони бўлганман. Меҳмондўст халқингизнинг таърифи доимо тилимда. Қаҳва ичаериб, чойни ҳам қумсаб қолгандирсизлар. Кулбамизга ташриф буюрсангизлар.

Рад этмадик. Берлиннинг Лихтенберг районига Дорес Шульц хоним ҳузурига бизни электричка бир зумда етказди.

Эшикни Дилором опанинг эркатойи Томми (Тамара) очди ва биз билан бийрон тилда ўзбекчалаб сўрашди. Хонага қир-

*Лекин устознинг ижодхонасига шогирд эмас, шогирд ижодхонасига устоз келадиган бўлди.*

*Мустақил ишлай бошлаган Қосим инвалидлар уйига боришдан, давлат нафақаси билан яшашдан бош тортди. Ҳузурига рассом, ҳайкалтарош ва санъат шинавандалари келиб туришди. Улар Қосимга маслаҳат бериб, ишларига кўмаклашди...*

*— Ўғлимнинг ғалати одати бор,—дейди Рисолат опа.— Китоб ўқиётганидами, чой ичаётганидами, дўст-биродарлари билан суҳбатлашаётганидами бирдан бир нарсага бақрайиб қолади-да, ҳайкалчасини олади, унинг бирон жойини тузатади...*

*Сирасини айтганда, онанинг бу гапи ўғлига берилган содда, қимматли таърифдир. Бу унинг санъатга берилганини кўрсатади.*

*Ниҳоят, машаққатли уринишлар, устозларнинг кўмаги, уйқусиз тунлар ўз самарасини бера бошлади.*

*1963 йилда Қосимжон область ҳаваскор рассомлар кўригига ўзининг «Каптар ва бола», «Сут соғувчи», «Фидель» асарларини юборди. Кўргазма жюриси Қосим Мирзараҳимовни область маданият бошқармасининг фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.*

*Бу ютуқ Қосимжонга қанот бағишлади. Унинг кичкина, биз суҳбатлашиб ўтирган ижодхонасида бирин-кетин янги ҳайкалчалар пайдо бўла бошлади: «Механизатор», «Муаллим», «Автопортрет»...*

*1965 йилда Ўзбекистон рассомлар союзи Мирзараҳимов асарларининг кўригини ташкил қилди. Бу кўрик томошабинларда ижобий таассурот қолдирди. Кўргазманинг хотиралар дафтарчасида кўпгина ёзувлар пайдо бўлди. Ташсельмаш заводининг чилангари П. Васильев, масалан, бундай деб ёзган:*

*«Автор асарлари ҳайкалтарошликнинг нозик сирларини мукаммал билишидан далолат беради... Бу одам ётган ерида, бир қўллаб қандай ишлар экан? Тасаввур қилолмайман буни... Назаримда, ҳаётни чинакамига севадиган инсонгина бундай ишларни қилишга қодир. Ҳаракати ҳақиқий қаҳрамонлик!»*

*Кейинги йилларда Қосим аканинг ҳар бир асари кўрикларда воқеадек қабул қилинмоқда. Кенг жамоатчиликнинг таҳсинига сазовор бўлмоқда.*

*1965 йилда Мирзараҳимов «Бу қайтарилмаслиги керак» номли асарлар туркумини яратди. У асарлар уруш фожиасини кўрсатади, инсоният келажаги устида ўйлашга ундайди.*

*Қосимжон Мирзараҳимов фақат ёз ойларида ишлайди. Йилнинг бошқа фаслларида деярли иш қилмайди. Кузда ва қишда у кишининг аҳволи оғирлашади, аъзойи-баданида оғриқ туради. Лекин Қосимжон шу аҳволда ҳам санъатни ўйлайди. Яратилажак асарлари, қаҳрамонлари ҳақида ўйлайди. Уларни бир парча лойда акс эттириш ҳақида хаёл суради, заҳмат чекади.*

*Мирзараҳимовнинг суюкли мавзуларидан бири — Она мавзуидир. Унинг «Соҳилда» асари 1966 йилда яратилган. Бу боласига тикилиб турган онада қанчалик ҳаётийлик ва гўзаллик бор! Муаллифнинг бу асари катта баҳо олди, яқинда бу бронзага айлантирилади...*

*Қосим Мирзараҳимов Ўзбекистон рассомлар союзининг фахрий аъзоси.*

*Бу ажойиб инсон, туғма ҳайкалтарош Октябрь инқилобининг яқинлашиб келаётган 50 йиллик тўйига атаб, янги асарлар тайёрлаяпти.*

*Қосим Мирзараҳимов зўр қийинчиликлар билан, лекин қувониб кўриқ очаётган кишига ўхшайди. Ижод қувончи унга куч-қувват бахш этяпти. Одамлар билан ҳамдардлик унга янги мавзулар беряпти.*

*Т. ОЧИЛБЕКОВ*
*санъатшунос.*



## Жон-жонга туташди

ТУҚНАШИБ КУЗЛАР ИНТИЗОР ЖОН-ЖОНГА ТУТАШДИ,
ТУҚНАШИБ КУЗЛАР, АҚЛ ҲИС, ХАЯЖОНГА ТУТАШДИ,
ҚУЁШ ОЙ ЮЗИН, ОЙ ҚУЁШ ЮЗИН ЗОР КУРМАККА,
ТУҚНАШИБ КУЗЛАР, ОҲ ДУДИ ОСМОНГА ТУТАШДИ.

ДАРДИМ КУП, МАЪШУҚА ДАРДУ БАЛОСИН ҲАМ ТОРТАМАН,
ФИҒОНИМ ЧЕКИ ЙУҚ, ОҲУ НОЛАСИН ҲАМ ТОРТАМАН.
ГОҲИДА ИШҚИМ ЗАҲРИНИ БЕШАФҚАТ СОЧИБ УНГА,
КЕЙИНЧА АФСУС-ЛА, УЗР-ИСТИЛОСИН ҲАМ ТОРТАМАН.

УРТАНИБ ДИЛ, ЖОН ТОРТДИ ЖАФО, АЙТ, ЭНДИ НЕЧОРА!
БОШГА СОЛДИ МИНГ ГИРДИ БАЛО, АЙТ, ЭНДИ НЕЧОРА!
ЭКАН МИНГ ҲУЗР БУ ЖАФО, БАЛО АЙРИЛИҚ ОЛДИДА,
КЕТДИ ТАШЛАБ ҚИЛМАЙИН ВАФО, АЙТ, ЭНДИ НЕЧОРА!

МАЪШУҚА ЮРАГИН КУРДИМ ҚУЁШ ҚАТРАСИДА,
ТОҚАТУ САБРИНИ КУРДИМ ТОҒ-ТОШ ҚАТРАСИДА.
АСЛДА-ЧИ, АНА ШУ БОРЛИҚ — ҚУЁШ, ТОҒУ ТОШНИ,
КУРДИМ ЖОН ЖИСМИДА, ЮРАК-ОТОШ ҚАТРАСИДА.

ИККИ ОШИҚ ДИЛ ҚОВУШИБ ШОДОН БИР ДИЛ ЯРАТДИ,
ГУЁ ОРЗУ СУҚМОҒИДАН РАВОН БИР ЙУЛ ЯРАТДИ.
ОСМОННИ МАСКАН ЭТИБДИ БИРЛАШИБ ОЮ ҚУЁШ,
ЖАҲОН ИЧРА ЭЛГА МАНЗУР БУСТОН, БИР ГУЛ ЯРАТДИ.

Тошмамат РУЗИБОЕВ.

# БЕК ХОНАДОНИ“

**дик. Полга гилам, гилам устига кўрпача тўшалган. Деворда рубоб осиғлиқ турибди. Китоб жовонига кўз югуртдик. Навоий, Ҳамза, Абдулла Қодирий, Ойбек, Ҳамид Олимжон, Абдулла Қаҳҳор асарлари; ўзбек, озарбайжон, турк, қозоқ, қирғиз, татар тилларининг турли ҳажмдаги луғатлари; филологияга оид турли туркий тилларда чоп этилган китоблар; столда ўзбек газеталарининг дасталари. Пахтагулли чойнак ва пиёла кўтарган, кўча кийимини алмаштириб атлас кўйлак кийган Дилором опа хонага кириб дастурхон тузай бошлади.**

**— Диёрингиз куй-қўшиғининг хумори тутаётгандир, хойнаҳой. Маъмуржон Узоқовни эшитасизларми ёки Ботир Зокировнами?**

**Кўк чой ичиб ўтириб доктор Дорес Шульц хоним билан узоқ гаплашдик. Ўзбек куйи ором бўлди дилимизга, қўшиғи — малҳам.**

**Доктор Шульц Берлиндаги Гумбальдт университетида туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили бўйича обрўли олима ҳисобланади. Шульц хоним ўзбек тилига оид кўпгина тадқиқий ишлар олиб борган. Лейпцигдаги Библиография институти тайёрлаган 1000 саҳифали «Жаҳон адабиёти қомуси»га киритилган Алишер Навоий, Ҳамза, Ғафур Ғулом, Ойбек, Абдулла Қаҳҳор ҳаёти ва ижодига оид материаллар ҳурматли олима қаламига мансубдир.**

**Ҳа айтгандай, Дорес Шульц хоним кандидатлик диссертациясини Тошкентда ёқлаган. У Тошкент Давлат Чет тиллар институти студентларига маърузалар ўқиган.**

**Европанинг қоқ ўртасидаги «Ўзбек хонадони»ни тарк этарканмиз, ўзбек тили ва адабиётининг немис дўстларимиз диёридаги тарғиботчиси ва жонкуяри бўлган мезбонимизга ташаккур айтиб хайрлашдик.**

Шавкат КАРИМОВ,
Маҳмуд АЪЗАМОВ.
Тошкент чет тиллар институти немис тили кафедрасининг ўқитувчилари.

**Собир**

**Абдулло**

*Ўзбекистон халқ шоири*



## Ҳазрати Навоийга

Қўлланг, улуғ Навоий, устоду пирикомил,
Шогирдни қўллаш элда асли қадим таомил,
Эргашти кимки сизга: топди иши такомил,
Билмоқ фанида олим, ёзмоқ фанига омил.

Бошланди «Ашрақат»дан таълими ибтидоси,
Қалбида жилваланди «Мин-акс-шамс» жилоси,
Жо бўлди дилга ишқи, жон бўлди мубталоси,
Ўрнашти меҳри жондек, банд этди ихтироси.

Сизданки кўп дафина, ҳар қайси лаъл, жавоҳир,
Фосиққа нафъи ғойиб, фозилга нақди ҳозир,
Мужизбаёнлигида ким кўрди сизча моҳир?,
Ўлчовда сиз оғирсиз, жам бўлса барча шоир.

Ул Хамса таърифида тил ожизу қалам лол,
Денгиз десам, эрур шўр, бу Хамсанинг суви — бол,
Тоғларга тенг қилиш ҳам, ташбеҳ учун қийин ҳол,
Нисбатда Хамса — тоғу, салмоқда тоғ — мисқол.

Бошдан-аёқ назофат, тимсоли илму ҳикмат,
Бошдан-аёқ назокат, ашъори чин муҳаббат,
Бошдан-аёқ ҳарорат, изҳори иззу-ҳурмат,
Бошдан-аёқ маҳорат, асрори дарду меҳнат.

Ҳар бобу ҳар ҳикоят дарс ўргатур вафодан,
Мажнуни мосводан, фарҳоди мубталодан,
Бечора Лайли қақшар ҳижрон — юзи қародан,
Ширин кўзида ёши, ишқ ичра можародан.

Ҳам қиссаси Скандар, Баҳром билан Гуландом,
Итмомга етмагунча кўнгулда қайда ором?..
Ҳар баҳраманд кишини ҳар достон этиб ром,
Қўлига Хамса олган тонг ўлтириб, қилур шом.

Йўқ мумкини, асарлар васфин муфассал этмак,
Бир сўз билан баҳолаб, бир баҳс билан ҳал этмак,
Мақсад агар билишни бўлса мукаммал этмак:
Ё яхшилаб билиш, ё умрин муҳалҳал этмак!..

* * *

Билмак Навоийни, бу, зўр маърифат нишони,
Билмак Навоийни, бу, ўз нафъи, йўқ зиёни,
Билмак Навоийни, бу, юксакка элтар они,
Билмак Навоийни, бу, ойинан жаҳони.

Йўқ бизда Сизни билмас, бор халқимиз ғазалхон,
Айтур «қаро кўзим»ни саҳро кезарда чўбон,
Сиз ҳазрати Навоий, ҳар хонадонда меҳмон,
Чунким, эли билимдон, бу сизнинг Ўзбекистон.

Эрксизлигида инсон, эрксиз эди бу сўз ҳам,
Эрк олди биз билан тенг, занжирдаги аруз ҳам,
Дилларга тўлди урфон, андоқки, кулди юз ҳам,
Ғафлатда эрди кўзлар, очилди аста кўз ҳам.

Чўл касб этиб чаманлар, Ленин даҳоси бирлан,
Уйғонди ухлаганлар, Ленин даҳоси бирдан,
Юксалди илму фанлар, Ленин даҳоси бирлан,
Нур олди анжумандлар, Ленин даҳоси бирлан.

Нур сочди (мен ўн икки ёшимда) ҳур замона,
Нурсиз, қоронғи диллар нурларга ошиёна,
Куйлашда қона-қона, давронга ошиқона,
Берди баҳори ғунчам «шеър навъи»дан нишона.

Бўлди менинг «Алиф-бе»м, ул шеърнамо сатрлар,
Жалб этди булҳаваслик, «хамр учидан патир»лар,
Хуш айлади думоғим, бўй бахш этиб атрлар,
Гарчанди хому нордондирлар: ширин татирлар..

Қўлтиқдадир ҳамиша устозларим баёзи:
Гаҳ ўргатиб «Муқимий», гаҳ менга эътирози,
Йўл кўрсатурда «Фурқат», шогирд дейишга рози,
Дуч келса Завқий ҳожи, қилдим унга тавозе.

Сайр айладим, узиб гул ул боғи беҳазондан,
Ул боғи беҳазонким, тўрт маҳзани маондан,..
Кенгликда худди дунё, мазмуни кенг жаҳондан,
Балким, жаҳон териб сўз гавҳарларини ондан.

Кезмай бўлак чаманда, сўнг «Чордевон»да кездим,
Гоҳ қадни тик кўтардим, гоҳо юракни эздим,
Не ўзи, сўзу санъат? Мен аста-аста сездим,
Тердим живоҳиротлар, дилнинг ипига тиздим.

* * *

Йиллар ошиб, асрлар сиз барҳаёт, Алишер,
Шеър иқлими Амири, нодир сифот Алишер,
Эл коми шеърингиздан қанду набот, Алишер,
Минг-минг йигит — Алишер: сизнинг бу от — Алишер.

Эрк санъати саройи пештоғида Навоий,
Эл базмида Навоий, юрт боғида Навоий,
Бордир Навоий шаҳри, қишлоғида Навоий,
Фарҳодингиз чироғбон, нур тоғида Навоий.

Хоки табаррукингиз гар бўлса ҳам Ҳиротда,
Биз бирла сиз ҳамиша, то халқки бор ҳаётда,
Қутлуғ замона аҳли ҳурматда, илтифотда,
Ноёб асарларингиз қўлларда, эҳтиётда..

Дўстлик чанорларини сиз ўтқазиб, уч устоз,
Ўлмас, буюк асарлар сиздек, жаҳонда мумтоз,
Таърифи қанча бўлсин, лекин туйилгай у оз,
Халқлар дилига ҳамдард, халқлар тилига ҳамроз.

Ҳай-ҳай, нечук ярашмиш устозлик мақоми:
Мавлоно Абдураҳмон устози кулли — Жомий,
Ҳам мўътабар улуғ зот — ул Ганжавий Низомий,
Ҳам сизга, эй Навоий, халқларнинг эҳтироми.

* * *

Кўп чўзма, энди Собир, шеърингни мухтасар қил,
Ранжитма, сен ёзишда атрофга бир назар қил,
Шогирд бўлишга лойиқ назм машқ эт, асар қил,
Мис қўшмағил ғазалга, қунт ила ишла, зар қил.

## Ғазал

Ёр эдим ақли расога, интизор бўлдим яна,
Зорига боқмай юриб ёр боқди, ёр бўлдим яна.

Мен ёшурсам ишқ сиррини, ғururим этди фош,
Халқ ичида гуфтигую, ошкор бўлдим яна.

Мен тутиб ёр жавру ҳажрини ўзим янглиғ ниҳон,
Йўқ эдим, ёр илтифоти бирла бор бўлдим яна,

Ишқ аҳлига яна бердим, эгиб бошим чунон,
Ишқсизларга чунон беэътибор бўлдим яна.

Қайтадан бўлдим мусаффо ишқсизлик дардидан,
Бахтиёру комрону комкор бўлдим яна.

Васл базмидан қувилди шум рақиб, андоқки, мен
Васл базми ичра соҳиб ихтиёр бўлдим яна.

Тушди бошимга яна бечора булбулнинг куни,
Кечалар то субҳ куйлашга дучор бўлдим яна.

Қолмади Собирлигимдан, сабрнинг куйди уйи,
Бир кўришмоқ шавқи бирла беқарор бўлдим яна.

# Умид ғунчалари



Л. Таубе фотоэтюди.

Осмон кенглиги, беғуборлиги,
Одамнинг тенглиги, бахтиёрлиги,
Ҳаётнинг ҳамиша чин баҳорлиги,
Яшасин келажак—фарзанд борлиги!

Кабутар янглиғ учабер ёшлик,
Фазони ҳамиша қучабер ёшлик,
Умид ғунчалари яшнаб сўлмасин,
Бу ёшлик йўллари мангу қуёшли.

Ватан боғларида қувнаб яйрайвер,
Ҳаёт гулларини ҳидлаб сайрайвер,
Ярқироқ пешананг силаркан Ватан,
Сени умидиму қуч-кудратим дер.

# ширинларимиз...



Қўғирчоқлар дунёси ҳам ўзига хос, ғалати. Уларнинг ранго-ранг шакллари ёқимли эртакларни, майин имолари аллақандай шивирлашларни эслатади. Уларнинг лўппи-лўппи юзларини айтмайсизми! Оёғимиз тагида ўралашиб юрган эркатойларимизнинг худди ўзгинаси!

Тошкентдаги қўғирчоқлар фабрикасининг совға-салом цехида ана шу хушнуд чеҳраларга мафтун боқардик. Инсон санъати уларга ҳам жон ато қилган, инсон қўли уларни ҳам ясатган.

Совға-салом цехининг бошлиғи Галина Васильевна бизни «ширинлари» билан таништиради.

— Номлари қизиқ,— дейди мийиғида кулиб.— Мана буниси Зумрад, буниси Тўлиной, Норғул йигитчага ўхшаган буниси Темурийлар наслидан асли. Бошида чақмоқ телпак, белида шойи қийиқча. Либоси XIII асрникига ўхшаш. Енги ҳошияли кўйлак, калта енг духоба яхтак. Оёғида қора кафш.

Зумрад дегани чилвир соч. Бўйни ва пешанасида яшил марваридлар ёняпти. Тўлинойнинг қулоғида эса олтин сирға. Пушти кўйлаги ҳарир. Бўйнида шода марварид. Бошида инжу қадалган рўмол. Духоба камзулида баҳор гуллари товланиб тургандек.



Қўғирчоқлар орасида Хоразмнинг башанг йигитчасини ҳам, Самарқанднинг иболи қизчасини ҳам учратиш мумкин.

Галина Васильевна Шклярская 26 йилдан буён қўғирчоқлар дунёсида ишлар экан. Унга ўзбек халқи қўғирчоғлигининг тарихи ҳам, нақшу безаклари ҳам беш бармоғидай яхши аён. У энг яхши моделчи-этнограф. Монреалга кетган қўғирчоқларимизнинг ҳар бирида унинг зеҳни ва қунти бор.

Ҳайкалтарошлар лой, ганч ва тошдан одам ясашади. Бу ердагилар эса бир парча жонсиз полиэтилендан ажойиб нарсалар яратадилар. Қўғирчоқларнинг сочини Клавдия Зарубина тарайди, қош-кўзини, лабини Мунаввар Кутфиддинова билан Мунаввархон Холматова бўяйди. Камзулларини Фаина Каримова, кўйлакларини Наташа Товфенко тикади. Қўғирчоқларни антиқа қилиб кийинтириш эса Бума Адамовскаянинг иши.

Совға-салом цехининг пешқадамлари анча-мунча. Зиёда Исмоилова, Мукаррам Исматова, Зумрад Баҳромова, Муҳаббат Носирова, Марҳамат Қодирова, Рая Коновалова каби бичиқчиларнинг, Раҳимова, Абдиалимова, Муллааҳмедова каби тикувчиларнинг номларини ҳамма эъзозлайди. Уларнинг ҳар бири ўзича ижодкор. Ҳар бир яратгани топилдиқ.

Цехдан қадам узолмаймиз. Кўз кўриб қувонадиган нарсалари бир талай. Бу цех республикалараро конкурсда биринчиликни олган, Иттифоқ бўйича конкурсда II даражали диплом билан тақдирланган.

Цехда иш тиғиз. Қўғирчоқбозлар Улуғ Октябрнинг 50 йиллигига дилбар совғалар тайёрлашяпти.

Сиддиқ УМАРОВ
«Гулистон» мухбири.



Г. Графкин фотолари.



(18—19-бетларга қаралсин)

# Афросиеб обидалари



МУҲОКАМА
МУНОЗАРА
МУЛОҲАЗА

# БАДАРГА ЙИЛҚИЛАР

Бир маҳаллар отга — мурод деб қараганлар. Чиндан ҳам от — йигит кишининг қаноти эди — узоғини яқин қиларди, деҳқоннинг оғирини енгиллаштирадиган кўмакчиси, чорвадорнинг ишонган улови эди. Яқингача ҳам шундай бўлиб келди. Янги-янги машиналар, механизмларнинг вужудга келиши туфайли шароит яхшилангач, отлар зиммасига тушган оғирликлар бир қадар енгиллашди, бинобарин, отларнинг эътибори бирмунча камайди.

Бироқ отларнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти тамомила йўқолиб кетгани йўқ. Дала ишларида, боғ-сабзавотчиликда, яйловларда, тоғу тошларда, ботқоқ-тўқайларда, ўрмон қўришда, уй-хўжаликда ҳали ҳам отлар иш беряпти. Шунингдек, қулунлардан ҳайвонлар пуштини кўпайтирадиган зардоб олиняпти. Бундан ташқари, отнинг қорнидан олинадиган шарбат одамлардаги турли касалликларга шифо бўлаётгани анчадан бери маълум.

Йилқичилик халқ хўжалигимизга гўшт, тери ва бошқа муҳим хом ашё берувчи муҳим соҳадир. Қани айтингчи, қази гўшти билан шифобахш қимизни йилқидан бошқа қайси ҳайвон мўл-кўл бера олади?

Бу оддий ҳақиқатни бу қадар куйиб-ёниб исботлаётганимнинг сабаби бор. Нима бўлди-ю, йилқичилик инқирозга юз тутди. Отлар аёвсиз суратда сўйдириб юборилди. Мана, ўн икки йилдирки, йилқилар сони тобора камайиб кетмоқда. Кўпгина колхозларнинг раҳбарлари йилқи фермасини асоссиз тугатдилар, зотли отлар камайиб кетди. Бу билан Ўзбекистон йилқичилари асрий меҳнатининг маҳсули ва фахри бўлган Қорабайир отларининг энг зарур қисмидан айриляпмиз.

1954 йилда республикамизда 508 мингдан ортиқ от бор эди, 1966 йилга келиб, бу рақам 140 мингга тушиб қолди. Фарғона, Андижон областларида ва Қорақалпоғистонда бу давр орасида отлар тўрт баравар камайиб кетди. 8—10 йил илгари йилқи уюрларида ҳар юз биядан 75—80 қулун олиниб келинган бўлса, 1964 йилда республика колхозлари бор-йўғи 47 тадан қулун олдилар. Энг хавфли ҳол шуки биялар йилданйилга камайиб бормоқда: 1960 йилда колхоз ва совхозларда 45 минг бия бор эди, 1965 йилда эса 25 мингдан озроқ бия қолди, бу — уюрлардаги йилқиларнинг атиги 18,9 процентини ташкил этади. Қорабайир зотли айғирларни кўпайтириш ишини тўхтатиб қўйилгани халқ хўжалигига анча моддий зарар етказмоқда.

Колхозларда от-уловга эҳтиёж ортиб боряпти. Ҳозир республикамизда 40 мингдан ортиқроқ от-улов етишмай турибди.

Халқ хўжалигининг чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёжи ортиб бораётганини ва КПСС Марказий Комитети март (1965) Пленумининг қишлоқ хўжалигининг ҳамма соҳаларини режали ўстириш тўғрисидаги кўрсатмасини ҳисобга олиб, Ўзбекистонда йилқичиликни қатъий суратда қайта тиклаш пайти келди, албатта.

Бунинг учун, аввало, республикада йилқичиликка маҳсулот етиштирувчи чорва деб қараб, уни давлат ва хўжалик планларига қайта киритиш керак. (Буни қарангки, йилқичилик кейинги йилларда пландан ҳам чиқариб ташланган эди). Уч йилгача, яроқсизларидан ташқари, гўштга от сўйиш ёки сотишни тақиқлаб, йилқиларни 1959 йилги даражага етказиш керак.

Иқтисодий хомчўтлар шуни кўрсатадики, Ўзбекистонда яқин йилларда йилқичиликдан тирик вазнда 50—60 минг центнер гўшт, 100 минг центнер қимиз олиш мумкин. Бундан колхоз-совхозлар йилига камида 5,3 миллион сўм даромад қилади.

Йилқичиликда бияларни, зотли айғирларни асраш ва кўпайтириш ғоят муҳим. Бунинг учун зотли от фермалари ташкил этиб, йилқичиликда ишлайдиган мутахассисларнинг штатларини қайта тиклаш даркор.

Йилқиларни ҳам бошқа соҳалар сингари ҳар ернинг табиий, хўжалик, иқтисодий шароитига қараб жойлаштиришга аҳамият берилгани яхши. Масалан, йилқилар уюр қилиб боқиладиган районларда (Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё области ва бошқа жойларда) оғилхоналарда асралаётган отлар билан бир вақтда гўштга тортиладиган махсус йилқичилик фермалари ташкил этиб, улардаги йилқиларни 200—250 тага, бияларни 70—85 тага етказиш керак. Шунда йилқибоқарлар иши анча енгиллашади.

Уюр қилиб боқиладиган йилқичиликда гўшт арзонга тушади. Масалан, Қорақалпоғистоннинг Чимбой районида ҳайдаб боқилган от ҳар куни 300—350 граммдан, уч ойда эса ўртача 50 килограмм чамаси (сўйилган ҳолда) семирган. Бир центнер гўшт етиштириш учун олти сўмдан сал камроқ харажат қилинган. Йилқилар яйловда ўт-еминнинг қарийб 40 процентини ўзлари топиб ейди, шунинг учун от гўшти мол гўштига қараганда уч марта арзон тушади.

Шунингдек, қимизи учун боқиладиган йилқичилик фермалари ҳам ташкил этиш кўзда тутилиши лозим. Чунки Ўзбекистон аҳолисининг қимизга эҳтиёжи катта. Айниқса, даволаш-соғломлаштириш соҳасида қимизнинг хосиятига тараф йўқ. Бундан ташқари, қимиз — қўшимча озиқ-овқат, ажойиб ичимлик ҳамдир. Ўзбекистонда фақат даволаш-соғломлаштириш соҳаси учунгина ҳар йили камида 6 миллион литр қимиз талаб қилинади.

Ҳозирча республикада қимиз тайёрлаш иши йўлга қўйилмаганига ачинасан киши. Маълумки, яқин пайтларгача Қорақалпоғистонда, Самарқанд областида қимизни чакки тайёрлашмас эди. Уюрда боқилаётган бияларнинг ҳар биридан ёз мавсумида ўртача 400—500 литрдан сут соғиб олинарди. Бу эса пулга чақилганда оз ҳам эмас, кўп ҳам эмас —160 сўм бўларди. Ўйлаб кўринг-а, бунча сутни етиштириш учун охурларга ем тўкилмайди, алоҳида бинолар қурилмайди, яйловда боқиб соғиб олинади.

Хуллас, йилқичилик халқ хўжалигида ўзининг иқтисодий ва ҳаётий аҳамиятини йўқотгани йўқ. Унга тўғри муносабатда бўлинса, бундан кейин ҳам чорвачиликнинг муҳим тармоғи сифатида муқим даромад манбаи бўлиб қолади.

**А. МЕЛЕШКО,**
**қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.**

---

# ЙЎҚОТИЛГАН ОЛТИН

Янги ном

ҲИКОЯ

**Тошкентда энг одобли, энг мулойим, энг меҳнаткаш қиз ўнта бўлса — биттаси шу Эсоной, иккита бўлса ҳам — биттаси шу. Агар битта бўлса, демак — Эсоной. У Тошкент Давлат университетининг журналистика бўлимини бу йил тугатди.**

«Онажон! Бу хатни иссиқ бағрингиздан бош олиб кетган бебахт қизингиз ёзяпти. Ҳа, табассуми сохта бир кимса юрагимни, хаёлимни, сиз бешикда эъзозлаган бахтимни ўғирлаб, ўзидай худбин, тубан қилиб қўйди.

Олтинни олганда эмас, йўқотганда қадрини билар эканлар. Билдим, қадрингизга етмабман. Меҳрингизни, муҳаббатингизни олтинга ҳам топиб бўлмаслигини кечикиб сездим.

...Ўша куни эшикдан кирганимиз ҳамон онаси йиғлаб, ўғлига ёпишди:

— Вой болам-ей, нима қилиб қўйдинг-а?! Бу ўғрликнинг ҳам ота-онаси, ёр-дўстлари бордир? Шундоқ дардинг бор экан, олдинроқ айтсанг бўлмасмиди?! Орзу-ҳавасим бор эди!

У бўлса оғрингандай онасининг қўлини кўксидан сидириб ташлади-да, чиқиб кетди. Бир вақт ҳовлидан:

— Келин ўз оёғи билан келиб ўтирибди-ку, орзу-ҳавасга бало борми пул сарфлаб?— деган овозини эшитдим.

Юрагим шувуллаб, деворга суяниб қолибман. Бир онда ширин-шакар орзуларим тўзондек шопирилиб кетди. Нурларга қиёс этган бахтим кошонаси тубсиз жарлик қаърига қулади. Қалбимни оғриғу кўзимни ёш қоплади. Ўзимни ёлғиз, ҳимоясиз ҳис қилиб қўрқиб кетдим. Уятдан, андишадан бошим эгилди. Шудрингдек тип-тиниқ ёшларим орасидан мунис, меҳрибон сиймонгизни кўрдим.

Ўша топда мени бир маҳаллар ярим кечагача кутиб ранжиганларингиз ёдимга тушди. Уйқули кўзларингизни ишқаб, дераза ёнида ўтирганларингизни хаёлан кўрдим. Эшикдан киришим ҳамон интизорликда оқаринқираган серажин юзларингизга севинч таралардi.

Баъзан кўзларимга тикилиб:

— Вой болам-ей, сенга нима бўляпти а! Шу вақтгача қаерларда юрасан-а?! — дердингиз.

Шоша-пиша топган баҳонамни айтардим. Ё ўртоғимнинг именинасига бордим, ё ишхонада мажлис бўлди, дердим. Ўшанда содда қалбингизни алдов билан овутганларимни эсласам... Энди билсам, сизни эмас, ўзимни-ўзим алдаган эканман. Качонлардир мана шу кўйга тушишим, ўша таййинсиз кимсанинг сўзлари ҳаётим эгови бўлишини хаёлга ҳам келтирмаганман. Бу бемазагарчиликларни кўришга кўзим кўрлик, эшитишга қулоғим карлик қилди.

Эсимда, бир куни чой ичиб ўтирганимизда дабдурустдан гап очиб қолдингиз:

— Болам, қандоқ бўларкин! Одамлар оёқ олиши нохўяроқ дейишяпти-я?

Терлаб кетдим. Билмадим, ер чизиб қанча ўтирдим. Охири сиз:

— Гапир, қизим, нега индамайсан? Сен менинг ҳам ўғлим, ҳам қизимсан, юрагингда борини айт! — дедингиз.

Номини тилга олишга ҳам жирканаётганим кимса мен учун энг гўзал, доно киши эди дунёда. Қалбингизга безовталик солаётган ғулғулани сидириб ташламоқчи бўлдим:

— Одамлар гапиришаверади! Уларга қулоқ солсангиз, жинни бўп қолиш ҳеч гапмас.

Оҳ, буларни эслаш! Аламимга алам қўшилади. Суягим қизиб, миям зирқиллаб кетади. Тилимни кесиб итлар олдига ташлагим, мақтовларга қул қалбимни чўлу саҳрога отгим келади. Нега ўшанда юрагингиз зорига қулоқ солмадим? Қадамимни ўйлаб босмадим?..

Нодонлигимни кўриб, зардангиз қайнадими, жеркиброқ гапирдингиз:

— Одамларнинг ҳам биттаси, ёнки иккитаси ёлғон гапирар, жон қизим, ҳаммаси эмас-ку! Ўзинг биларсан, сезарсан, десам қаёқдаги бир саёқ билан юрганмишсан? Иши бўшнинг таги бўш дейдилар, жон қизим. Пухтароқ ўйласанг дейман-да.

Йўқ, гапларингиз ўша «саёқ» қалбимга солган чўғни ўчиролмади. Бу гапингиз икки дилнинг покиза, соф муҳаббати йўлидаги ғов бўлиб туюлди менга. Ғашим келди. Сўзларингизга эътибор бермадим. Ахир, унинг осмонфа-

Эсоной СОДИҚОВА.

(Давоми 17-бетда).



Рассом И. Циганов чизган.

Иброҳим ҒОФУРОВ

## Биринчи ҳикоя

У сувсиз сарғайган ниҳолдай; Остонада чўнқайиб ўтиради. Қўлини бошига тираб олади.

Кўзи нимагадир тикилган. Ўйлаб ётган кўча тупроғигами. Аммо у тупроқни ҳам, кўчани ҳам, сийрак ўткинчиларни ҳам, ҳовур жимирлаётган нимтатир осмонни ҳам, «ҳаммом пиш» ўйнаётган бизни ҳам кўрмайди. У нимагадир тикилган. Мен не билай нега тикилган. Олис йўлларгамикин. Мен унинг кўзида ёш кўрмаганман. Балки кўрганлар бордир. Мен кўрмаганман. Бола халқи, баттол бўлади, дейди бувим. Бўлса бордир. Қайғурганидан гапиради. Қанд-қурс тўла қутиси бўшаб бораётганидан гапиради. «Баттол» бўлсак бордирмиз, аммо Назмия опамни ҳаммамиз яхши кўрамиз. Бола халқи олтиндай сарғайиб турган ўрикни кўрса бар уриб, кесак отгиси келаверади. Унга ўрикни ейишдан кўра қоқиб тушириш тотлироқ кўринади. Мабодо биз ўрик қоқсак ҳам, буни қўшни боғлик Эшон акани орқамиздан югуртириш учун эмас, Назмия опам ўрикни яхши кўрганлари учун қоқамиз. Назмия опам гоҳо пешиндан то қоронғи тушгунча остонада ўтиради. Биз қўйнимизни тўлдириб ўрик олиб борганимизда, олмайдилар. Кейин мен «Эшон аканикини қоқиб берувдик, берди», дейман. «Кўзингдан опанг ўргилсин, алдамагин, яна» дейди Назмия опам. «Алдамайди, алдамайди!» деб қичқиришади шерикларим. «Ўргилай, ўргилай,— деб жилмайиб қўяди шунда Назмия опам, ҳовучларига ўрикни солганимиздан кейин. «Алдоқчи одамнинг кўзи кичкина бўлиб қолади, мана бундай»,— Назмия опам жимжилоқ бармоқларининг учини кўрсатдилар. «Алдамаймиз, алдамаймиз»,— деб баравар қичқирамиз. Ростдан ҳам алдамаймиз. Назмия опамни алдаб кўнглимизни чоғ қилармидик.

Бир куни бувим менга бир сават оқ ўрик тердириб саватга оппоқ рўмол билан ёпиб қўлимга тутқиздилар: «Назмия опангга олиб бориб бергин, болам. Ўрикни яхши кўради. Эрмат фронтга кетгандан бери остона ҳатлаб кўчага чиқмайди. Хун бўлиб кетди-е жувон шўрлик», деб менгами, ўзларигами жаврадилар. Мен Назмия опамникига шундан бери ўрик олиб бораман.

Назмия опам майдондай ҳовлида ёлғиз туради. Назмия опам бизни учинчи синфда ўқитадилар. Эрмат акам урушга кетганларидан буён уларнинг синфларини ҳам ўқитадилар. Чарчайдилармя, билмайман... Бетоб одамдай паришон бўлиб қолганлар. Анов куни Лўппи билан жанжаллашганимиз ҳам шундан. Мен: «Назмия опам шамоллаб қолганлар. Шамоллаб қолган одам кўп акса уради», десам, Лўппи; «Жинни!— деди.— Опам шамолласа дарров тузалади. Назмия опам Эрмат акамнинг доғида қуйганмишла. Ҳар куни қон ютаркан-ла. Билдингизми? Ойим шундай дедила. Жинни!».

Мен қон ютиш нималигини билмайман. Бундан қўрқаман. Назмия опамга юрагим ачишиб кетди. Қон ютган одам остонага чиқиб ўтираркан-да. Қон ютган одамнинг ранги сарғайиб кетган-да. Қон ютган одам тупроққа тикиларкан-да. Мен Лўппининг гапидан қўрқиб Назмия опамникига бормай қўйдим.

Бир куни ҳовлимиздан ўтадиган ариққа қаттиқ нон ташлаб, оқизоқ қилиб еб ўтирган эдим. «Ҳозир келаман, ликиллаб кетиб қолма» деб эшикка чиқиб кетган бувим рав қайтиб келдилар. «Вой ўлай, вой ўлай, вой менгина ўлай» деганча уйга кириб келдилар. Сандиқ устидан кўрпачалар гупиллаб тушди. Бувим ундан бир бўғча олиб, яна зинғиллаганча кўчага отилдилар. Кавшаётган нонимни ютар-ютмасимни билмай изларидан чиқдим. Бувим бораётган томондан сийрак йиғи овози келарди. Қараб турсам, бувим Назмия опамларникига кириб кетдилар. Қўшнимиз, бувимнинг ўртоғи Шодибеги холам ҳам уйларидан чиқиб: «Назмиягина, Назмиягина...» деганча

# саҳарлар...

ўша ёққа липиллаб қолдилар. Ўша ёқдан Лўппининг қораси кўринди. Чақирсам, тескари қаради. Югуриб бордим. «Назмия, Назмия опамни дўхтир олиб кетдими?» деб сўрадим. «Жинни!— деди у ҳиқиллаб.— Назмия опам кўз юмибдилар. Билдингми? Ҳозир кишилар келишаркан...»

Болалик вужудим ўлим даҳшатидан биринчи марта ўшанда зирқираб кетган. Шу зирқираш ҳали ҳам вужудимдан аримаган. Мен бардоши қора хат билан тугаган бу аёлга нечоғлиқ меҳр боғлаганимни вояга етиб тушундим. Эски ковуш кўзимизга оёққа эмас, бошга кийгандай шоҳона тож бўлиб кўринган оғир йилларда совуқдан кўкариб мактабга борсам, шу аёл мени пальтосининг барига ўраб иситганди. Жоним шу пальтонинг ҳовурини унутмаган. Мен Назмия опамни қаҳрамон эди деёлмайман. Аммо у тирик бўлганда, менга ўхшаган мингларча гўдакни меҳрибон қалби-

## Пазандалик тарихидан

*Ушбу сарлавҳани ўқиб, «товба, лағмоннинг макаронга қанақа қариндошлиги бор экан-а?» деб ҳайрон бўлаётгандирсиз. Ошиқманг, ҳурматли журналхон. Ҳаммасини бир бошдан ҳикоя қилиб бераман.*

*Макарон итальянча «маккаре» сўзидан олинган бўлиб, «хамир қормоқ» деган маънони англатади. Макарон итальян миллий масаллиғи деган тушунчани бугун ман-ман деган пазандачилик олимлари ҳам инкор этолмайдилар. Эндиликда Италия — макароннинг ватани ҳисобланади. Ҳатто макаронни биринчи марта фабрикада тайёрлаган капиталистга Римда ҳайкал ўрнатилган дейишади. Макарон итальянларнинг энг севимли овқатидир.*

*Макарон ростдан ҳам қадимий масаллиғ, лекин аслида унинг ватани Италия эмас, балки Хитой ва Ўрта Осиёдир.*

*XIII асрда венециялик савдогар Николо Поло ўғли Марко билан бирга Қрим, Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари орқали Бухорогача келиб савдо-сотиқ қилиб юради. Марко Поло кўпроқ бу мамлакатларнинг тарихи, жуғрофияси, халқларнинг тили, турмуши ва урф-одатлари билан қизиқади.*

*XIII асрнинг 70-йилларида ота-бола сайёҳлар Бухорои Шарифнинг гавжум бозорида лағмон деган ажойиб таом танаввул қиладилар. Хамирдан чилвир сингари чўзилган ғоят лаззатли таом ёш сайёҳни қизиқтириб қолади. У лағмон тайёрлаш усулини суриштириб ён дафтарига ёзиб олади. Николо билан Марко Помир орқали Қашқарга ўтадилар, уйғур элида ҳам лағмон жуда кўплигининг гувоҳи бўладилар. Сўнгра улар Гоби саҳроси орқали Шарқи-шимолий Хитойга етганларида лағмоннинг конидан чиқадилар.*

*Лағмон қадимги Хитой тилида «Лага мян», яъни «хамирдан ясалган илон таом» деган маънони англатган. Марка Поло уни итальянча «вермиччели» деб таржима қилади. Маъноси — «хамир чувалчанг» демакдир. Лағмонни мустақил тайёрлашга уринган сайёҳ важуси (қайласи)ни пиширишни ўрганган бўлса-да, хамир чўзишни ҳечам эплай олмайди (ҳақиқий лағмонпазлар ҳам 5—6 йил шогирдликдан сўнггина бу ҳунарни ўргана оладилар).*

*Марко Поло тайёр лағмонни Италияга*

нинг қўри билан эшитган бўларди. Эрмат аканинг жонига теккан ўқ Назмия опамни ҳам қулатганини энди англадим...

### *Иккинчи ҳикоя*

«Ўғлим!

Бошлиқларингга айт. Уч-тўрт кунгина сенга рухсат беришсин. Сени бирам кўргиларим келади. Ўзим дарров бориб кела қолай десам, кошкийди, автомобили қурғурда бошим айланади. Кеча хушим оғиб Юнусалининг машинасида истансага чиқиб келдим...»

Она ўғлини кўмакка чақиряпти. Бунинг сабаблари бор. Сабабларини ўғлига айтолмайди. Негаки, нозик нарса. Бири кеча кўрган туши. Иккинчиси, одамга айтишга истиҳола қилади. Адолхоннинг келиши.. Совчи бўлиб келиши. Абдураҳим муаллим бешта бола билан қолиб, унга совчи қўйибди.

Сабоҳатхон ўзининг бесаноқ узун кечаларида ёстиқдоши Комроннинг жамолига тўйиб боққанини билмайди. Тушлари ҳам у билан бирга кечирган умрлари каби қисқа. Ўнгида тўймаган — тушида тўядими. Сабоҳатхон Комрон билан икки йилгина умр кўрди. Учин-

# бевалар...

чи йилга кирганда уни урушга узатди. Ўзи эса ҳомиласи ва адоқсиз ҳижрони билан қолди. Комрон бедарак кетди. Бедарак деганн бомба тагида қолди деганими. Ўққа эмас, снарядга учди деганими, тонналаб қўпорилган тупроқ остида йўқ бўлди деганими, яъни ўлиги ҳам, тириги ҳам маълум эмас деганими? Неки бўлса бордир, лекин бедаракнинг тириклик эҳтимоли кам... Кам бўлса ҳам ҳар ҳолда умид тутса бўлади. Мана яқинда Тошкентдан ўғли ёзибди. Бир хотиннинг бедарак кетган эри ўн тўққиз йил деганда аллақайси мамлакатдан келибди. Рангида қизили, сочида қораси йўқ дейди. Ҳатто қошигача оқариб кетганмиш, бечора.

Сабоҳатхон қачон туш кўрса, эрини ё туман ва ё тумонат ичида жилмайиб турганини кўрарди. Кўзига Комроннинг қўз-қошлари, ранг-рўйи, жилмайиб туришигина кўринарди. Шу эсида қоларди. Кечаги тушини эса эслаб тасаввурига сиғдиролмас, шунга қарамай унга шошгиси келар, шунча йиллар ўтган бўлишига қарамай, бу тушим бир каромат деб ўйлашдан ўзини тиёлмасди.

...Комроннинг хиром этиги сандиқдан чиқиб, уйни бир айланиб чиққанмиш-да, сўнг дала йўлидан истансага қараб ҳаккалаб-ҳаккалаб кетганмиш. Сабоҳатхон вой ўлай, ҳой қаёққа борасиз, деб этикнинг орқасидан паришон чопармиш. Етолмасмиш. Этиклар билан орқама-орқа истансага етиб борибди. Истансада зоғ йўқмиш. Перрон хувиллаб ётганмиш. Изда фақат битта вагон турганмиш. Унда йўловчилар кўп эмишу ҳаммалари ухлаб ётишганмиш. Этик сакраб вагон ичига кириб кетибди. Сабоҳатхон эшик тагида нима қиларини билмай рўмолини тишлаб тураверибди. Бир маҳал этик чиқибди. Сабоҳатхон унга ўзини отибди. Жон ҳолатда этикларни қучоқлаб олибди. Қараса, этикни ичи тўла эмиш. Бошини кўтарса, эри унга жилмаярмиш. «Сабо, келишимни қаердан билдинг. Тур, тур, ўрнингдан, мен ўлмаганман», дермиш. Сабоҳатхон тургиси келмай дам йиғлармиш, дам кулармиш... У кулиб туриб уйғониб кетди. Бағрида ҳўл бўлиб кетган болишдан қаддини кўтарди. Анчагача ўзига келолмади. Тонг отай деб қолган, уй ёзги саҳарнинг майин ёғдусига тўлган эди.

Сабоҳатхон худди томоша кўрган одамдай боши лўқиллаб турарди. Юзини муздай ариқ сувига ювди. Кўнгли равшан тортди. Ўзига ҳисоб бермаган ҳолда кийиниб кўчага чиқди. Икки қадам юрмасидан ёнига машина келиб тўхтади. Юнусали машинадан тушиб салом берди. «Истансага ўғитга кетяпман. Майда-чуйда керак бўлса, келтириб берай, опа» деди. Сабоҳатхон: «Йўқ, ўзим бормоқчи бўлиб туриб эдим. Яхши келиб қолдинг» деди.

Кунн билан истансада бўлди. Ниманидир кутди, нимагадир илҳақ кўз тикди. Аммо поездлар келиб тўхтар, одамлар келар, одамлар кетар, чархи фалак ўз ўқи атрофида айланар, елпинди турар, сўнар, фақат боқий оламдан кўз юмганлардан хабар олиб келмасди. У фақат фидойиларнинг муборак қабрлари қошида ёнган асрий чироғни елиб, силаб, сийпалаб, эркалаб ўтиб ер юзини айланарди...

Сабоҳатхон уйга ҳуши оғиб қайтди. Йигирма йил ичида бундайин ҳолатга биринчи тушиши, эридан биринчи марта бугунгина айрилгандай бўлиши эди. Назарида буни кўтаролмайдигандай туюлди. Ётиб қолди. Ўша куни клубни ҳам очолмади. Юрагига анча ваҳм тушди. Тошкентдаги шоир ўғлига хат ёзди: «Агар дунёнинг томи тешик бўлса, у ҳам беванинг устида тешик бўлади, ўғлим. Аянг сени кўргиси келяпти. Уч кунгинага келиб кет...» деб ёздию кейин бевалиги ҳақидаги аччиқ сўзларини ўқиб бўлмас қилиб ўчириб ташлади...

лак гаплари мендек ғўр қизни сеҳрлаб қўйганди-да!

«Қишлоғимиздаги мактаб директори катта тоғам бўлади. Келиб ўқитувчилик қил, деяпти, кўнмаяпман. Ўқитувчилик — қизларнинг иши. Тўғри эмасми?! Кичик тоғам — раис. Мени ичкуёв қилмоқчи эди, унамадим. Сиздек пари рухсор турганда, тоғамнинг қизига йўл бўлсин!»

Хизир гапираётгандек оғзига тикилиб қолардим. Кейин билсам, ўзи ўқитган қизларга шилқимлик қилгани учун ҳайдалган экан. Бир ой табелчилик ҳам қилиб кўрибди. Хирмонда маст папирос чекиб ётиб, пахтага ўт илаштириб юборибди. Шундан бери дайдиб, кўринган қизга қармоқ ташлаб юраркан. Ўша қармоққа мен илинган эканман.

У мени хўрлагани сари, Сизни ҳам хўрлагани алам қиларди менга! Сизнинг орзу-тилакларингизни хўрлади у бетовфиқ! Қизим беозор ўссин, улғайсин, чиройли бўлсин деб, гул ҳуснингиз андозасини, сочингизнинг қора бўёғини, қоматингиз сарвини менга бахш этдингиз. Оҳ, онажоним, буларнинг эвазига сизга нима беролдим?! Ҳеч нарса!

Гоҳо олдингизга бориб, оёқларингизга бош қўйиб, узр сўрай дейман-у, гуноҳларимни ўйлаб, яна ҳад қилолмай қоламан. Эҳтимол, сиз кечирарсиз, иссиқ бағрингизга оларсиз? Лекин кўздек яқин ҳамқишлоқларим илиқ-иссиқ муомалаларини мендан аямасмиканлар?! Эҳтимол, уларнинг қалбларида оғир из қолдирарман? Эсимда, дадамлар ўлганларида ўшалар бизга ҳамдард бўлишган. Қалбимиздан ғамни, кўзимиздан ёшни аритмагунча, ўзлари уйимиздан аримаганлар. Уларнинг қалбини ўзим нафратга тўлғаздим. Энди уни кетказиш қийин.

Кўчаларда жуфт-жуфт бўлиб юрган ёшларни кўрганимда уларни тўхтатиб:

— Бир-бирларингизнинг қалбларингизга кира олдингизми? Бир бирларингизни синадингизми? Бу юришдан оналарингиз хабардорми? Билиб қўйинг, она меҳрини оёқ ости қилганларнинг ўзи оёқ ости бўлади, дегим келади...»

# Лағмоннинг набираси

*олиб кетмоқчи бўлади. Бунинг учун хамирни йўғонроқ, бамисоли қаламдай қилиб чўздиради ва ҳар бир хамир чилвирнинг узилиб кетмаслиги учун ичига ингичка сим ўтказиб олади.*

*Сайёҳ 1295 йилда Венецияга қайтиб келганида қимматбаҳо Шарқ моллари орасида авайлаб асралган бир боййлам қуруқ лағмон ҳам бор эди. Уни сувда ивитиб, симларини суғуриб олишади.*

*Итальянлар ичи кавак қуруқ лағмонни «маккарони» — «қорилган хамир» дейишларида ҳам жон бор, чунки лағмоннинг хамири ҳам, макароннинг хамири ҳам узоқ қорилиб, иланиб қаттиқ ҳолга келтирилади. Итальянча макароннинг баъзи навлари хамирга тухум ва ёғ қўшиб тайёрланади, лағмоннинг хамирига ҳам тухум чақилади. Айниқса, ўзбекча кесма лағмонга албатта тухум қўшилади.*

*Одатда итальянлар макаронни узун калава қилиб ўралган хилини тайёрлайдилар ва пиширганда узмай пиширадилар. Лағмон ҳам узун чилвир қилиб чўзилади ва пиширишда узилиб кетмаслигига эътибор берилади. Хитойда лағмонни икки дона чўпга ўраб узмай ейиш санъат ҳисобланади. Италияда ҳам макаронни вилкага ўраб узмай ейиш — санъат.*

*Ўрта Осиё ва Хитойда лағмоннинг қайласини зиғир ёққа қовурилган пиёз, саримсоқ, гўшт, помидор, карам, турп билан тайёрлаб, юзига кашнич, райҳон, мурч ва сирка сепилади. Италияда ҳам макаронли таомларнинг сардегини зайтун ёғида қовурилган пиёз, саримсоқ, гўшт, помидор ёки лимон, қўзиқорин билан тайёрлаб, юзига петрушка, райҳон, лавр япроғи, сирка ва мурч сепишади.*

*Одатда лағмон хамири тузли сувда алоҳида пишириб олиниб совуқ сувда чайилади ёки бир-бирига ёпишмаслиги учун юзига ёғ суртилади. Сўнгра қайлага аралаштирилади. Итальянлар ҳам макаронни тузли сувда алоҳида пишириб олиб совуқ сувда чайишади ёки диркиллаб турсин учун юзига ёғ суртишади, шундан сўнг тайёрланган сардекка аралаштириб ейишади.*

*Мана шу ўхшашликлар ҳам макарон лағмоннинг невараси эканлигидан далолат бериб турибди.*

*Карим МАҲМУДОВ,*
*пазанда.*

Самарқанддан чиқиб, кенг асфальт билан аэропортга ёки Тошкент томонга юрилса, бир қисми қабристон бўлиб кетган паст-баланд адирлар кўзга ташланади. Баҳор мавсумида ям-яшил кўкатлар билан қопланган бу адирлар кўринишдан сувсиз баҳорикор ерлардан фарқ қилмайди. Бу адирлар ўз бағрида қадимги Суғдиёна пойтахти — Мароқанда харобалари — Афросиёбни сақлаб ётибди деб ким айтади?! Албатта, четдан келган киши буни тезда пайқаб олиши мушкул. Аммо бу тепаликлар оралаб пиёда юрилса борми, ондасонда кўкатлар орасида ётган турли рангдаги сирти сопол парчаларига, баъзан дўнгликларнинг нураган тупроғи орасидан кўриниб турган ниҳоятда нозик ранго-ранг шиша буюмларининг синиқларига, кўкариб, уннқиб кетган чақа-тангачаларга назари тушади. Одатда, бировлар диққатини камроқ тортадиган бу топилмалар археологлар учун шу жойнинг тарихини, унда яшаган аҳолининг касб-корини, маданиятини ўрганишда моддий манба бўлиб хизмат қилади. Шу жиҳатдан Афросиёб обидаси кўпдан бери олимлар диққатини ўзига тортиб келади.

XIX асрнинг охирларида рус олимларидан Н. И. Веселовский, В. В. Бартольд, В. Л. Вяткинлар Афросиёбга қизиқиб қарайдилар. Ҳатто В. Л. Вяткин Афросиёбни қазиб кўрган. 1913 йилда у деворларига турли расмлар чизилган қадимий бинони очишга муваффақ бўлади. Бу расмлар Ўрта Осиёда биринчи марта топилган қадимги тасвирий санъатнинг ноёб намунаси эди. Аммо у пайтларда деворларга чизилган қадимги расмларни тозалаш ва махсус кимёвий эритмалар ёрдамида мустаҳкамлаш усуллари ҳали ишлаб чиқилмаганлиги сабабли бу нодир тасвирий санъат намунасини сақлаб қолишнинг иложи бўлмаган.

# Асрлар садоси

Улуғ Ватан урушидан сўнг, совет тарихчиси археолог А. И. Тереножкин Афросиёбни оча бошлади. Бироқ бу — шаҳар тарихини ўрганишда илк қадам эди. Совет олимлари олдида Афросиёбда кенг кўламда археологик қазишмалар ўтказиш ва қадимги Суғдиёна давлатининг сиёсий, иқтисодий ва маданий маркази бўлган кўҳна пойтахт тарихини яратишдек шарафли вазифа турарди. Шу мақсадда Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тарих ва археология институти 1958 йилда марҳум профессор В. А. Шишкин бошчилигида махсус отряд белгилади.

Дастлабки режалар Афросиёбнинг тарихий топографиясини, ундаги қадимги биноларнинг тузилишини ва уларда яшаган аҳолининг хўжалигини аниқлашдан иборат эди. Бунинг учун 170 гектардан ошиқроқ майдон остида ётган Афросиёб харобаларини кавлаб, уларни тилга киритиш лозим эди. Режалар тузилган, мақсад аниқ. Афросиёбнинг бир қанча қисмида археологик қазишмалар бошлаб юборилган.

Текширишларнинг биринчи йилларидаёқ Афросиёб харобасида X—XII асрларга оид турар жойлар, ҳунармандчилик, жумладан кулолчилик корхоналарининг ўринлари, сопол идиш пиширилган кўралар қазиб очилди. Шаҳарга ўтказилган каналларнинг излари аниқланди.

Қадимги пойтахт тузилиши ҳам аста-секин ойдинлашиб бормоқда эди. Афросиёб харобаларининг шимоли-ғарбий қисмида Сиёб каналининг тик тушган қирғоғи бўйидаги дўнглик устида Суғдиёна подшолари ўрдаси — Арк харобалари жойлашган. Арк баланд пахса девор билан ўралган. Унинг ташқарисида IV—V, VI ва VIII—IX асрларда бирин-кетин қурилган уч қатор алоҳида-алоҳида деворлар ичида шаҳар жойлашган. Бу уч қатор деворлар Афросиёбнинг асрлар давомида муттасил кенгайиб борганидан далолат беради.

Шундай қилиб, Афросиёб харобаси аста-секин тилга кирмоқда эди.

...1965 йилнинг эрта баҳори. Кўпчилик археологларимиз одатдагидек ҳар йилги қазишмаларни давом эттириш учун сафар тараддудида. Ҳатто айрим отрядлар йўлга ҳам чиққан. 10 март куни пешин-кеч маҳали эди, институт дирекциясига «Афросиёбдан йўл ўтказиш учун катта техника ишлаяпти, тез келинглар» дейилган шошилинч телеграмма келиб қолди.

Шундан кейиноқ археологларимизнинг деярли ҳаммаси Самарқандга келишди. Афросиёбдан ўтказилмоқчи бўлган йўл трассасида кечагина ишлаб турган машина-механизмлар ўрнига, археологларнинг севимли қуроллари: чўтка, мўйчинак, пичоқ, теша, супурги, бел, кетмон ишга солинган.

Мана осмондек кўм-кўк деворда моҳир рассомнинг нозик қалами билан қора, қизил, сариқ рангда тортилган чизиқлар кўринди. Аммо кўзни қамаштирар даражадаги бу жилвадор чизиқлардан бирон нарсани аниқлаб бўлмайди. Бироқ деворга ёпишиб қолган тупроқларни тегишли археологик қуроллар ёрдамида эҳтиётлик билан туширилган сари, чизиқлар кўпайиб, уларнинг нималиги маълум бўлмоқда эди.

Нина билан қудуқ қазигандек, хонанинг ўн икки метрлик девори батамом очилди. Ундаги манзара энди барала кўриниб турарди...

Мовий осмон рангидаги деворга бахмал ва кимхоблар билан тўқимланган оқ филнинг расми солинган. Филнинг бўйнига қўнғироқ, тўқимларига попук осилган. Фил устига ўрнатилган тахтиравонда бир малика ўтирарди. Фил орқасига мингашган бир аёл малика бошига соявон тутиб кетмоқда. Маликани олтин эгар-жабдуқли қорабайир, тўриқ ва саман отларга минган уч отлиқ канизак кузатиб бормоқда. Сочини тўртта қилиб ўриб, иккитасини кўкрагидан олдига ташлаган, заррин либослар кийиб қимматбаҳо безаклар таққан, қадди-қомати келишган бу канизлар оёқларини отнинг бир ёнбошига тушириб чалиштириб кетмоқда. Аёллар намойишини бир ўркачли нор туялар минган бир кекса ва бири ёш икки эркак қўриқлаб бормоқда. Қуюқ қошли, серсоқол, соч қўйган бу эркаклар бошларини пешанабоғ билан танғиб олганлар. Уларнинг бири қанотли отларнинг сурати бор парча гуллик ҳарир кийими устидан оқ, иккинчиси қизил халат кийган. Қулоқларида олтин ҳалқа зирак, бўйинларида олтин медальон, қўлларида қимматбаҳо билакузук. Белларидаги олтин камарга зар қинли қилич тақилган. Ёнма-ён туяда кетаётган бу ёшу қари бир қўлида мўътабарлик ва ваколатликнинг рамзи — гурзи тутиб бормоқдалар. Уларнинг орқасида қилич таққан, от етаклаган пиёда бир киши ва тўртта оқ қуш кузатиб бораётган отлиқ аёлнинг расмлари чизилган. Буларнинг огиз ва бурунлари рўмолча билан боғланган. Деворнинг марказий қисмида суворийнинг расми бўлиб, у бошқа расмларга қараганда икки баравар катта ишланган. Уни бир қанча отлиқлар қуршови кузатиб бормоқда.

Хонанинг ғарбий деворида шоҳона либослар кийган ва қимматбаҳо тухфалар кўтарган кишиларнинг расмлари тасвирланган. Мана, бошига тож кийган кишининг қўлида бир шода марварид, унинг орқасидаги бошини танғиган эркак қўлида эса қути, учинчисида — олтин занжирли медальон. Уларнинг устки кийимлари ниҳоятда бой ва чиройли. Парча гуллик ипак матодан тикилган заррин кийимларида тумшуғида гулчамбар тишлаб кетаётган қирғовулларнинг, қанотли ит, арслон ва архарларнинг расмлари бор. Хуллас, расмлар шу қадар юксак маҳорат ва шу қадар нозик дид билан чизилганки, уларни ўша ҳолатда кўрган киши рўпарасида суратлар эмас, балки тирик одамлар ва жониворлар тургандек ҳис этади. Чунки расмдаги одамларнинг хатти-ҳаракати, отларнинг оёқ олишидан тортиб, йўл юравериб чарчоқдан лунжи осилиб кетган туяларнинг чўкавериб, қавариб, оқ ем бўлган тиззалари, уларга минган кишиларнинг юзларидаги ажинлари ва соч-соқолларининг ҳар бир толасигача жуда жонли, жозибали тасвирланган.

Қандайдир анъанани эслатадиган бу манзарадаги кишилар кимлар? Ё қадимги рассомнинг хаёлий мушоҳадасими? Балки халқ достонларида тасвирланган қаҳрамонлардир? Бу муаммо эди. Бироқ бу муаммолигича қолиб кетмади...

Девордаги расмлардан бирининг этагида ҳуснихат билан суғдча ёзилган ўн олти қатор хат чиқиб қолди. Бундай хатлар маликани кузатиб бораётган аёллардан бирининг қўлида ва қушларнинг қанотларида ҳам бор эди. Археологлар учун бу ноёб ва қимматбаҳо топилма эди. Афсуски, ўша маҳалда улар орасида бу қадимий ҳужжатни ўқий оладиган олим йўқ эди. Қадимги суғд ёзувини ўқиганн Ленинграддан В. А. Лившиц таклиф этилди...

Қадимги ҳужжатда нималар ёзилгани энди археологларга маълум: хатда «Чағанён*» подшоси Хун Самарқанд подшосига ўзининг садоқат ва хайрихоҳлигини изҳор этади. Шу билан бирга у суғд хати билан солиштириш учун чағанён хати намунасини ўз дабири (вазири) билан юбораётганини ёзади. Аёл қўлидаги хатда эса «маликанинг яқин кишиси» деб ёзилган эди. Бундан маълумки, девордаги расмларда Чағанёндан Самарқандга қимматбаҳо тухфалар билан чағанён маликасини кузатиб келаётган элчилар дабдабаси тасвирланган эди.

Бу ноёб расмлар бундан қарийб 1300 йил муқаддам чизилган эди. 712 йилда Самарқандга бостириб кирган Қутайба бошлиқ араблар девордаги одам суратларининг бўйинларига қилич тортиб, кўзларини ўйиб ташлаган эдилар.

Бу тарихий хароба сирларини очиш учун археологларимиз камарбаста бўлаётганлари ҳаммамизни хушнуд этмоқда.

А. Р. МУҲАММАДЖОНОВ, тарих фанлари кандидати.

* Чағанён — Сурхондарё водийсидаги қадимги подшолик номи. Подшолари Чағанхудот номи билан юритилган.






◎ *Тупроқдаги тарих*

◎ *Тилга кирган асрлар*

◎ *Энг қадимги кўча*

◎ *Сополдаги ёзув*

Самарқанддаги Бибихоним мадрасаси қадимий бинолардан бири. Темур ҳали ҳаёт эканида тикланган бу кўҳна ёдгорликдан бир оз четроқда ундан неча аср қарироқ улкан бир шаҳар тупроқ остида ётибди. Вайрона аждодларимиз ҳаётини, касб-корини, урф-одатини, санъат-маданиятини ўз бағрида сақлаб келди.

Бу маданий, гавжум шаҳар қачон ва нега вайрон этилди? Бу ҳодиса тарихий манбаларда қайд қилинган. XII асрда Мовароуннаҳрга мўғуллар бостириб кирганида бу гўзал шаҳар ер билан яксон этилган. Кўчалар, хиёбонлар, хонадонларда ҳаёт тўхтаган. Ҳаммаёқ ҳувиллаб қолган. Даврлар ўтиши билан шаҳар қум ва тупроқ тўзонлари остида кўмилиб кетган. Унинг «Афросиёб» номигина қолган..,

Ўтмишда бу ўлик шаҳарга ҳеч кимса қўл урмади. Бизнинг замонамизда совет олимлари бу қадимий шаҳарни очиб, бой тарихимизни тирилтиришга бел боғладилар. Ҳа, мана тарих тилга кирмоқда. Афросиёбнинг янги-янги сирлари очилмоқда.

Ленин номли Тошкент Давлат университетининг Ўрта Осиё археология кафедрасини яқинда битириб чиққан ёш олим Жамолиддин Мирзаҳмедов кўҳна шаҳарнинг янгидан қазилаётган жойида ишлаяпти. Биз унинг ишлари билан, янги топилмалари билан қизиқдик.

— Биз ҳозиргача олти уй, бир айвон, бир йўлак, шунингдек чоғроқ ҳовли саҳнини очдик,— дейди Жамолиддин.— Мана кўриб турибсиз: айланаси пахса девор, чамаси катта хонадон бўлса керак. Мана бу чизма нақшли катта уй меҳмонхона бўлса ажаб эмас. Уй деворлари ганч сувоқ қилинган, сўнгра деворга лента шаклида олдиндан тайёрланган ўйма, қуйма ва чизма ганч парчалари ёпиштирилган. Уйнинг шипи гумбаз шаклида бўлиб, у ҳам деворлар сингари ўйма нақшлар билан безатилган. Буни уй ичига қулаб тушган гумбаз қолдиқларидан биламиз. Бу хонага туташ бошқа икки хона деворлари нақшсиз оддий ганч сувоқ қилинган. Сомонсувоқ қилинган яна учта уй бор. Уларнинг поли, айвонига тўрт бурчак шаклдаги пишиқ ғишт ётқизилган. Уй деворлари ғишт ва пахсадан тикланган бўлиб, эшик ўринлари яхши сақланган. Ҳовли чеккасида икки ўра аниқланди, оғзининг катталиги 70—80 сантиметр, чуқурлиги 5—6 метрча. Улардан бири — ювинди, иккинчиси — ахлат тўкиш учун ўйилгани маълум бўлди. Бу ўраларга ер остига кўмилган сопол қувурлардан оқава келиб қуйилган. Шуниси ажабланарлики, бундан минг йиллар муқаддам тадбирли аждодларимиз кўмган қувурлар бутун турибди. (Иккинчи расм).

Ўша давр кўчасига ҳам дуч келдик. Сиз кўриб турган биринчи расмда харсанг тошлар ётқизилган кўча тасвирланган.

Қазилма пайтида уйдан сирли, сирсиз сопол идишлар, чунончи, коса, ликопча, товоқ, лаган синиқлари топилди. Идиш парчаларида яхши истак, яхши ният ва орзуларни ифодаловчи «барака», «бахт», «соғлиқ» каби сўзлар ёзилган. Бу сўзлар идиш ичига тўқ сариқ, қизил ва оқ рангларда битилган.

Шунингдек, темир ўқ-ёй, X ва XI аср бошларига оид мис чақалар, рангдор нафис шиша идишларнинг синиқлари ва бошқа ашёлар топилди. Булардан маълум бўлишича, XI аср бошларида ҳам Афросиёбда ҳаёт қисман давом этган.

Уй деворларидаги ўйма наққошлик безагида Самарқанд кишмиши тасвирланган. Ток занги ҳам, барги ҳам зўр маҳорат билан чизилган. Булардан ташқари, наққош ҳар хил ҳандасавий шакллардан, ўсимлик намуналаридан ҳам кенг фойдаланган. (Пастдаги, учинчи расм).

Бундан минг йиллар муқаддам истеъдодли усталар яратган наққошлик, меъморлик намуналари нақадар бой, жозибали эканлиги кўриниб турибди.

Маълумки, VI—III асрларга оид ўйма ганч нақшлар кўҳна Бухоронинг Варахша деган жойидан топилди. XI—XII асрларга оид ўйма нақшлар Ўрта Осиёнинг бир неча еридан, шунингдек Афросиёбдан топилди. Аммо X асрга оид ўйма, қуйма, чизма услубдаги нақш намуналари ҳанузгача ҳеч жойда, ҳатто, қўшни Шарқ мамлакатларида ҳам топилмаган эди. Шунинг учун биз топган тарихий ёдгорлик ҳозирча ягона намунадир.

Шамол гувуллайди, чанг-қум тўзонларини учириб, кўҳна уйлар деворига уради. Ҳазин овоз, сирли шарпалар эшитилгандай, минг йиллик обидалар аёзли шамол хуружидан безовталанаётгандай.

Йўқ, қум-чанг қачонлардир маданиятимиз ўчоғи бўлган Афросиёбни энди кўмиб юборолмайди.

**И. АҲРОРОВ.**

Тарих фанлари кандидати.





И. Жабборов
тарих фанлари кандидати.

# Одат ва ахлоқ

Инсон ҳаётида одат ва анъаналар ниҳоятда катта ўринни эгаллайди. Гениал доҳиймиз В. И. Ленин эски жамиятнинг анъаналари унинг иқтисодий ва синфий асоси тугатилган тақдирда ҳам реакцион моҳиятини йўқотмаслигини қайд қилиб, «миллионлар ва ўн миллионлар одатининг кучи энг даҳшатли кучдир», деб таъкидлаган эди.

Маҳаллий аҳоли бир қисмининг онгида яшаб келаётган анъаналар, урф-одатлар ва диний онгни анализ қилиш шуни кўрсатадики, исломгача бўлган эътиқодларнинг ниҳоятда хилма-хил комплекси — антик Ўрта Осиёда ҳукмронлик қилган зороастризм ёки ўтга сиғиниш ҳамда бир қанча ибтидоий тасаввурларнинг (анимизм, сеҳрларга ишониш, аждодларга ва табиатга сиғиниш, муқаддас кишилар ва уларнинг қабрларига сиғиниш, жин-париларга, жодуга ишониш ва шу сингариларнинг) қолдиқлари ортодоксал ислом билан мураккаб тарзда қоришиб кетганлиги натижасида ўзига хос синкретик, яъни аралаш дин вужудга келган.

Асрлар давомида ислом дини ҳукмрон идеология бўлиб келганлиги туфайли у ўзбек халқи турмушининг барча томонларига чуқур сингиб, бошқа диний эътиқодлар билан аралашиб, халқимизнинг ижобий урф-одатларига, миллий психологиясига ҳам чулғаниб олган. Айрим ажойиб анъаналар эса бутунлай диний тусга кириб кетган. Бундай ҳолат, ниҳоят, кишининг хулқ-атворини белгиловчи одоб, ахлоқ нормаларида ўз ифодасини топган.

Ахлоқ масаласи ислом динида ҳам бошқа динлардаги сингари энг муҳим ўринни эгаллайди. Ҳозиргача руҳонийлар ислом динини энг ахлоқли дин деб ҳисоблайдилар. Улар аслида асрлар давомида шаклланиб келган халқ одати асосида пайдо бўлган одоб нормаларини ислом билан боғлаб, динни тарғиб қилишга ва уни халқ оммаси онгига сингдиришга интиладилар. Маълумки, ўғрилик, бевафолик, иккиюзламачилик, алдамчилик, виждонсизлик, бузуқчилик сингари мусулмонлар гуноҳ деб ҳисоблаб келган беадабликлар Қуръон пайдо бўлмасдан илгари ҳам мавжуд бўлган ва жамият томонидан қораланиб келинган. Аксинча, кишиларнинг ажойиб ахлоқий фазилатлари ислом дини, Оллоҳга эътиқод қилиш пайдо бўлмасдан илгари — жамият шаклланa бошлаган даврларданоқ пайдо бўлганлиги тарихий жиҳатдан исботлаб берилган.

Ислом дини ахлоқ принциплари эксплуататор синфларнинг манфаатига хизмат қилиб келганлиги туфайли социалистик тузум шароитида, синфсиз жамиятда янгича талқин қилина бошланди.

Мусулмон руҳонийлари ҳозирги замон муваффақиятларини ва ҳатто космосни забт этиш соҳасидаги ютуқларни ҳам ўзларича талқин қилмоқдалар. Улар, масалан, гўё олло-таоло ҳар бир ишга қодир ва ўз бандасига ғоят меҳрибон бўлиб, унга космик кема учиришга имкон ва ёрдам беради, бироқ инсон космосда ҳам курашчи эмас, балки фақат банда бўлиб қолади, у ерда одам «худодан қўрқиб, олло ёрдамига муҳтож бўлади», демоқдалар. Руҳонийларнинг фикрича, фан мусулмонлар таълимотини фақат тасдиқлаши ва чуқурлаштиришигина мумкин, лекин уни сира рад этмайди.

Шариат пешволари ахлоқликда намуна қилиб пайғамбарлар, авлиёларнинг ҳаётидан кўп афсоналар келтирадилар. Лекин авлиёларнинг таржимаи ҳоллари кўпинча бевафолик, номардлик билан тўла. Масалан, ахлоқли Иброҳим пайғамбар ўз жонини сақлаш ва бойиш мақсадида Мисрга борганда гўзал хотинини синглиси деб кўрсатиб, Фиръавн ҳарамига топшириб, шундай номардлик йўли билан бойлик орттирган. Исҳоқ пайғамбар ҳам ўз хотинини синглиси деб бозорга солган. Ҳазрати Довуд пайғамбар эса подшолик қилганда ўз лашкарбошисининг хотинини бузуқчиликка мажбур қилиб, унга уйланиш мақсадида эрини хавфли жангга юбориб қатл қилдиради. Сулаймон пайғамбарнинг 700 га яқин хотини, 300 дан ошиқ канизи бўлган.

Агар Қуръон ва бошқа диний китоблар кўп хотинликни тарғиб қилса, унда қандай қилиб вафодорлик, севги сингари ахлоқ нормалари ҳақида гап бўлиши мумкин. Ахир Муҳаммад пайғамбарнинг ўзи ҳам диний ривоятларга қараганда 11 та хотин олган. У ўзининг олтинчи хотини Ойшани асранди ўғлидан рашк этиб, ҳарамда туриш ва ёпиниб юришга мажбур қилган. Оддий ахлоқ нормаларини оёқ ости қилиб келган юзлаб хон ва султонлар, эшон ва муллаларнинг мозорлари муқаддаслик даражасига кўтарилган.

Ҳозир дин пешволари табиат, олам ва ҳаёт тўғрисидаги фанга мутлақо зид бўлган, фан ва техниканинг ютуқлари натижасида пучга чиқаётган Қуръон ақидаларига тил тегизмай, одоб масалаларига ўз диққатини жалб қилиб, гўёки бизнинг ахлоқ кодексимиздаги одиллик, виждонлилик, инсонпарварлилик сингари хусусиятлар Муҳаммад пайғамбар ва Қуръон томонидан берилган деб даъват қила бошладилар.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусулмонларининг диний назорати томонидан сўнгги йиллар ичида турмушда хотинларни ҳурмат қилиш зарур, суннат қилиш шарт эмас, жисмоний иш қилаётган кишиларга рўза тутиш енгилликлари ва бошқа ахлоқ масалаларига оид, аммо шариатга зид бир неча фатволарнинг чиқарилиши (ҳозиргача 15 дан ортиқ янги фатво чиқарилган) замона талабига мослашишнинг ёрқин далилидир.

Албатта, бундай тадбирлар мўминларнинг одобли бўлиши учун ўтказилмасдан, балки замон талабига мосланиб, ислом инқирозининг ва диндорлар сафининг камайиши олдини олишга қаратилгандир. Ҳеч қандай диний фатволар совет кишисининг турмушини ўзгартира олмайди ва яхшилай олмайди.

Ҳозирги замон дин арбоблари Коммунистик партиянинг асосий шиори ҳисобланган «Ҳамма нарса инсон учун, инсон бахт-саодати учун» деган сўзларни ҳам ўзича талқин қилиб, ислом ақидаларига мослаштирмоқдалар. Улар мўминлар охиратдаги абадий «ҳақиқий» бахтга эришиши учун бу дунёда яхши меҳнат қилишлари зарур деб ташвиқот юргизадилар. Яқинда мусулмон диний назоратининг йирик арбобларидан бири «мамлакатимизнинг мусулмонлари ислом дини асосида бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам мўминлар бахтли бўлиши керак, деган таълимотга биноан, турмуш фаровонлигини янада ошириш учун замонавий фан ва техникадан фойдаланадилар, шу билан бирга ўзларининг диний вазифаларини ҳам унутмайдилар» деб айтган эди. Албатта, бундай сўзларни эшитган диндор ёки шубҳаланувчи киши ислом бизнинг идеологиямизга, ахлоқимизга зид эмас, балки мос деган нотўғри тасаввурни ҳосил қилиши мумкин.

Маълумки, совет жамиятида кишиларнинг ғоялари ва тасаввурлари умуман социалистик воқеликка мос келади. Бизнинг ижтимоий онгимиз социалистик идеология бўлиб, диний эътиқод, фақат аҳолининг айрим қисмининг онгида сарқит сифатида сақланиб келмоқда. Ислом таълимотига амал қилувчи кишилар аслида бу «беш кунлик» фоний дунёда фаровонликка интилмаслик, тақдирга тан бериш, «худонинг берганига» шукр қилиш, сабр-тоқатли бўлиш зарур деган реакцион ғоялар билан суғорилгандирлар. Бундай тасаввурлар ижтимоий тараққиётимизга ғов бўлибгина қолмай, балки бу хил тасаввурдаги кишилар порлоқ келажагимиз — коммунизмнинг актив қурувчилари ҳам бўла олмайдилар. Чунки фоний дунёдан кечган киши ўзининг чинакам бахт-саодати, ажойиб келажаги учун жону дили билан курашмайди. Улуғ Умар Ҳайём:

Каъбаю бутхона қуллик хонаси,
Бутхона занги ҳам шум тaронаси,
Меҳробу калисо, тасбеҳу салиб —
Барчаси қулликнинг бир нишонаси,—

деб бежиз айтмаган.

Замонамиз ёрқинлигини яна ҳам равшан қилаётган, инсон мағрурлигини янада ошираётган, жаҳолатни тўзондай тўзитиб, маърифат нурини сочаётган қудратли куч — илм-фандир. Эндиликда инсоннинг одати ҳам, ҳаёти ҳам, равнақи ҳам, келажаги ҳам фан ва техниканинг ютуғи билан боғлиқдир.

Шунинг учун ҳам партия ва ҳукуматимиз совет кишисини ҳар томонлама билимдон, ҳар тарафлама камолотга етишган қилиб тарбиялашни ўзининг энг муҳим вазифаси деб билади.

## Дидли чойхўрлар

*Фарғоналик ном чиқарган Маҳамадамин чойхўр тошкентлик Маъруф чойхўрни синамоқ ниятида уникига атайлаб меҳмон бўлиб келибди. Мезбон қуюқ кутиб олиб, шийпонга таклиф этиб, қизчасига чой дамлашни буюрибди. Икки чойхўр ўтган-кетгандан анча чақ-чақлашишгач, чой келтирилибди.*

*Маъруф чойни роса маромига етказиб қайтаргач, меҳмонига илтифот билан тутибди. Маҳамадамин икки ҳўплагач, мезбон:*

*— Қалай, маъқулми?— деб сўрабди.*

*Меҳмон пиёладаги чойни оҳиста айлантириб:*

*— Зап чой бўлибдию лекин дамлаш олдидан чойнак совуқ сувга чайқалибди. Чойнак юқида қолган сув чойнинг таъмини сал бузиб турибди-да,— дебди.*

*Мезбон қизини чақиртириб сўраган экан, қизча чойни худди меҳмон айтгандек дамлаганини таърифлабди. Шундан кейин Маҳамадамин чойхўр Маъруф чойхўрни Фарғонага таклиф этибди.*

*Кундан-кун, ойдан-ой ўтиб Маъруф чойхўр фарғоналик дўстиникига меҳмон бўлиб борибди. Маҳамадамин чойхўр уни ниҳоятда хурсанд бўлиб кутиб олиб, у ҳам қизчасига чой дамлаб келишни буюрибди. Эски ошналар суҳбатга берилишиб кетишганда дастурхон кирибди. Маҳамадамин чойни тобига келтиргач, пиёлага қуйиб узатибди. Маъруф чойхўр бир-икки ҳўплагач, мезбон ўзини ғолиб ҳис қилиб, сўрабди.*

*— Зап қулинг ўргилсин чой дамлабдию бир лекини бор. Чойни дамлаётганда чойнакни ерга қўйган экан, чойнинг таъмини сал бузибди,— дебди Маъруф чойхўр.*

*Маҳамадамин қизини чақириб сўраган экан, худди Маъруф чойхўр айтганидек бўлиб чиқибди.*

*Икки чойхўр бир-бирларига маъноли жилмайиб қўйишибди.*

**Ҳабиб КАРИМОВ.**

## Кетч энд кетч нима?

**Ҳа, ҳақиқатан ҳам кэтч энд кэтч нима? Бу —ҳеч қандай қонун-қоидага бўйсунмайдиган ўзбилармон буржуа мамлакатларидаги спортнинг бир «тури».**

**Ўз рақиби билан беллашаётган полвон истаган усулини қўллаши мумкин. Ҳатто ғолиб чиқиш йўлида рақибининг ҳаётини ҳалокатга олиб боришига ҳам йўл қўйиб берилади. Демак, кэтч энд кэтч — чидаганга чиқарган деган гап.**

**Шу йил Чикагода бўлиб ўтган ана шундай ўзаро беллашувда кэтч бўйича Австралия чемпиони Парке рақиби Аляска чемпиони Аласканнинг қоқ қорнига қараб калла қўйди.**

**Мана, буржуа спортининг маънавий қиёфаси-ю, унинг тарбиявий «аҳамияти»!**

# Аския

Расул МУҲАММАДИЙ
филология фанлари кандидати

**Аския — ўзбек халқ оғзаки ижодининг энг оммавий турларидан бири. У ҳаётни ва меҳнатни, курашни ва интилишни, эстетика ва фалсафани акс эттирувчи халқ поэзиясидир. Аския инсон тафаккурининг ҳозиржавоблигини, ўткирлигини, донолигини билдиради. Унинг негизида сўз ўйинлари, қочириқлар, чандишлар, киноялар, муболағалар ётади. Аския фикрлаш мусобақасидан иборат сўз санъатидир.**

**Аския оддий нутқдан тезлиги ва жозибадорлиги билан фарқ қилади. Аскиячи мазмунга, воқеага, фактга бевосита оид бўлган фикрларни дарҳол топа олиш қобилиятига эга бўлиши шарт. Лутф билан гапириш, маънодор, ўйноқи, гўзал сўзларни ишлатиш аскияни оддий нутқдан фарқлаб туради.**

**Ҳозирча аския жанрининг ўттиздан ортиқ шакллари аниқланди. («Бўласизми?» «Ўхшатдим», «Гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз», «Қофия», «Лақиллатиш», «Киноя» ва бошқа кичик шакллари).**

**Пайров — изчил фикрлар оқими бўлиб, аскиянинг мукаммаллашган усулидир. У муайян бир мавзунинг маъносини бошдан-охиригача ечиб беради. Аскиячилар мавзудан четга чиқмайдилар. Ҳар икки томон бир-бирига ҳозиржавоблик қилганида фикрлар мазмуни биринникидан бириники устун келиши, яъни ривожланиши, охирида тўла ечилиши шарт.**

**Нашъа қилиб, эркин кулиш, ҳамма қувончли ҳодисалар каби, кишининг аъзойи-бадани учун, аввало, бош мия учун жуда фойдалидир. Одам кулганда юз мускуллари қисқариб, бошдаги томирлардан ўқтомир қони равон ҳаракатланади. Қон айланувчи томирларидаги кислород ва озиқ моддаларга бой бўлган қон ҳаракати эса ўзгармайди. Натижада қизил томирларда босим ошади, бош мия қон билан яхши таъминланади. Шунингдек, нафас олиш аъзолари фаоллашади, чунки кулги чуқур нафас олиш билан бошланади ва «ҳо, ҳо, ҳо»га нафас бўлиб-бўлиб чиқарилади.**

**Кўкрак қафасининг кенгайиши, худди насос сингари, бошда ишланган қонни тортади ва вена томирларида қон босимини камайтиради. Аксинча, нафас чиқарганда вена томирларида босим ортади. Кулги эса бу ўзгаришларни фаоллаштиради, қон оқимини яхшилайди, бошда қон босимини гоҳ ошириб туради, бошқачасига айтганда, мияни ўзича массаж қилади. Одамнинг маза қилиб кулгандан кейин енгил тортишига, руҳи тетиклашишига сабаб ҳам шу.**

**Кулгининг киши организмига таъсири ва фойдаси ҳақида кўп олимлар, врачлар, ишчилар, колхозчилар, раҳбар ходимлар билан суҳбатлашдик. Шунингдек, қон босими ортиқ, ошқозони бузуқ, асаблари чарчаган беморлар билан ҳам шу ҳақда гаплашдик. Қўқон, Наманган, Марғилон, Жиззах, Тошкентда бўлган бир неча аския пайтларида қаттиқ кулгиларда қатнашган юқоридаги каби шахсларга мурожаат этиб, уларнинг ҳолатларини, ҳисларини, фикр ва туйғуларини билишга қизиқдик. Тўпланган жуда кўп материаллар аския кулгисининг киши организмига фойдасини исботлайди.**

**Аския шинавандаларидан кўплари ҳазил-мутоиба қилиб: «Бир кулсам бир қоп семираман», «Бир ҳафталик кулги — бир йиллик умр», «Қаттиқ бир кулги саккизта тухумнинг ўрнини босади» деб юришади.**

## Гул пайров

СОЛИЖОН — Мана, мулла Иброҳимжон ҳам Тошкентдан Наманган боғига очилиб келдилар, энди бу кишини олиб қоламиз — **Гулсара** деб.

ХАЛИЛ АКА — Таги билан кўчириб келишганми дейман, ортларини **Картошкагул** қўйишипти.

ИБРОҲИМЖОН — Шу боққа ярашармиканман, мана бу **Тувак гуллар** ёнида турсам.

ХАЛИЛ АКА — Иброҳимжон, сиз биздан ҳам яхши гулсиз, ярим кечада ҳам **Гулнамозшомдай** очилиб тураверасиз.

ИБРОҲИМЖОН — Очилсам очилавераман-да, мана шу **Қатма-қат** гуллар ичида.

СОЛИЖОН — Сизни олиб келганлар **Яхшигул** деб мақташяпти, яна **Гулибеор** чиқиб қолманг!

ИБРОҲИМЖОН — Бизни унақа гул деманг, парвариш талабмиз, ёлчиб қоласиз, **Гултожихўрозмиз.**

МИРЗАХОН — **Гулбоғимизни** эҳтиёт қиламизда, яна гуллар орасидан **Хашакиси** чиқиб қолмасин деб.

ИБРОҲИМЖОН — Зеҳн солиб қарасам, сизлар ҳам ажойиб гуллар экансизлар, ҳаммалариngни йиғиштириб **Жамбўл** дейман?

РАСУЛЖОН — Шўхий домланинг боғда ловиллаб ўтиришини кўрганлар **Лолагул** дейишади-да!

ИБРОҲИМЖОН — Солижон аканинг гапдан қолмай ёпишиб ётишидан **Чирмовиқгулга** ўхшайди.

СОЛИЖОН — Иброҳим аканинг пастаккина бўйини кўриб қолганлар **Усмагул** дейишади-да.

МИРЗАХОН — Иброҳимжон бундан бирор ой илгари келганларида **Гулчечак** дер эдик.

СОЛИЖОН — Ҳозир келганлари ёмонми, гулчимиз хурсандлар-ку, **Бўтакўзим** келди деб.

ИБРОҲИМЖОН — Расулжон домла, яхшиям келганимиз, дилимиз очилди, мана бу **Қизил гуллар** ичида.

ИБРОҲИМЖОН — Шўхий домла, ҳалиги икки оғиз гапга хафа бўлдингизми, булар **Тикангул** экан деб.

МИРЗАХОН — Боғ хушбўй бўлиб кетди, мана бу **Атиргул** сочиб ўтирипти!

ШЎХИЙ — Йўғ-е, биз унақа демаймиз, гулларнинг **Садасига!**

МИРЗАХОН — Иброҳимжон, мақтовингиз оламга тарқалди, ҳақиқатан ҳам **Гулиҳиром** экансиз.

ИБРОҲИМ — Нима десаларинг дейсизлар-да, **Ғуппа гуллар** ичида қолдим-у!

СОЛИЖОН — Ҳалигидай яйраб-яшнаб очилаверинг: **Қирқ оғайнилар** орасидасиз.

Рақамларни тераман-да, қулоқ соламан. Шу топда мухбиримизнинг овозини эшитишим, уни туғилган куни билан табриклашим керак.

— Алло, салом, дўстигинам! Австралиянгизда ҳозир об-ҳаво қанақа?..

— Бу Австралия эмас,— деди кимдир,— бу — Танзания.

Узр сўрайман-да, телефон лаппагини қайтадан айлантира бошлайман: шаҳарлараро станция номери «2», яна ўнта рақам.

— Сиз рақамларни нотўғри теряпсиз: «2»,— бу Африка, Австралия билан Океаниянинг бош рақами «6»,— дейди менга алоқа ишлари бўйича совет координациялаш кенгаши раисининг ўринбосари Анатолий Пухальский.

Женевада Халқаро электр алоқаси союзи юз йилдан кўпроқ вақтдан бери иш кўриб келяпти. У ўз олдига қўйган вазифалардан бири — телеграф, телефон ва радиони ривожлантириш соҳасида миллатлар ишини мувофиқлаштиради, бирлаштиради. Мана, союзнинг маслаҳат комитети бир неча йилдан бери жаҳон автоматик телефон тармоғини вужудга келтириш планини ишламоқда.

Юзаки қараганда, бу нарса жўнга ўхшайди: ишлаб турган телефонларни бирлаштирса — бас. Аммо чуқурроқ қараганда, бу ҳам анча мураккаб нарса. Ҳар мамлакатнинг телефонлари ҳар хил, буларнинг ҳаммасини бир-бирига уйғунлаштириб чиқиш керак, айрим мамлакатларда эса ҳозирги даражадаги телефон тармоқлари яратилмаган ҳам ва ҳоказо.

Ҳозир жаҳон телефон тармоғининг лойиҳаси тайёр деса бўлади. Маслаҳат комитети союз иштирокчилари бўлган мамлакатларга ўз тавсияларини берган. Комитетнинг жуда кўп мажлисларида қатнашган Пухальский менинг олдимга турли чизмаларни, жадвалларни ёзиб, кўрсатди:

— Ер юзининг телефон тармоғи мана бунақа бўлади. Жаҳон тўққиз минтақага бўлинган, ҳар бирининг ўз номери бор: «1» — Шимолий Америка қитъаси, «2» — Африка, «3» ва «4» — Европа, «5» — Жанубий Америка, «6» — Австралия ва Океания, «8» ва «9» — Осиё. Совет Иттифоқининг алоҳида номери бор — «7». Бошқа мамлакатлар икки ёки уч рақамли номер олганлар. Масалан, Венгрия «36», Югославия «38», ГДР «37», Исландия «354». Ҳаммаси бўлиб ўн битта рақамни териш керак бўлади. Ўн иккинчиси йўқ, тўғрироғи, биринчиси — шаҳарлараро станцияга уланадиган рақам бўлади.

Шуни эслатиш керакки, СССРда ягона автомат алоқа тармоғи ишлай бошлаганида тўққиз рақамли телефонларга эга бўламиз.

Хўш, жаҳон тармоғи ташкил этилганда техника қандай жойлаштирилади? Қитъалараро йирик телефон марказлари қуриш кўзда тутилмоқда. Бундай марказлар маълум қитъага ёки бир гуруҳ мамлакатларга хизмат қилади. Америка қитъасидаги «СТ-1» телефон маркази Нью-Йоркда ўрнатилади. Осиёники — Сидней, Токио, Сингапурда ҳамда Ҳиндистон оролида (қайси шаҳардалиги ҳозирча аниқ эмас) жойлашади. Европа минтақасида иккита «СТ-1» бўлиб, Москва билан Лондонда қурилади. Барча халқаро «коммутаторлар» ўзаро боғланади. Алоҳида мамлакатларда «СТ-2» станциялари ўрнатилади. Телефон алоқаларида Ер сунъий йўлдошларидан ҳам фойдаланиш кўзда тутилмоқда.

Маслаҳат комитети телефонларнинг аниқ ва ишончли уланишини таъминлашда муҳим хизмат қиладиган сигнализация ускуналарини ишлашни давом эттирмоқда. Агар шу сигнал салгина ножўя ишласа, телефон Европа ўрнига, Жанубий Америкага уланиб қолиши мумкин.

Хўш, айтайлик, Саратовда туриб Американинг Филадельфияси билан боғланишга қанча вақт кетаркан?

Буни қарангки, нари борса 30 секундда уланиши мумкин экан.

Хўш, жаҳон автоматик телефонлари қачон ишга туширилади? Айрим мамлакатлар ўртасида жаҳон автоматик алоқа яқин йиллар ичидаёқ очилади.

А. ШЛИЕНКОВ.

(«Неделя»дан)






Боботоғ Оқкамар ғоридан шундай кўринади.

А. Губенко фотоси.

*«АРУСИ ФАРҒОНА»— БУНДАЙ ЧИРОЙЛИ НОМ БИЛАН АТАЛАЁТГАН БУ АСАРНИ ЎҚУВЧИЛАРИМИЗ ДАВРИМИЗНИНГ БИРОР АДИБИ ЁЗГАН ҲОЗИРГИ ЗАМОН ФАРҒОНА КЕЛИНИ ҲАҚИДАГИ ҚИССА ДЕБ ЎЙЛАШЛАРИ МУМКИН. ЛЕКИН БУНДАЙ ЭМАС. БУ ФАРҒОНА КЕЛИНИ БУНДАН 1130 ЙИЛ ИЛГАРИ ЯШАГАН, ЎЗ ҲУСНИ-ЖАМОЛИ БИЛАН ЎНЛАБ ҚАҲРАМОН ЙИГИТ ВА САРКАРДАЛАРНИ ШАЙДО ҚИЛГАН БИР ГЎЗАЛДИР. БУ СОҲИБЖАМОЛ ҲАҚИДА ШУНДАЙ НОМ БИЛАН РОМАН ЁЗГАН АДИБ ЭСА МАШҲУР АРАБ ЁЗУВЧИСИ ЖУРЖИЙ ЗАЙДОНДИР.*

*ЗАЙДОН 1861 ЙИЛДА БАЙРУЖДА КАМБАҒАЛ НАСОРИЙ ОИЛАСИДА ТУҒИЛАДИ ВА 1914 ЙИЛИ ҚОҲИРАДА ВАФОТ ЭТАДИ. У АРАБ МАДАНИЯТИДА ЎЗИГА ХОС МАВҚЕГА ЭГАДИР. ЗАЙДОН ТИЛ, АДАБИЁТ ВА ТАРИХ СОҲАСИДА БИР ҚАНЧА ЙИРИК ИЛМИЙ АСАРЛАР МУАЛЛИФИ БЎЛИШ БИЛАН БИР ҚАТОРДА АРАБ АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ РОМАН ЖАНРИНИ БИРИНЧИ БЎЛИБ БОШЛАБ БЕРГАН СИЙМОДИР. ЗАЙДОН ҚАЛАМИ БИЛАН 22 ТА ТАРИХИЙ РОМАН ЯРАТИЛДИ. ЗАЙДОН АСАРЛАРИ ЖУДА КЎП: ФОРСИЙ, ТУРКИЙ, ҲИНДИЙ, ОЗАРБАЙЖОН, ИНГЛИЗ, ФРАНЦУЗ ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМА ҚИЛИНГАН.*

*БИЗ БУ ЕРДА ТИЛГА ОЛАЁТГАНИМИЗ «ФАРҒОНА КЕЛИНИ» РОМАНИ ТАРИХИЙ ҚИССАЛАРНИНГ БИРИДИР.*

*АСАРДА ЁЗУВЧИ АББОСИЙЛАР ХАЛИФАЛИГИДА ФАҚАТ АРАБЛАР ВА ЭРОНЛИКЛАР ЭМАС, БАЛКИ ЎРТА ОСИЁ ТУРКЛАРИНИНГ ҲАМ ҲОКИМИЯТНИ БОШҚАРИШДА МУҲИМ ЎРИН ТУТА БОШЛАГАНИНИ ТАС-*



Жанубий Майдонтол водийси. Серкалисой кўпириб оқяпти.



Чатқол. Қирқ метрли шаршара.
О. Охотников фотолари.

# табиат оламида

## „ФАРҒОНА КЕЛИНИ"



ВИРЛАБ БЕРАДИ. ҚИССАДА ИШТИРОК ЭТГАН ҚАҲРАМОНЛАРНИНГ ДЕЯРЛИ ҲАММАСИ ТАРИХИЙ ШАХСЛАРДИР. ВОҚЕА ҲИЖРИЙ 221—226 (МИЛОДИЙ 835—840) ЙИЛЛАРДА БЎЛИБ ЎТАДИ.

АРАБЛАРНИНГ ҲУЖУМИДАН ЎЗ ДИНИ ВА МАДАНИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ УЧУН ЭРОНДАН ФАРҒОНАГА ҚОЧИБ КЕЛГАН ВА БУ ЕРДА МОЛ-МУЛҚ ОРТТИРИБ, ОБРЎ ҚОЗОНГАН ТАҲМОЗ НОМЛИ КИШИНИНГ ЖАҲОН ИСМЛИ ҚИЗИ БЎЛГАН, ҚИЗНИНГ ОНАСИ ЭСА КАВКАЗЛИК ЭДИ. ИККИ МАМЛАКАТ НАМОЕНДАСИДАН ДУНЕГА КЕЛГАН ЖАҲОН НИҲОЯТ КЕЛИШГАН, ҲУСНДОР, ЖОЗИБАЛИ, ЎТКИР АҚЛ ВА МУСТАҲКАМ ИРОДА ЭГАСИ БЎЛГАН ТАДБИРКОР БИР ҚИЗ ЭДИ. У ОВ ҚИЛИШНИ, ЧАВАНДОЗЛИКНИ ХУШ КЎРАР, КЎП ВАҚТИНИ ОВДА ЎТКАЗАРДИ. УНИ ФАРҒОНАЛИКЛАР СЕВИБ, ҲУРМАТЛАБ ФАРҒОНА КЕЛИНИ ДЕБ АТАШАРДИ. ЖАҲОН ЁШЛИГИДАЁҚ ОНАДАН ЖУДО БЎЛАДИ.

ЖАҲОНЛАР САРОЙИДА ТАРБИЯ ТОПГАН ЧАВАНДОЗ, БАҲОДИР, ОЛИЖАНОБ БИР ҚАҲРАМОН ЙИГИТ БОР. УНИНГ ИСМИ ЗИРҒОМ (ЯЪНИ ШЕР) ЭДИ. У ЎЗИНИНГ ШИЖОАТИ, ҲУСН-ЖАМОЛИ ВА ХУЛҚ-АТВОРИ БИЛАН ТАҲМОЗГА ЁҚИБ ҚОЛАДИ ВА ТАҲМОЗ УНИ ЎЗИГА САФДОШ ҚИЛИБ ОЛАДИ. ХАЛИФА МУЪЖАСИМ ЎЗ ҚЎШИНИ УЧУН ФАРҒОНАЛИКЛАРДАН АСҚАР ТАЛАБ ҚИЛГАНДА, ЗИРҒОМ ИХТИЁРИЙ РАВИШДА ХАТГА ЁЗИЛИБ БАҒДОДГА КЕТАДИ ВА ХАЛИФАНИНГ ҚОРОВУЛБОШИ ЛАВОЗИМИДА ИШЛАЙДИ. АНА ШУ ЙИГИТ БИЛАН ЖАҲОН ЎРТАСИДА МАҲФИЙ МУҲАББАТ ПАЙДО БЎЛГАН ЭДИ. ҚИЗ ЎЗ МУҲАББАТИНИ НИҲОЯТДА СИР ТУТАРДИ. ҚАНДАЙ ҚИЛИБ У ЗИРҒОМГА ОШКОРА МУҲАББАТ ИЗҲОР ЭТА ОЛСИН? ЎЗИ ҲОКИМ ҚИЗИ ЭМАСМИ, ЗИРҒОМ ЭСА ҚУЛ.

ЗИРҒОМ БАҒДОДДАН ҚАЙТИБ КЕЛАДИ. ТАҲМОЗ БИЛАН УНИНГ ЎРТАСИДА УЗОҚ СУҲБАТ ДАВОМ ЭТАДИ. ЖАҲОН ҲАМ ҚАТНАШАДИ. СУҲБАТ ДАВОМИДА ЗИРҒОМ УЛАРГА ХАЛИФАЛИКДА ТУРКЛАР, АЙНИҚСА ФАРҒОНАЛИКЛАРНИНГ КЎПАЙИБ БОРАЕТГАНИ, АСКАРЛАРНИНГ КЎПЧИЛИГИ ШУЛАРДАН ЭКАНИНИ АЙТАДИ. ХАЛИФА МУЪЖАСИМ ЎЗ АСҚАРЛАРИГА БАҒДОДЛИК ҚИЗЛАРГА УЙЛАНИШНИ МАН ҚИЛДИ. ТУРКИСТОНДАН ЧЎРИЛАР КЕЛТИРИШ УЧУН ЭЛЧИ ЮБОРДИ, ШУЛАР ҚАТОРИДА МЕН ҲАМ КЕЛДИМ, ДЕДИ ЗИРҒОМ. ЖАҲОН БИЛАН ЗИРҒОМ АЛОҲИДА ВАЪДАЛАШГАН ЖОЙДА УЧРАШАДИЛАР. ЛЕКИН БУ УЧРАШУВ УЗОҚҚА БОРМАЙДИ, ЗИРҒОМ ЯНА БАҒДОДГА КЕТИШИ КЕРАК ЭДИ. ЖАҲОННИНГ ОТАСИ ОЛАМДАН ЎТАДИ. У ЎҒЛИ СОМОННИ МЕРОСДАН МАҲРУМ ЭТГАН ЭДИ. ШУНИНГ УЧУН СОМОН ЖАҲОНДАН ЎЧ ОЛИШ НИЯТИДА ЮРАРДИ. ЗИРҒОМ ОРҚАСИДАН САФАРГА ЧИҚҚАН ЖАҲОНГА БОШ БЎЛИБ У ҲАМ ЙЎЛГА ЧИҚДИ. ЙЎЛДА ҚЎЗҒОЛОНЧИ БОБАК БИЛАН ТИЛ БИРИКТИРИБ, СИНГЛИСИНИ БОБАК ОДАМЛАРИ ҚЎЛИГА АСИР ҚИЛИБ ТОПШИРАДИ.

# Темур тузуклари

*Форсидан Алихон Соғуний таржимаси*

Еттинчи юз йил бошида келган Олжайту Султон бинни Оргунхон — бунинг лақаби Султон Муҳаммад Худойбанда эди. Биродари Ғозонхондин сўнгра салтанат тахтиға ўлтурди. Бир куни ул англамиш эдиким, «шу кунларда дин ишлари шу қадар бўшашмишдир, номоз ўтаган мусулмонлар эрса, ташаҳҳуддан сўнгра Муҳаммадга, олимуҳаммадга саловат айтмайдилар». Бу сўзни эшитгач, ўзи туриб Султония жомиига келиб, буюрди. Бутун Ислом уламолари у жойда ҳозир бўлдилар. Сўнгра Султон «номозда пайғамбарга саловат айтиш ҳукми нимадир?» деб, уламолардан сўради. Улар айтдиларким, «пайғамбарга саловат айтишни оллотоолло номозда буюрмишдир. Агар номозда саловат айтмасалар шофии мазҳабида номози бузилур. Ҳанафи Имом Аъзам қошида номози макруҳ бўлур» дедилар. Онда Султон сўради. «Бошқа пайғамбарларға саловат айтқанда неға уларнинг оли-авлодини қўшмайдилар? Бизнинг пайғамбаримизға саловат айтқанда «олимуҳаммад» деб қўшадилар?» Бутун уламолар бунинг жавобидин ожиз қолдилар. Анда Султон айтди: «Бу тўғрида меним кўнглима икки нарса келур. Биринчиси шулки, душманлар пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳсаломни абтар (ўғилсиз) дедилар. Тангри абтарликни аларға ташлади. Дунёдин насллари узилиб, алардин ҳеч киши қолмади. Қолса ҳам ном-нишонсиз бўлиб, уларни киши танимади. Аммо пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳсалом авлоди эрса шу қадар ўсмишдирким, уларнинг сонларини оллодин ўзга ҳеч ким билмайди. Иккинчиси шулки, ўтган пайғамбарларнинг динлари ўзгариш устида бўлиб, доимий эмас эди. Чунки ҳар пайғамбар ўз замонларига лойиқлаб дин келтирар эдилар. Аммо Ислом дини эрса ўзгаришдан омон бўлиб, қиёматгача шу йўлда сақланур. Бундай бўлгач Муҳаммад умматларига лозим: қачон пайғамбаримизга саловат айтсалар, унинг оли-авлодларини қўшиб айтгайлар, чунки ҳаммаға маълумдир, Ислом динини сақловчи, Қуръон, ҳадисга маъни айтқувчи улуғ уламолар расулилло авлодларидирлар. Пайғамбарлар илмига эга бўлғон кишилар кўпинча шулардир. Мусулмонлар дин илмларини, имони Исломнинг фарз-вожибларини шулардин ўрганадилар. Дин ишларида шуларга эргашиб, уларнинг ҳурматларини ўзларига лозим биладилар» деди. Қачон Султон сўзи шу жойга етди эрса, масжид тўла турган уламолар ва бошқалар бирданига гулдирашиб, пайғамбарга ва олипайғамбарга саловат ўқидилар. Анда Султон айтди: «Пайғамбаримизнинг энг олдинги оли-ҳазрати Алидир. Энг сўнгиси — Имом Маҳди Охирзамондир. Ҳақиқатда эса, Ислом мулки — Муҳаммад алайҳсалом мулкидир. Бундай бўлгач, унинг авлодин изнсиз унинг мулкига қўл урмаслигимиз керак. Агар ўзимизча иш қилсак зўрлиқ қилған бўлурмиз» деди. Сўнгра буюрдиким, аҳли байт номиға хутба ўқиб, алар отиға ақча чиқарсинлар. Шуни кўргач, уламолар ҳам «Олжайту Султон дини шариатга шу юзнинг ривож бергувчиси» деб фатво ёздилар.

Энди саккизинчи юз бошида чиққан дин янгиловчи Амир Соҳибқирондирким, атрофи олам шаҳарларда дини шариатга ривож берди. Авлод расулиллони ҳурматлаб, уламоларни иззатлади. Шуларнинг маслаҳати, изни билан анинг мулкидаги ишларни бажарди».

Уламолар раиси Мирсаид Шариф ёзган шу хат менга етгач, тангрига шукр айтиб, Муҳаммадга, оли Муҳаммадга саловат ўқиб, оллоға ёлвордим. Шундоқким, менга тавфиқ бериб дин янгиловчи, Ислом шариатига ривож берувчиларнинг қилғай.

Сўнгра бу хатни олиб, пирим Абу Бакр Тойбодий олдиға юбордим. Хат четига шу сўзларни ёзиб қайтармиш эди:

«Дин ва шариатга ривож берувчи Темур Соҳибқиронга маълум бўлсинким, бу иш эрса қутби салтанатга олло томонидан берилган энг улуғ неъматдир. Дин янгилаш, шариатга ривож бериш тавфиқини тангри санга бағишламишдир, яхшилигинг қанча оширсанг сенга ҳам шунча оширадирлар».

Пиримга юборган шу мактуб, унинг хати билан зийнатланиб менга етгач, расулилло авлоди — саидларнинг ҳурматларини ошириб, Ислом олимларининг даражаларини кўтардим. Шариат ривожига илгаригидан ҳам кўпроқ киришдим. Бу мактуб мазмунини менинг воқеаларим тўпланғон тарих дафтарида ёзишга буюрдим.

Дин ва шариат тузугини қилиб бўлғонимдин сўнгра ўз салтанатим ишхонасини тузишга киришдим. Салтанат ва давлат мартабаларини тўра-тузукка солиб чиниқтирдим.

## III. Салтанат ўринларини сақлаш тузуклари

**Б**ИРИНЧИ шулки, ўз салтанатимни Ислом дини узра қуриб, шариати Муҳаммади билан уни қаттиқ боғладим. Салтанат, давлат ўринларини тўра-тузукка солиб, шундайин сақладимки, меним салтанатимга зиён етказиш ҳеч кимнинг ўйига ҳам келмас бўлди.

ИККИНЧИ, бутун сипоҳу раиятларни уманичқўрқинч ўртасида тутдим. Дўст-душман билан келишув йўлини тутиб, қилмишларини кечирдим. Ўзим эшитиб турган бўлсамдағи аларнинг ёмон сўзларини уқмасликқа солиб ўткуздим. Дўст-душмандин ҳар ким менга сиғиниб келар экан, дўстларни шундайин ўринда сақладим, улар кундан-кунга дўстлиқларини оширдилар. Душманларга яхши муомалада бўлғонлигимдан душманлигини дўстликқа алмаштирдилар. Меним устимда қайси тўғрилуқ бўлмасин ҳар кимнинг ҳаққи бўлур экан, унинг ҳаққини ҳеч вақт унутмадим. Илгарикейин ким билан танишган бўлсам уни назардан ташламадим. Давлат қуёшим янгидан туғиб келаётқанида менга қўшилғон яхши-ёмон кишилар, хоҳ яхшилиқ, хоҳ ёмонлиқ қилғон бўлсалар ҳам, салтанат тахтига ўлтурғонимдан сўнгра алар қилғон яхшиликларини кўриб шарманда бўлдилар. Қанча кўп менга қилғон ёмонлиқларини қилмагондай кўриб, гуноҳ дафтари устига афв қаламини тортдим.

УЧИНЧИ, ҳеч кимдин ўч олишни ўйламадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлиқ қилувчиларни тангрига топширдим. Иш кўрган, синовдин ўтган баҳодир кишиларни сақладим. Ақллик олимлар, фазлли саидлар, ҳимматли аслзода кишиларни ўзимга йўл бердим. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ ақлсизларни мажлисимдин ҳайдадим.

ТУРТИНЧИ, очиқ юзлук, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Мумкин қадар жабр-зулмдин ўзимни асрадим. Шу чоғда пирим менга бу хатни ёзди:

«Олло ёрдами етган нусратли Темурга маълум бўлғайки, салтанат ишхонаси — тангри ишхонасининг нусхасидиркм, унда ишчилар, иш бошқарувчилар, тўсқовуллар, иш текширувчилар, ноиблар бордир. Ҳар бири ўз ўрнида ўз ишлари билан машғулланадилар. Ҳеч бировлари ўз мартабаларидан ўтмайдилар. Доим олло амрини кутиб турадилар. Энди сенга ҳам соқлиқ-сергаклиқ кераkким, вазирлар, қўмондонлар, амалдорлар, лашкарлар — буларнинг ҳар бири ўз мартабаларида туриб, сенинг буйруғингни кутиб тўхтағайлар. Ҳар тоифа, ҳар қавмни ўз мартабаларида тутқил. Шундай қилдинг эрса салтанатинг тартибга тушиб, давлат интизомға киргай. Агар ҳар нарсани, ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундин кўп зиёнлар еткай. Бундай бўлгач, ҳар кимнинг даражасини билиб, ҳар нарсанинг ўлчовини олиб, шунга яраша иш қилишинг лозимдир. Муҳаммад авлодининг мартабаларини бошқаларникидан юқори кўтариб, уларнинг ҳурматини оширғил. Булар ҳаққида ҳар қанча яхшилиқ қилдинг эрса, уни исроф деб ўйлама, чунки ҳар иш худо учун бўлса, унда исрофлик йўқдир. Ўн икки тоифа билан давлатингга зийнат бериб, шулар билан салтанатингни қурғил. Вассалом».

Қачон бу мактуб пиримдин келди эрса, ундаги буюрилган нарсаларни амалга ошириб, барини бажардим. Салтанатим мартабаларини тартиб-интизомға солдим. Салтанат ишларимни бутунлай тўра-тузукка боғлаб, ўн икки тоифа билан ани чинғитдим. Бу ўн икки тоифани давлат корхонасининг ўн икки ойи, салтанат фалакининг ўн икки буржи ҳисобладим.

Биринчи тоифа — саидлар, уламо, машойихлар, фазллик яхши кишиларни ўзимга йўл бердим. Булар меним давлат саройимга доим келди-кетди қилишиб, мажлисимни безаб туришар эди. Диний, ҳукмий, ақлий масъалалардан ўртага солишиб, текширишар эди. Дин ишларини, ҳалол-ҳаром масъалаларини мен шулардин сўрар эдим.

Иккинчи тоифа — ақллик донишмандлар, кенгашга ярарлик доно кишилар, сергак-сезгак иш кўрган сипоҳлар, ортини ўйлаб, олисни кўрган ёши улуғ кишилар — буларни эрса ўзимнинг хос мажлисимга йўл бериб, сўзларидин, ишларидин тажрибалар олур эдим.

Учинчи тоифа — художўй, худогўй, тарки дунё кишилардир. Буларнинг ҳурматларини кўп сақлар эдим. Кўнглимдаги мақсадимни айтиб, хилватда бу тоифалардин дуо тилар эдим. Мажлисларда, маърака майдонларида буларнинг муборак нафасларидан кўп баракатлар топдим, уруш кунларида сиқилган чоғларимда булардан зафарлар кўрдим. Шундоқки, Тўхтамишхон урушида ғаним лашкарининг кўплигидан маним аскарим озлиги, очлигидан енгилаёздилар. Шу чоғда Мир Зиёвуддин Сабзаворий соҳиб дуо эди, бошини яланг қилди. Мен учун оллодан зафар тилаб, дуога қўл кўтарди. Дуоси тугамай туриб, дуо таъсири кўриниб, ёғини қочирдилар. Яна бир оралиқ, меним ҳарам саройимдан бирови қаттиқ оғриб, ўлим устига келди эрса, дуогўй саидлардин ўн икки киши йиғилишиб келдилар. Ҳар бири ўз умрларидан бир йилни унга бағишладилар. У соқайиб, яна ўн икки йил дунёда яшади.

Тўртинчи тоифа — нўёнлар, мингбошилар, қўмондонлар — буларга ўз мажлисимдан ўрин бериб, мартабаларини юқори кўтардим. Булар билан суҳбат ўтказдим, ҳар томондин сўзлар сўрар эдим. Маърака-майдонларда қиличлар чопқан, иш кўрган, синов ўтказган шижоатлик баҳодирларни бошқалардин ортиқроқ дўст тутар эрдим. Маърака майдонларига кириш-чиқишларни, тўп бузиб, саф синдиришларни, найза солиб, қилич чопқулашларни, бутун уруш-толаш ишларини шулардин сўрар эдим. Сипоҳгарчилик ишларида шуларга суяниб, шулар билан кенгашар эдим.

Бешинчи тоифа — сипоҳ ва раиятдурлар.

* Боши 2, 3, 4, 5-сонларда.

Буларни бир кўз билан қараб, бариларини бир текис кўрдим. Сипоҳлардан чиққан баҳодирлар, даловарларни ўтоға, беллик, таркашлар билан жолдулаб мартабаларини кўтардим. Ҳар эл ва ҳар мамлакатнинг улуғларини, бошлиқ-оқсоқолларини ҳурмат қилдим. Аларга жолдулар бериб фойдаландим. Сипоҳларни ҳар вақт кўз олдимда тайёр тутдим. Уларнинг ойлиқ вазифаларини сўраттирмай берар эдим.

Шундоқки, Рум юришида илгари-кейин бўлиб, етти йиллик озуқаларини сипоҳларга бирданига бердим. Сипоҳ ва раиятларни шундайин тутдимки, булардан бирови иккинчисига устунлик қилиб, қаттиқ гапиролмас эди. Чўнг-кичик даражали барча сипоҳларни ўз мартабаларида шундоқ сақладимки, ҳаддидан ташқари ҳеч қайсилари қадам қўёлмас эдилар. Буларнинг мартабаларини кўп юқори кўтариб, ҳовлиқтирмадим, кўп тушуриб юборib, кўнгиларини чўктирмадим. Қайси бирлари кўзга кўринарлик бирор хизматни бажарар экан, жолду-соврунлар бериб, уни бошқалардан айримча ҳурматладим. Кимнинг ақлини, шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрдим эрса, уни тарбият қилиб, амирлик даражасига етказар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига қараб, мартабасини ҳам кўтарар эдим.

Олтинчи тоифа — ақллиқ, тажрибалиқ энг ишонимли кишиларким, салтанат сирларини шулар билан кенгаш қилишга лойиқ эдилар. Бу тоифани ички ишларимга эга қилиб, яширин ишлар, яширин сирларимни шуларга топширдим.

Еттинчи тоифа — вазирлар, бош котиблар, ёзувчилардурким, салтанат саройини шулар билан безатдим. Буларни мамлакат уйларининг кўзгуси қилдим. Бутун ўлкалардаги ҳукумат ишларини, кундалик воқеаларини, сипоҳ ва раиятлар турмушларини менга кўрсатиб турар эдилар. Булар давлат хазиналарини бойитиб, салтанат мулкига тушган рахналарни лойиқ тадбирлар билан тўсишиб, мамлакат ободлиги учун доим ҳаракат қилишар эди.

Саккизинчи тоифа — ҳакимлар, табиблар, мунажжимлар, ер ўлчовчи муҳандислар — булар эрса салтанат корхонасининг ривож берувчиларидир. Буларни ўзимга тўпладим. Ҳакимлар, табиблар иттифоқлари билан беморларни даволатар эдим. Мунажжимлардан юлдуз юришларини, фалак даврларини аниқлаб, қутлуқ, қутсиз кунларни, соатларни улардан сўрар эдим. Муҳандисларнинг пичишлари бўйича аларнинг кўрсатганларига қараб, олий иморатлар қуриб, боғу-бўстонлар яратар эдим.

Тўққизинчи тоифа — тафсир, ҳадис олимлари бошлиқ дунё тарихчиларини тўплаб, ўзимга йўл бердим. Пайғамбарлар, авлиёлар қиссаларини, подшолар хабарларини, буларнинг салтанат тахтига қандоқ етганларини, давлатларининг қандай сабаблар билан завол топишини булардан сўраб эшитар эдим. Ҳар қайсиларининг ишларидан, сўзларидан тажрибалар кўтариб, илгари-кейин оламнинг воқеаларидан хабардор бўлар эдим. Шулар орқали кечмиш-келмиш олам аҳволидан хабар топар эдим.

Унинчи тоифа — ҳунар, санъат эгаларидир, буларнинг ҳар синфдаги ҳунармандларидан давлатхонамга келтуриб, ўз ўрдамдан ўринлар белгиладим. Сафарда, ҳазарда аскарнинг керак яроқларини доим тайёрлаб турар эдилар.

Ун биринчи тоифа — машойихлар, сўфилар, тарки дунё бўлиб худони таниганлар. Булар билан ҳам яқиндан танишдим. Шулар билан суҳбатлар ўтказиб, охиратлик фойдалар олдим. Худо сўзини эшитиб, булардан кароматлар кўрдим. Бу тоифанинг суҳбатларидан жоним роҳатланиб, ўзим кўп ҳузур топар эдим.

Ун иккинчи тоифа — юртдан юртга, элдан элга юрган савдогарлар, айланиб шаҳар кўрган саёҳатчи сафар аҳлларидир. Дунё хабарларини менга етказиш учун бу тоифанинг сафар йўлларини енгиллаштириб, кўнгилларини ҳар вақт кўтариб, овлар эдим. Савдогарларга карбонбошилар белгиладим, йўловчиларга бошчилар тайинладим. Хўтонга, Хитойга, Чинмочин, Ҳиндистон, Арабистон, Миср, Шом, Рум, Жазойир, Фарангистон (Европа) — шу жойларга бориб, шу ернинг энг нафис молматоларидан давлатга лойиқ туҳфа-тансуқлар келтурсинлар ва ҳам у ердаги турғун кишиларнинг аҳволларидан менга хабар етказсинлар, у ернинг ҳукуматлари, раиятлари қандай иш қилаётганликларини пайқаб келиб менга билдирсинлар.

## IV. Менга сиғиниб келувчилар тузуги

Турк-тожик, араб-ажамлардан меним паноҳимга келувчилар агар саидлар, уламолар тоифасидин бўлсалар, уларнинг иззат-ҳурматларини қилиб ҳожатларини чиқарсинлар деб буюрдим. Агар сипоҳлардан бўлсалар, буларга хизмат ўринларини белгилаб, ҳолларига яраша иш қилсинлар. Агар ҳунар-санъат аҳлларидан бўлар экан, бундай одамларни давлат ишхоналарига олсинлар. Булардин бошқа фақир-мискинлар, ҳар хил ҳожатмандлар бўлса, ўз ҳолларига яраша иш қилсинлар.

Яна буюрдимким, қайси савдогар сармоясини йўқотиб, ишсиз қолган бўлса, унга сармоя бўлгудек хазинадан олтун берилсин. Деҳқонлардан қайси бирови деҳқончилик қилишга кучи етмаса, экинчилик асбобларини тайёрлаб, унга ёрдам қилинсин. Агар фуқаролардан қайси бирларининг уй-иморатлари бузилиб, уни тузатишга қудрати етмаса керакли ускуналарини етказиб бериб, унга ёрдам қилсинлар. Ҳар тоифа ва ҳар синфдан ким ўз ихтиёри билан сипоҳгарчилик хизматига киришни тилар экан, уни хизматга олсинлар. Сипоҳзода, баҳодир наслли киши қайси тоифадан бўлса ҳам, унга ўрин бериб, қилган хизматига, қилган ишига яраша тарбият берсинлар.

Яна амр қилдим, узоқ-яқиндан ҳар қандай киши келиб, меним мажлисимга кирар экан, қайси тоифадан бўлса ҳам давлат дастурхонимдан уни қуруқ қайтармасинлар.

Яна буюрдим, ҳар кимарсаниким меним назаримга келтирган бўлсалар кўзим унга тушган бўлса унинг ҳолига яраша ҳурматлаб, инъом бериб чиқарсинлар. Ҳар қандай одам меним адолат девонимга қочиб кирар экан, гуноҳи бўлса ҳам уни кечирсинлар. Иккинчи, учинчи яна гуноҳ қилар бўлса, у чоғда гуноҳига яраша жазо берсинлар.

## V. Салтанатимни ўз эркимда сақлаш тузуги

Шу ўн икки нарсани ўзимга лозим тутқанлиғим учун тўлиқ эркка эга бўлиб, салтанат тахтига ўтирдим. Меним тажрибамга етди, қайси подшоким шу ўн икки хил нарсага эга бўлмас экан, ундай подшо ўз салтанатидан ҳеч қандай баҳра топа олмайди.

**БИРИНЧИ**, подшо сўзини ўзи айтсин, иши ўзидан чиқсин, яъни сипоҳ, раият подшонинг айтган сўзини, қилган ишини ўзи айтади, ўзи қилади, ҳеч ким бунга аралашолмайди деб билсинлар. Бундай бўлгач, салтанат мартабасига шерик бўлгудай қилиб, подшо бировнинг сўзига амал қилмасин. Аммо ҳар қайсидан фикр олиш — яхши, сўзни ҳаммадан эшитиш керак бўлса ҳам, лекин сўзда, ишда бошқаларнинг подшога шерик бўлмаслиги шартдир.

**ИККИНЧИ**, катта-кичик ҳар бир нарсада Султон адолат қилиши керак. Инсофлик, адолатлик етук кишилардан хизматида вазирлар сақласин. Чунки подшо зулм қилса, одил вазир унинг чорасини қила олур. Агар вазир золим бўлар экан, кўп узоқламаён салтанат саройининг вайрон бўлишини кўзи кўрур. Шундоқким, Амир Ҳусайннинг золим бир вазири бор эди. Бу эрса сипоҳу раиятларга ноҳақ жарималар солиб олур эди. Орадан кўп ўтмаёқ у ноинсоф вазирнинг шумлигидан Амир Ҳусайннинг салтанат уйлари бузилиб, хоробликка учради.

**УЧИНЧИ**, бутун мамлакатлардаги буйруқ-қайтаруқ ишлари подшонинг ўзидангина бўлиши лозимдир. Ҳар ишда подшо ўзи ҳукм чиқарсин. Шундоқки, уни тўсиш ёки ўзгартиш ҳеч кимнинг кўнглига ҳам келмасин.

**ТУРТИНЧИ**, подшо бир ишни қилишга қасд қилар экан, ул ишда қаттиқ турсин. Киришган ҳар қандақ ишини тугатмай қўймасин.

**БЕШИНЧИ**, подшо ўз ҳукмини юргизмаги керакдир. У нима ҳукм чиқарган бўлса, селдек юриши, ўқдек ўтиши лозимдир, ҳеч кимда анчалик қудрат бўлмағайким уни қайтара олғай. Шундоқки, Маҳмуд Ғазнавий буйруқ берди: Ғазнин шаҳри майдонига бир улуғ тошни келтириб ташладилар. Ундан ўткунчи-кетгунчиларнинг от-улоқлари ҳуркиб ўтаолмас бўлди. Арз бердиларким, йўл устидин у тошни олғайлар. Буйруғим бузилмас деб, Султон Маҳмуд арзни қабул қилмади.

**ОЛТИНЧИ**, подшолик ишларини бутунлай бошқаға топшириб, эркини унга бериб қўймасинким, дунё — хиёнатчи хотин каби, унинг хуштори кўпдир. Агар шундай қилар экан, унинг нафси подшо бўлишни тилаб, салтанат тахтини ўзи эгаллашга киришади. Шундоқки, Султон Маҳмуднинг вазирлари уни салтанат тахтидан туширибб, унинг тахтига ўзлари эга бўлдилар. Бундай бўлгач, салтанат ишларини ишонимлиқ бир неча кишиларга бўлиб қўйсин. Ҳар бири ўз ишига боғланиб, салтанат тахтига кўз тика олмайдилар.

**ЕТТИНЧИ**, салтанат ишларида ҳар кимнинг сўзини эшитсин, ҳар кимдан фикр олсин. Қайси бири фойдаликроқ бўлса, уни кўнгилда сақлаб вақтида ишлатсин.

**САККИЗИНЧИ**, ҳукумат ишларида сипоҳу раият устидан бировнинг «айтди», «деди» сўзига ишониб кетмасин. Кимнинг устидан вазирлар, амирлар яхши-ёмон сўз қилар эканлар, уни эшитиб олсин, аммо ишга оширишда ошуқмасинким, унинг ҳақиқатини аниқлаш лозимдир.

**ТУҚҚИЗИНЧИ**, подшо ҳайбати сипоҳу раиятлар кўнглида шундайин ўрнашқан бўлиши керакким, унинг амрига ҳеч ким қаршилиқ қилолмайдурған бўлсин.

**УНИНЧИ**, подшо нимани қилса, ўз эркича қилсин, нимани айтса шу айтқанида турсин. Шунинг учунким, подшоларнинг ҳукм ҳурматидин бошқа баҳралари йўқдир. Хазина, лашкар, раият, салтанат — буларнинг барилари ҳукмдан ўзга нарса эмасдир.

**УН БИРИНЧИ**, салтанат ишларида, ҳукм юргизишда подшо ўзини ёлғиз билиб, ҳеч кимни ўзига салтанат шериги қилмасин.

**УН ИККИНЧИ**, подшо ўз мажлисининг аҳлларидан ҳам хабарсиз бўлмасинким, алар кўпинча айб ахтариб, уни ташқарига тошийдилар. Подшонинг сўзидан, ишидан вазирларга, амирларга хабар бериб турадилар. Бундай воқеа ўз устимдан бўлиб ўтди. Узимнинг хос мажлисимдаги бир қанча суҳбатдошларим вазирлар, амирларимнинг жосуслари эканлар.

(Давоми бор)



«Кам тараққий этган мамлакатларга америкача ёрдам бериш варианти».



«Қуролланиш — оғир юк».

# АЙБНОМА

«Реваншистнинг қиёфаси»



Рассом Александр Житомирский фото-карикатура санъатининг йирик намояндаси. Унинг фотомонтажлари ҳамма вақт ҳозиржавоб, замон билан ҳамоҳанг.

А. Житомирский янги уруш олови ёқувчиларини қақшатувчи бир туркум сиёсий фотомонтажлар яратди. 1964 йили унинг «Ниқобсиз» деб аталган карикатуралар альбоми босилиб чиқди. Унинг плакатларидан бири Италияда бўлиб ўтган Халқаро конкурс мукофотини олган. А. Житомирский 17 тилда чиқадиган «Советский Союз» журналининг бош рассомидир.

# Донолар ҳикмати

Кўкат еб ўтирган Сўқротга бир кимса демишким:

— Хоқонимизга хизмат қилгани кўнганингда кўкат чайнаб қолмас эдинг.

— Сен ҳам кўкат ея билганингда, хоқонга хизмат қилмаган бўлардинг,— депти файласуф.

* * *

Сўқротдан сўрашипти:

— Таомни қай маҳал тановвул этган маъқул?

Файласуф депти:

— Таоми бор кишилар қорни очганда, таоми йўқлар топганида.

* * *

Арастудан:

— Кўпчиликдан сизнинг фарқингиз нима?— деб сўрашган экан, файласуф жавоб берибди:

— Кўпчилик фақат ейиш учун яшайди, мен яшаш учун ейман.

* * *

Шарқ донишмандларидан бири дептики:

— Шароб кишига тўрт сифат ато қиладиган неъматдир. Уни ичган кимса аввалига товус янглиғ товланадиган, муомаласи мулойим, олижаноб бўлади. Сўнгра, маймун тақлидига киради: кўринган киши билан ҳазиллашиб, қийшанглаб бошлайди. Бу сифат ўтгач, у, арслонга айланади: ўз кучига ортиқча бино қўйиб, бировларни писанд қилмай, кўзлари чақнаб, такаббур бўлади. Пировардида, шароб ичган кимса тўнғизга ўхшаб қоладиким, балчиққа беланиб ётиш унга мароқли бўлиб туюлади.

* * *

Абу Али ибн Сино ўзи даволаётган касалларга бундай дер экан:

— Биз уч тарафмиз: мен (табиб), сен (касал), у (касаллик). Агар сен мен тарафда бўлсанг, у енгилади. Агар у тарафга ўтиб олсанг, иккалангни енгишим қийин.

Демоқчики, касалликдан халос бўлай деган киши табиб айтган парҳезни қилмоғи даркор.

* * *

Табиблардан бири демишким:

— Меъёр — саломатлик гарови. Шундоқ экан, еганда ҳам, ичганда ҳам, севганда ҳам меъёрни билган киши саломат бўлади.

* * *

Ривоятларга кўра, қадимги юнонда касал бўлиб қолган табибга маош тўламай қўяр эканлар.

«Касалга қарши курашишнинг ҳамма сирларини билган табиб ўзики касал олдида тиз чўкипти, демак, у энди табиб эмас» деган мантиққа асосланар эканлар.

* * *

Биров табибга бориб қорним оғрияпти, дори беринг, депти.

— Нима еган эдинг?— сўрапти табиб.

— Нонниңг куйигини.

Табиб унга:

— Кўзингга сурма қўйиб ор,— деб маслаҳат берипти.

— Менинг кўзим эмас, қорним оғрияпти, қорним!

— Аввал сенинг кўзингни даволаш керак, ўшанда ейдиган овқатингни дурустроқ кўрадиган бўласан.

* * *

Бир табиб касалга қаттиқ тайинлапти:

— Парҳез тут, асло гўшт еякўрма!

— Агар гўшт еганимда эди, асло касал бўлмас эдим,— депти бемор.

---

## шох+мот

*Журналимизнинг 3-сонида юбилей йилига бағишлаб эълон қилган конкурсимизнинг иккинчи босқич вазифалари комбинациялардан иборат бўлиб, уни ечиш—ҳурматли шахмат шинавандаларининг ўзларига ҳавола қилинади.*

*Айрим ҳаваскорларимизга қулай бўлсин, деб бу қадимий ақл-идрок ўйинининг кишига эстетик завқ бағишловчи энг қизиқ жойи — комбинациялар ҳақида бир оз маълумот беришни лойиқ топдик.*

*Хўш, шахмат комбинацияси нима?*

*Маълумки, томонларнинг қаторасига бир неча деярли мажбурий юришларини бир қилганда, бу вариант деб аталади. Баъзан бу ёки шунақа вариантлардан бир нечтаси бирон-бир маневрни ташкил этади. Агар шу маневр ёки маневрлар доналар қурбони билан амалга оширилса, у ҳолда комбинация қилинган бўлади.*

*Мажбурий маневр ёки комбинация қилинганда актив, яъни юришни бошловчи томон рақиби учун хавф туғдириб, уни ё бирдан-бир жавоб юриш қилишга, ёки маълум миқдордаги жавоблардан бирини танлаб олишга мажбур этади. Кейинги ҳолда мажбурий маневр комбинация бир эмас, бир неча вариантлардан иборат бўлади. Ўйин пайтида тахтада бу вариантлардан биттасинигина амалга ошириш мумкин, бошқалари эса фақат мияда ҳисоблаб чиқилади. Лекин актив томон вариантларининг ҳар бирида турлича хавф туғдиради ва вариант ўз фойдасига ҳал бўлмагунча рақибни маълум жавоблар қилишга мажбур этади.*

*Комбинациядан кўзда тутилган мақсад фақатгина рақиб шоҳини мот қилиш бўлмай, ўз доналарини қулайроқ жойлаштириш ёки рақиби сипоҳларининг ноқулай жойлашувига эришиш ва бошқа манфаатлар кўришдан иборатдир.*

*Мажбурий маневр ёки комбинация қилиш мумкинлигидан дарак берувчи хусусиятлар мотивлар деб аталади.*

*Мотивлар шахматчининг асосий эътибори нимага қаратилиши лозимлигини «айтиб беради»—асосий зарбани қайси томонга йўналтиришни кўрсатиб беради.*

*Комбинацияни шахмат тахтасида рўй берадиган ўзига хос портлаш деса бўлади. Бундай портлаш пайтида одатдаги ҳисоб ва тушунчалар ўз аҳамиятини бирмунча йўқотади: чунончи, фарзин тахминан икки рухга тенг деган фикр билан иш кўриб бўлмайди. Буни журналимизнинг биринчи сонида мисол билан кўрсатиб ўтган эдик: унда бир фил фарзиндан кучлилик қилганди. Одатдаги ҳисоб ва тахминлар комбинация тугагач ўз кучига киради. Комбинация аниқ ҳисоб юритишни талаб қилади.*

*«Усти ялтироқ» комбинацияларга учмаслик, пухта ўйлаб иш кўриш даркор. Акс ҳолда «қош қўяман деб кўз чиқариш» мумкин. Бундай ҳоллар амалий ўйинларда, айниқса мусобақаларда кишига кўп озор етказади.*

*Комбинацияларни мустақил, уйда ечганда сизни ютқазиб қўйиш хавфи безовта қилмайди. Шунинг учун бемалол ҳамма вариантларни бир чеккадан кўриб чиқаверасиз. Лекин, азиз шахмат шинавандалари, агар ўз маҳоратимни оширай десангиз, 28-бетдаги комбинацияларни ечганда доналарга ҳадеб қўл ураверманг, аксинча уларни тахтага қараб туриб, мияда ҳал қилишга ҳаракат қилинг.*

*Марҳамат, ўз кучингизни синаб кўринчи. Зинҳор, ҳадеб мотга интилаверманг.*

*(28-бетга қаранг).*

---

**Худойберди ТУХТАБОЕВ.**

# Арзи-дод

(Ҳажвий ҳикоя)

Қизиқ бир гап айтмоқчидек лабларини қимтиб, ҳамиша кулимсираб турадиган нозиккина бу йигит эрталабдан буён папирос тутунига кўмилиб, алланарсалар ёзиб ўтирарди. Шу пайтда эшик овозсиз очилиб остонада дум-думалоқ, икки бети қип-қизил бир киши кўринди: бошида чақмоқи телпак, эгнида ўттизинчи йилларда тикилган мовут чакмон, оёғида махси-калиш, худди цирк қизиқчиларига ўхшаб, бутун вужуди кулиб турибди:

— Рухсатсиз кирсак мумкинми?— деди-да, жавоб ҳам кутмай эшикнинг ўнг қимтига калошини ечди.

— Райижроком котиби ўзлари бўладиларми?

— Менман, хизмат?

— Қани ўтиринг, ўтирайлик...

Котиб истамайгина ўрнига ўтирди. Меҳмон ҳам унинг қаршисига чўкиб, худди фотиҳа ўқиётгандек кафти билан лабларини артди:

— Баракалла!.. Энди, укам, қалай, соғлиқлари яхшими?

— Яхши, раҳмат!

— Уй ичлари, бола-чақалар?..

— Раҳмат. Хўш хизмат?

— Энди укам, мен Абдурауф акангиз бўламан, эшитгандирсиз? Ҳа, баракалла, «Улоқ чопар» маҳалласиданман... Мени сизга судья ўғлим юборди.

— Қани эшитайлик-чи?

— Энди укам, маҳаллачилик-да. Баъзан мана шунақа кўпчиликнинг юмушини бажариб турамиз. Бўш вақтларда эл-юртнинг арзи-додини давлат маҳкамаларига етказиб турсин деб беради. Тўғри-ми? Ҳа, баракала... Ҳали айтганимдек, мени сизга судья ўғлим юборди. Мартабаси бундан ҳам улуғ бўлсин, яхши йигит экан. Уч кундан буён гаплашиб бугун бир қарорга келди-ю, сизга жўнатди. Утган ҳафта прокурор ўғлимга ҳам учрашганман... Юрак ўйноқи дарди бор экан. Уша зормандаси тутиб қолди, бўлмаса ишимни битириб бермоқчи эди... Шундай қилиб, отлари Маъруфжон экан-да? Маъруф, Маъруфжон... маърифатлик йигит экансиз-да, ҳе-ҳе-ҳе!

— Амаки, менда қанақа ишингиз бор эди, ўзи?

— Шошманг, маърифатли укам, ҳаммасини гапириб бераман. Бир минутлик вақтингизни аямасангиз бас... ўзингиздан қолар гап йўқ, маҳаллада маҳалла комиссиясининг раиси-ю, муовинлари бўлади, тўғрими? Баракалла! Бизда ҳам шундай, раису тўртта муовин бор. Шулардан учтаси ёмон одаммас, эсли-ҳушли, тагли-жойли кишилар. Шопўлат бўлса олтин, йўқ гавҳар, оҳ унинг меҳрибонлиги, камтарлиги...

— Амаки, мен мажлисда сўзлашим керак, кечикяпман, мақсадни айтиб қўяқолинг.

— Мақсадними? Айтаман, ҳаммасини айтаман... Ҳа, бу дунёнинг ишлари шунақа экан, маърифатли укам. Чойингиздан бир пиёла ичсам майлими? Баракалла, умрингиздан барака топинг! Бай-бай-бай, заҳар бўлиб кетибди-я, ўзингиз дамлаганмидингиз дейман?

— Мен жуда шошиб турибман деяпман!

— Шошиб турибман дейсизми, баракалла! Шошиш керак, мен ҳам сиздақалик маҳалимда олов эдим, шошганим-шошган эди. Мана, қариб ҳам қолдик... Нима деяётган эдим? Ҳа, шу муовинлардан биттаси Шамсиддин чиноқ бўлади, унга одам деб маҳалланинг омборини топширган эдик. Унам, ўзингиз ҳам билсангиз керакки, маҳалланинг омборида юртнинг товоқ-қошиғи, дастурхони, чойнак-пиёласи сақланади... Шундай эмасми?

— Шундайку-я... Лекин...

— Ҳа, баракалла, дарров тушундингиз. Ақли-ҳуши жойида йигит экансиз. Худога шукур, омборимиз бой, ҳамма нарса бор. Тарелкадан тортиб хитой чархларигача топилади. Чинни косанинг ўзидан бир юзу ўнта бор. Кулманг, кулманг маърифатли укам, санаганмиз, санаб ўтказганмиз...

— Котиб шошилиб ўрнидан турди-да, негадир бўшашиб яна ўтирди. Папирос олиб тутатаркан, илтимос қилди:

— Амаки, сиз жиддийроқ иш билан келганга ўхшайсиз. Эртага бафуржа гаплашсак.

— Баракалла, укам! Мана, масаланинг жиддий эканлигини ўзингиз айтиб турибсиз, раҳмат. Минг бор раҳмат, мана шунақанги йигитларнинг садағаси кетсанг арзийди... Хўш, нима деяётган эдим! Ҳа, мана шу чинни товоқларни олайлик. Утган йили санаб ўтказганимизда, ҳали айтганимдек, бир юзу ўнта эди. Аноги куни санаб кўрсак тўртта кам. Синганмиш... Синиғи қани, кўрсат десам, мен коса синигини халтага солиб елкасига осиб юрадиган ахмоқлардан эмасман, дейди... Секин қулоғингизга айтиб қўяй, маърифатли укам, одамлар ёмон бўп кетяпти...

— Амаки!— котиб бармоқларини асабий қисирлатиб қўйди.

— Тўхтанг, маърифатли укам, гап қўшмай туринг, адашиб кетаман. Ана, адашиб ҳам кетдим, шекилли, чойингиздан яна бир пиёла ичай. Бай-бай-бай, чой эмас роҳатижон бўпти... нима деяётган эдим? Ҳа, товоқ, товоқлар масаласи...

— Мажлисда мени кутишяпти, тушунсангиз-чи!— йиғлагудек бўлиб деди Маъруфжон.

— Тушунаман, ҳаммасига тушунаман, укам,— Абдурауф чойдан бир ҳўплаб олди-да, мазза қилгандек лабини чапиллатиб шошмасдан, кулимсираганча сўзини давом эттирди,— ўтиринг, нега туриб олдингиз. Ҳа, баракалла! Утириб гаплашганга нима етсин. Ҳа, шу чинни товоқлар масаласини олайлик... Бир йўла тўртта товоқ-а, ана, бу гапни эшитиб, эсли-ҳушли йигит экансиз, рангингиз оқариб кетди, тишларингизни ғижирлатяпсиз, пешанангизда тер кўринди. Раҳмат, минг раҳмат сизга... Мана энди чархи товоқларни олиб кўрайлик.

Йигит лабини тишлаб ўрнидан турди, энтикди:

— Сизга нима деб тушунтирсам экан, айтмоқчи бўлган гапларингизни битта қоғозга тушириб эртага олиб келинг, кечгача гаплашамиз, келишдикми?

Абдурауф жуда севиниб кетди, шошилиб папкасини очдида, бир даста титилиб, сарғайиб кетган қоғоз чиқарди:

— Раҳмат, минг раҳмат сизга. Худди айтганингиздай қилиб келганман. Уқинг-а, мана, мана шунисидан бошлаб ўқинг.

— Ҳо-зир вақт-тим йўқ!!

— Ие, вақтим йўқ?!— ҳайрон бўлиб сўради Абдурауф Нишонов,— нега энди меҳнаткашларнинг арзи-додини тинглашга вақтлари бўлмас экан! Қани ўқинг-чи, тўғри ёзибманми?

— Кенгашдан кеч қолдим деб, минг марта айтдим-ку.

— Ҳеч қиси йўқ, раҳбар деган жиндек кечикиб боргани яхши.

Котиб жаҳл билан ўрнидан турди-да, шляпасини бошига кийиб ҳалиги қоғоз папкасини қўлига олди. Эшик томон юра бошлаган эди, Абдурауф Нишонов ҳам кулиб ўрнидан турдию, орқаси билан тисарилиб эшикни тўсди:

— Қочиб қолмоқчисиз, а, билиб турибман... Агар ўқишни истамасангиз ўзим ўқиб бераман, ўтиринг. Биламан, сизлар ҳар куни қоғоз кўравериб зерикиб кетасизлар. Биз бўлсак ойда, йилда бир ўқиймиз.

— Тўсманг!!

— Тўсаётганим йўқ, тўсишга ҳаққим ҳам йўқ. Фақатгина бир минут вақтингизни аямасангиз бас. Мана, қулоқ солинг-а...

Котибнинг пешанасидаги тер қуюқлашди, бурун катаклари кенгайиб пирпиради, нафас олиши тезлашгандек бўлди:

— Йўқол!!!— қичқириб юборди у. Қичқирди-ю худди ўқ тегкандек кўксини чангаллаб, битта-битта босиб орқага тисарилди, диванга чўзилиб қалтироқ қўллари билан галстугини бўшатди, пайпаслаб тугмаларини еча бошлади.

— Нариги хонадаги қизга айтинг,— деди у алланечук бўшашиб,— валерианка бор, ўшандан келтирсин.

— Юракнинг мазаси йўқроқми дейман? Тавба, ҳозирги ёшларнинг ҳаммаси шунақа-я! Қизни нима қиласиз овора қилиб, ўша зормандадан ўзимда ҳам бор. Мана, доим бир чўнтагимга мана шу шишачани солиб юраман. Узим-ку ичмайман-а, худога шукур юракдан шикоятим йўқ, лекин ким билан гаплашсам дарров юраги ўйнаб қолади, ўшаларга керак бўлади деб, олиб юрадиган бўлдим... Мана бу қандни бирпас сўриб ётинг... Утиб кетади. ...Энди, маърифатли укам, қаерга келиб тўхтаган эдик! Ҳа, чархилар. Мираъзам раис бўлган даврдан ўн еттита қолувди, бурноғи йили мастболадан тушган пулга яна йигирмата олинувди, ҳисобни билсангиз, бир бошдан хомчўт қилиб бораверинг... Утган йили....









*Комбинацияларнинг жавобини ёзиб юборишни унутманг.*


● МУЙЧИНАК

● МУЙЧИНАК

● МУЙЧИНАК

● МУЙЧИНАК

● МУЙЧИНАК



Бош муҳаррир: ИБРОҲИМ РАҲИМ.
Таҳрир ҳайъати: ИКРОМ АКБАРОВ, ЙУЛДОШ ШАМШАРОВ, МИРТЕМИР, ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ, РАҲИМ АҲМЕДОВ, РУСТАМ РАҲМОН, САЙЕР, СИРОЖИДДИН КАМОЛИДДИНОВ, СУЛТОН АКБАРИЙ (масъул котиб), ҲАМИД НУРИЙ (бош муҳаррир ўринбосари).

*Бўёқли расмларни Бирлашган нашриётнинг суратка́ш усталари С. Йўлдошев, А. В. Швец, И. А. Швец, Т. Зоҳидов, Д. И. Лисенко, Е. Полихропиду, К. Худойқулов, Н. Умаров тайёрлаган.*
*Зарварақларни В. Я. Азиков қўл остидаги устакорлардан И. Видонов, П. Сосник, Л. Блинова, К. Гаврилов чоп қилганлар.*

«Гулистон» — общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

*Саҳифаловчи М. ЕФИМОВА.*

Адресимиз: Тошкент 47,
Карл Маркс кўчаси, 30-уй.

«Гулистон» телефонлари. Бош муҳаррир — В 33 520. Бош муҳаррир ўринбосари — В 33590. Саркотиб — В 33659. Ижтимоий-сиёсий бўлим — В 33602. Адабий-бадий бўлим — В 33590. Қабулхона — В 33519.

Теришга топширилди 3/V-1967. Босишга ижозат берилди 21/VI-67 й. Қоғози 70×108 1/16. Ҳажми 4,5 босма тобоқ Р 12056. Буюртма 3886. Нусхаси 50.000. Баҳоси 30 т.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси. Тошкент шаҳри.



*Фото мухбир А. Машуров ана шу кўл оқшоми манзараларини: қуёш ботаётгандаги сувлар ўйчанлигини, атиргулларнинг учқун сочишини, қайиқларда йигит-қизларнинг дилкашлик қилишини, хуллас, боғнинг кечки кайфиятини расмга туширди. Биз уларни гулистонхонлар диққатига ҳавола қиламиз.*

# Сайлгоҳ оқшоми

*Беруний майдони рўпарасидаги истироҳат боғини, кўк гумбаздай ярқираб ётган Комсомол кўлини қайси тошкентлик ардоқламайди дейсиз! Бу соя-салқин, беғубор жой ошиқ-маъшуқлар маскани, табиат ишқибозлари ошёни, мўйқалам соҳиблари ишхонаси, шеърхонлар давраси, қувноқлар сайилгоҳи...*



*Бу боғнинг ҳавоси асалдан асал,*
*Бир ютими — дори, илашмас касал.*



*Бу ерда барг ёзар ишқ билан вафо.*
*Мусаффо! Мусаффо! Мусаффо!*







А. Вайнштейн фотоэтюди.

*Оппоқ қордир тоғларнинг тоши,*
*Дарё тиниқ, осмон беғубор.*
*Шу ердадир ўлканинг боши,*
*Сув бўйида менинг уйим бор...*

Ҳамид ОЛИМЖОН

Баҳоси 30 тийин
Индекс 75233



...арафиддин Али Яздий, «Зафарномаи Темурий» қўлёзмалари.



Табаррук қўлёзмаларимизда тарихлар ва тақдирлар муҳрланган ўчмас зарварақлар бор. Сиз бу ерда XVI асрда яратилган ва Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланаётган эски қўлёзмалардаги миниатюралар — жажжи безаклар билан танишасиз.

Абдуллоҳ Хотифий, «Зафарномаи Темурий» қўлёзмаси.



Дурбек, «Юсуф ва Зулайҳо» қўлёзмаси.



Масъуд Усмон, «Тарихи Абулхайрхоний» қўлёзмаси.



Бағасы 30 тиын
Индекс 75233

